

Мехмет Йилдиз

ИЗЛАШ

Сени излаётиб жоним узиади...



Мехметтің хикоясы



МЕХМЕТ ЙИЛДИЗ

ИЗЛАШ

Таржимон:
Нурулла Абдуллаев

Мутолаа бошланган сана: _____
Мутолаа тугаган сана: _____



МЕХМЕТ ЙИЛДИЗ

“ИЗЛАШ”

«Мисбаҳ китоблари» жамоаси

Лойиха муаллифи: Шаҳзод Рамазонов

Лойиха директори: Бекзод Рамазонов

Таржимон: Нурулла Абдуллаев

Муҳаррир: Аброр Адҳам ўғли

Мусахҳих: Ислам Худойор

Бадиий муҳаррир: Дилфуз Салиходжаева

Саҳифаловчи: Дилдора Жўрабекова

Ижтимоний тармоқлар бўйича масъул: Дишод Алиев

Ушбу китобнинг ўзбек тилидаги
таржимасининг барча ҳуқуқлари «Мисбаҳ
китоблари» жамоасига тегшили бўлиб,
руҳсатсиз нусха кўчирининг барча
турлари шаръан ҳаром ҳисобланади ва
қонунан ман этилади.

+998941211020

misbahkitoblar

misbahkitoblar

misbahkitoblar

misbahkitoblari

УЎК: 821.512.161-31

КБК: 84(5Туц)

Й - 28

Йилдиз, Мехмет

Излаш: адабий-бадиий нашр / Мехмет Йилдиз.

- Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. - 176 б.

ISBN 978-9943-20-848-3

© Мехмет Йилдиз, «Излаш». «Янги аср авлоди», 2021.

SHIRIN SHAHAR
AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI

INV № 2022/1-2215

Мехмет Йилдиз

ИЗЛАШ



I БОБ

Кетган қайтади, келган кетолмайды...

Ортга қайтишни истамаётган эди...

Етишмовчиликларга қарамай онаси билан йиққан пулларини гиламнинг тагидан олди-да, орқасига ҳам ўгирилмай у ердан шитоб билан чиқиб кетди. Қочаётиб энди қаерда яшашини ёки нима қилишини ўйламаётган эди. Ягона ўйи - бу ердан тезроқ кутулиш. Ортидан уни таъқиб қилиб келаётган қон изларига кўз ташлади. Шошилинчда орқасига темир гулли зулфин ўрнатилган ташқи эшикка қўлини уриб олганди.

Бир неча дақиқалик тўхтовсиз қочиш бурилишда узун бўйи ва сўлақмондай гавдаси билан гира-ширада ҳар кимни ҳам ҳуркитиб юборадиган одамга урилиб кетиши билан тўхтади.

Осонликча йиқиладиганга ўхшамайдиган бу одам билан тўқнашди-ю, ўзи ағанагудай бўлди.

Барваста одамга эса, афтидан, ҳеч нарса таъсир қилмади. Ўзини кичик тоғларнинг яратувчисидек тутадиган бундай оғаларга урилиб кетиш улар учун ҳақоратдек гап. Бу одам ҳам ғазабга миниб, оғиздан кўпик сачратган кўйи дўппослашга чоғланган эди ҳамки, қаршисида катта ёшли кимнидир эмас, нима бўлганини тушуна олмай довдираганча турган ўспиринни кўрди.

Бемаҳалда кўчада ўзини билмайдиган аҳволда чопиб кетаётган бу боланинг маъносиз қарашлари атайин урилиб кетмаганини айтиб тургандек эди.

Гунгурсдай одамнинг тишлари сигаретани кўп чекканидан моғорлаб кетгани ним қоронғида ҳам кўриниб турибди. Орқага тараалган соchlари, дағал соқоли, узун қора пальтоси, тутмалари қорнигача очилган кўйлаги ва қўлидаги қаҳрабо тошли тасбеки унинг қайси дунёга мансублигидан дарак берарди.

У эса ўзини олдинда нималар кутиб турганидан бехабар ҳолда югуришда давом этди. Анчагача югарди, оёқларида мадор қолмади. Аллақандай кўприк тагида канализация қудуғининг қопқоғи устига ташланган, кетма-кет ёқсан ёмғирларнинг таъсирида тузи сариқдан жигаррангга айланган картонларнинг устига ўтириди-да, тушунксиз нигоҳи билан атрофга аланглай бошлади. Ёноқлари совуқдан қизий бошлаган, қип-қизариб кетганди.

Бу шаҳарда қиши оdatda қаттиқ келади.

Ишчининг қўлларига ўхшаш қўлларининг тарам-тарам ёриқларидан кираётган совуқ деярли бутун танасини қоплаб олганди. Яна бир қадам

ташлашга мажоли қолмаганидан ўша ернинг ўзида пинакка кетди...

Гоҳида бирор дўконнинг қулфланган эшиги олдида, гоҳида қайсиdir кўп қаватли уйнинг йўлагида ётиб, оппоқ қорнинг одамга кафан кийдира-диган даражадаги совуғига чидашга уринаётган бу боланинг чўнтағида бир-икки кун меҳмонхона-да яшашга етадиган пули бор. Оқибатини ўзи ҳам билмайдиган кўча ҳаётида нималарга дуч келиши мумкинлигини тахмин қилолмагани учун эҳтиёт-кор бўлиши, пулини тежаб ишлатиши зарур.

Кўчаларда кунлаб тен-тираб юрди. Бир куни кечаси яна ўша кўприк-нинг тагида кўзи илинари-илинмас бўлиб ётганида бири калта бўйли, иккinci новчароқ йигитча-ларнинг сояси кўринди.

— Алламаҳалда бу ерда ётганига қараганда, борадиган жойи бўлмаса керак. Бу бола бугуннинг ўлжаси бўла қолсин. Сариқ сувсар яна кимнидир тўримизга илинтирганимизни кўрса, роса курсанд бўлади-да. Балки олиб борган совғамиз учун бизга мукофот берар, нима дейсан?

Деярли пицирлаб гаплашаётган болаларнинг гапларини аниқ эшитмаган бўлса ҳам, уларнинг ўзини тутиши ва ҳаракатлари унга кўпам ёқмади.

Бўйи пастроқ йигитча Онадўли шевасида:

Шубҳасиз, энг катта хатоимиз ҳамманинг қалби яхши эканлигига ишонишишимиздир.

– Сен кимсан, гардош? Бу пайтда бу ерда нима қилиб юрибсан? – деб сүради.

– Ким эканлигим билан нима ишингиз бор? Ўзингиз кимсиз? – дея жавоб қайтарди түнг овозда.

Ахир уларнинг ниятини билмайди, ўзини таништиргани маъкул.

Новчароқ йигитча ўзига ярашмаган юмшоқ оҳангда сўз қотди:

– Кўрқма, ёмон ниятимиз йўқ. Бу ерда ётганингни кўриб, балки ёрдамимиз тегар деган ниятда келдик.

Бу гапдан кейин сал хижолат тортган бўлса-да, эҳтиёткорликни қўлдан бермай гапирди:

– Раҳмат, ёрдам керак эмас.

– Керак эмас деяпсану, кўринишингга қараганда борадиган жойинг йўқقا ўхшайди, гардош,¹ – дея гапга аралашди пакана.

Тахминан бир соатлик сухбатдан кейин улар ўzlари билан кетишни таклиф қилди-да, жавобини кўпам кутиб ўтирумай йўлига равона бўлди.

Бу ерда қолишининг улар билан кетишидан ортиқ жойи йўқ. Устига-устак, онаси билан тўплаган пулларининг тобора чўғи камайяпти.

«Бир ўзим кўчаларда яна қанча юришим мумкин? Баданим бу совуқ жойда ётишга яна қанча чидай олади? – дея ўйлади. Аммо ичини шубҳалар кемираётган эди: – Ниятлари ёмон бўлса-чи? Ҳозиргина танишиб, дарров ўzlари яшайдиган жойга таклиф қилишлари ғалати-ку».

¹ Қардош

Нима қилишни билолмай қолди. Миясида турфа фикрлар чарх урар, улар билан кетсинми ёки кўприкнинг тагида қолсинми, бир тўхтамга келолмаётган эди.

У ўйлангунча йигитчалар анча узоқлашиб, деярли кўзга кўринмай қолди. Оқибати яхшилик билан тугайдими ёки ёмонлик биланми, аниқ билмаса-да, «Бир ўзим яшашимдан яхшироқ» деганча уларнинг ортидан югурди...

Йўл юришгани сайин кўчалар танҳолашиб борарди. Икки йигитча бунга парво қилмасди, афтидан, бу ерлардан ўтавериб ўрганиб кетишган. Меҳмет эса бундай кимсасиз, жимжит ва тор кўчалардан илк бор ўтяпти, шу сабабли юрагини алланечук хадик чулғаб олди.

«Уларга эргашиб хато қилдимми? Бу ерда мени ўлдириб юборишса, ҳеч ким билмайди ҳам. Ўлдиришса нима бўларди, ўзи бўлар иш бўлиб бўлди-ку. Бошимга бундан ёмонроқ яна нима тушиши мумкин?..»

Меҳмет ана шу ўйлар билан кетар экан, кўзи деворда кўча чироқлари базўр ёритиб турган ёзувларга тушди. Баъзилари бўёқ тугагани учун чала қолган, баъзилари эса турфа кил ранглар билан ёзилиб, бутун деворни қоплаб олганди. Ёзувлардан бири эътиборини тортди: «*Кетган қайтади, келган кетолмайди*».

Бу гапнинг маъносини уқишига уринар экан, кулогининг тагида бир овоз янгради:

– Кошонамизга хуш келибсан! Қани, ичкарига кир.

Маөхумлик ичра...

Икки томонга очиладиган эски эшиқдан ичкарига кирганида намоён бўлган манзарани кўриши билан Мехмет биринчи марта ўзининг ёлғиз эмаслигини ҳис қилди. «Демак, толеи кулмаган фақат мен эмасман», деб ўйлади ва ичкарига қадам қўйди.

Ташқи томонининг бўёғи ёмғирларда оқиб кетган, ярми қоронғида кўринмаётган, ярмини эса кўча чироқлари ёритиб турган, боғ ичидағи икки қаватли уй эди бу. Мехметнинг кўзи биринчи бўлиб устки қаватдаги балконда ўтирган, сариқ соchlарини орқадан боғлаб олган одамга тушди. У атрофидагилар билан суҳбатга берилиб кетганидан Мехметни ҳам, уни бошлаб келган икки йигитчани ҳам сезмади.

Совуқ суюк-суюгигача ўтиб кетган Мехмет боғнинг бир четида тунука идишда ёнаётган оловнинг яқинига ўтирди-да, ҳам исиниб, ҳам олов атрофидаги болаларнинг гапларига қулоқ тута бошлади.

Болалардан бири иккинчисидан сўради:

- Молни нима қилдинг?
- Ҳаммасини пулладим, – дея жавоб қайтарди шериги мақтанчоқ овозда.

Бир бола эса Мөхмәтни бу ерга олиб келган бўйи паст йигитча томонга ўгирилди:

– Хоқон пакана, бугунги ўлжа қандай?

Лақаби жисмига мос Хоқон қатъият билан жавоб қайтарди:

– Яхши деб бўлмайди, лекин Сариқ сувсар биз олиб келган совғани кўргач, кайфияти кўтарилиб, бизни мукофотлайди деган умиддаман.

Мөхмәт эса ўзининг Сариқ сувсарга бериладиган совға эканлигидан бехабар ўтирас, бўлаётган гап-сўзларни тушунишга уринарди. Бу пайтда Сариқ сувсар зинапояларидан тебранганча тушиб келаётган эди. Тўрига тушган янги ўлжадан қандай фойдаланиш режасини тузганча Мөхмәт томонга қадам ташлади.

– Бу укамиз ким? Орамизга янги кўшилдими?

Сариқ сувсар деганлари Мөхмәт ичкарига кирганида биринчи бўлиб эътиборини тортган киши экан. Унинг саволига Хоқон ялтоқланганча жавоб қайтарди:

– Ҳа, оғам, шундай.

Хоқоннинг жавоби уни роса хурсанд қилганга ўхшайди. Сариқ сувсар кўришиш учун иштайганча қўлини Мөхмәтга узатди.

– Хуш келибсан, иним, кел, ўтири, тортинма. Қорнинг очми, бирор нима ейсанми?

Неча соатдан бери томоғидан бир луқма ҳам ўтмаган Мөхмәтнинг қорни очликдан ғулдираётган бўлса-да, ўзини ноқулай ҳис қилиб:

– Раҳмат, оч эмасман, – деди.

Сувсар эса гүё бу жавобни эшиитмагандек олов атрофида ўтирган болаларга буюрди:

- Тезда овқат тайёрлаб келинглар.

Сувсарнинг акаларча меҳрибончилиги Мәхметнинг хаёлидан ёмон ўйларни бирма-бир қуваётган бўлса-да, аниқ бир тўхтамга келишга ҳали эрта эканлигини тушуниб турарди. Шу кунларда ҳар хил фикрлар миясини, қочишлар эса вужудини ҳаддан ортиқ толиқтириб қўйди. У олдига қўйилган овқатни егандан кейин ўзи учун тайёрланган ётоқقا чўзилди-да, чукур уйқуга кетди.

*"Юрагингиэга
яқин бўлмаган
инсонлардан узоқ
бўлинг".*

Хазрат Умар

Эрталаб уйғонганида дастурхон аллақачон тузалган, нонушта қилиб бўлган болалар эса бирин-кетин ташқарига чиқиб кетишаётган эди. Мәхметни кўрган Сувсар:

- Ооо, пошом, хайрли тонг. Яхши дам олдингми? Кел, нонушта қилиб ол, - деди.

Ошхонадан олган чойи билан дастурхонга ўтирган Мәхмет бир томондан Сувсар билан сұхбатлашиб, иккинчи томондан қорнини туйдирди. Кейин эса ҳаво олиш учун боқقا чиқди.

Аввалига бу ерга келганига иккиланган бўлса-да, дўстона туюлган муҳит Мәхметнинг кўнишини осонлаштириди. Кундузлар кечаларни, тунлар кундузларни қувалар, вақт жуда тез ўтиб борарди. Мәхмет бир неча кун ичидаги ерда нималар бўлаётганини оз-моз фаҳмлади-ю, баъзи нарсаларга барибир ақли етмади.

«Бу болалар ким? Нега бирга яшашипти? Олиб келган пулларини қаердан ва қандай топишипти?..»

Меҳмат бу саволларга жавоб топишга уринар, ўзини бу ерга тегишли деб ҳис қила бошлаганига қарамай ичидә қандайдир безовталик бор эди.

Кеч тушиб, ҳамма ишдан келди ва толған-тутганини Сувсарга берди. Меҳмет эса чарчаб келгап ўртоқларига чой дамлади. Аста-секин уларга аралашиб кетишга уринарди. Илөс ва Хоқон пакана Меҳметнинг энг яқин дўстларига айланди. Нима бўлганда ҳам уни бу ерга улар олиб келган, кўчада яшашдан улар кутқарган. Шунинг учун Меҳмет уларга бошқача ҳурмат кўрсатарди.

– Олинглар, дўстларим, сизларга чой олиб келдим.

Хоқон пакана олган чойини Илёсга узатди ва яна икки стаканни олиб, Меҳметнинг ёнига ўтирди. Бироз суҳбатлашгач, Илёс Меҳметга қараб:

– Нуқул биз гапирияпмиз, сен ҳам ўзинг ҳақингда гапириб бер, кўчаларда нима қилиб юргандинг? – деди.

Бу саволдан кейин кўзларини чойга тиккан Меҳмет калити йўқолган, ичидә сирли нарсалари бор сандиқ мисоли жим бўлиб қолди. Гўё Хоқон ва Илёснинг саволини эшитмагандек, уларнинг овози миясига етиб бормагандек эди.

Тушунишдики, Меҳмет ҳеч нарса айтмайди.

Шу пайт радиода янграган қўшиқда Меҳметнинг ҳислари акс этгандек бўлди. У қўшиқнинг нақаротини фақатгина ёнидагилар эшитадиган даражада, паст овозда такрорлай бошлади:

«Қора қалам ёзған менинг тақдиримни,
Хеч ким түшүнмайды паришен аχволимни...»

- Хотиралар азобляяптыми, дўстим? Биламан...
Азоблар сал бўлса ҳам тинишини истасанг, ол, сен
ҳам торт.

Хоқон ўзи ўтирган курсининг ёнида турган
пластик бутилкани Мөхәмәтга узатди.

Мөхәмәт озроқ иккиланиб турди-ю, уларнинг ўзи-
га дўст эканлигига қаттиқ ишонганидан узатилган
қўлнинг ортидаги қора ниятни кўролмади. Шундай
қилиб, илк бор заҳри қотилдан татиб кўрди.



Куннинг ўлжаси...

Ёмғирдан қочиб, дўлга тутилишнинг нима эканлигини идрок қилолмаган Мехмет ўша кунларда на ёмғирни, на уни кутиб турган дўлни сезмасдан вақтини ўтказар, дўст деб билганлари аслида унинг учун чоҳ қазиётганидан бехабар ҳолатда атрофга мослашишга ҳаракат қиласарди. Аммо юрагидаги алланечук безовталик уни тинч қўймасди. Ўзи ҳам тушуна олмаётган бу дилгирлик уни ўйга толдирап, бироқ бу ердан кетишни, дўстларидан айрилишни истамас эди.

Мехметнинг ўйчан ахволини кўрган Илёс:

– Тинчликми, нималарни ўйлаб қолдинг? – деб сўради.

Ичидаги зиддиятларни ташига чиқариб, ишончи йўқотишни истамаган Мехмет эса:

– Ҳеч нарсани... Ҳеч гап йўқ – деб жавоб қайтарди.

Илёс ўзига тўқ оиланинг ягона фарзанди эди. Тўқликка шўхлик қилиб, гиёҳвандлик ботқоғига ботганидан кейин оиласи уни уйдан ҳайдаб юборди. Сўзамоллиги ва тиниқ гапириши билан эътиборни тортадиган бола. Моддиятнинг ўзи инсон-

нинг ҳаёти учун кифоя қиласлигининг исботи бўлган ҳаётига маъно бағишламоқчи бўлар, лекин буни қандай қилишни билмагани учун ичидаги бўшлиқни гиёхванд модда билан тўлдиришга уринарди. Бўшлиқ тўлмаганидан моддага янада кўпроқ ёпишар, шу тариқа умрини хазонга қилиб бораётган эди.

Мард фитратни номардга айлантиришга устаси фаранг бўлиб кетган Хоқон эса Илёсга қараганда анчагина бераҳм, қолаверса, ўз манфаатлари йўлида туллакликни ҳам қойиллатадиган нусха эди.

– О, бизнинг жамоа бу ерда экан-да. Оғайнилар, сизларга бир таклифим бор: отажонимнинг олдига боришга нима дейсизлар?

Отажоним дегани – мавзедаги энг машхур шўрвачи Ўккеш оға. Келган ҳар мижозга «Отажоним, нима ейсиз?» деб хитоб қилиши сабабли мана шу лақабни орттириб олган.

Мөхмет келган кундан бери уйдан ташқарига чиққани йўқ. Хоқоннинг таклифи бу ерда зерикиб қолганини тағин эсига солди.

– Яхши бўларди, ҳаво алмаштириб келардим, – деди у.

Хуллас, уч оғанини тайёрланиб, ишкамба шўрвасини ичиш учун йўлга тушишди. Анчагина пиёда юришларига тўғри келган бўлса-да, Мөхмет ўзини қафасдан қутулиб, осмонда парвоз қилаётган күшдек ҳис қиласади.

Ниҳоят, Ўккеш оғанинг ошхонасига етиб келишиди. Хоқон ва Илёсга кўрсатилаётган эътибордан

улар бу ерга тез-тез келиб туришини пайқаш қи-йин эмас. Ўккеш оға Мәхметни имлаб күрсатиб, ку-лимсираганча Хоқон паканадан сўради:

– Бу дўстимиз янги келдими ёки бу ерга келишга таъблари тортмасмиди?

Ошпазнинг ҳазилкашлигини яхши биладиган Хоқон шунга яраша жавоб қайтарди:

– Эшитишимча, отажонимнинг шўрваси ҳечам яхши эмас экан, мен бормайман деди, лекин биз уни мажбурлаб олиб келдик.

Хоқоннинг бундай дейишини кутмаган Мәхмет хижолат тортди.

– Йўқ, ҳечам ундандаи эмас! Мен сизни ҳам билмайман, шўрвангизни ҳам ичмаганман. Бу ерларга келганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Дўстларим бугун айтгач, мен ҳам борай дедим, билганимда олдинроқ келган бўлардим, – деб ўзини оқлашга уринар экан, дўстлари ва Ўккеш оғанинг кулишаётганини кўриб, бу гап-сўзлар ҳазил эканлигини сезиб қолди.

– Тинчлан, отажоним, биз шунчаки ҳазиллашдик. Бу мавзеда мени танигани ҳолда шўрвамга мубтало бўлмаганнинг пешонасидан ўпиб кўйганим бўлсин. Ҳозир сенга шўрва олиб келай, ана ундан кейин нима демоқчи бўлганимни тушунасан.

Ўккеш оға кетиши билан Мәхмет асабийлашганча деди:

– Хоқон, мени одамларнинг ичидаги хижолатга кўйма!

Улар оқ пластмасса столнинг атрофига кўйилган стулларга ўтиришди. Уч оғайнининг суҳбати

бошламасидан йүккеш оға юмалоқ патнисда уч коса шүрва, тилимланган лимон ва туйилган қызил қалампирни столга қўйди.

– Шўрвамиз тайёр, отажоним, сизларга ёқимли иштаҳа, – деди-да, янги келган мижоздан буюртма олиш учун рўпарадаги стол томонга зинғиллади.

Шўрвахонадаги ёқимли гурунгдан кейин уч ўртоқ қош қорайганини уйга қайтиш учун ташқарига чиқишгандан кейингина билишди. Келишда Мөхметтга йўл анчагина узоқдек туулган эди, қайтишда эса ундай бўлмади. Қачонлардан бери ҳеч ким билан бундай мириқиб сухбатлашмаган Мөхмет уйнинг остонасига келишганида ажойиб кун учун ўртоқларига раҳмат айтди.

Одатда кечқурун пулсиз қайтган болаларни уй эшигидан киритмайдиган Сариқ сувсар уларга индамади ва балкондан турганча сўради:

– Ие, йигитлар, бу маҳалда қаердан келяпсизлар?

Хоқон пакана унга «ҳаммаси жойида» дегандек қаради-да:

– Отажонимнинг ошхонасидан келяпмиз, оға, – дея жавоб қайтарди.

– Зўр-ку, қаерга боришни биласизлар, – деди Сариқ сувсар ва юқорига чиқишлари учун ишора қилди.

У күшлар чўқилаб ташлаган, қуёшнинг нуридан қора тузи бақлажон рангига айланиб қолган оромкурсида ўтирас, ўнг оёғини чап оёғининг устига ташлаб олган, қўлидаги тасбеҳни тинмай силки-

тар эди. Болаларга ўтиришлари учун рўпадаги курсиларни кўрсатди.

– Менга қаранглар, албатта, сайд қилиш, кўнгил ёзиш, гурунглашишга ҳаққингиз бор, аммо сизларга ҳам маълумки, бу ерда қозон қайнаб туриши учун пул керак. Қилинаётган шунча ишлар учун пул осмондан ёғмайди.

Аввалдан тузилган режа кўнгилдагидек амалга ошаётган эди. Нималар бўлаётганидан биргина Мехметнинг хабари йўқ.

– Хўш, Мехмет афанди, уйимизга келганингга бир неча кун бўлди, шу пайтгача сенга ҳеч нарса демадик. Аммо, ўйлайманки, бу уйнинг тегирмони қандай айлананаётганини озми-кўпми тушунган бўлсанг керак.

Мехмет уйга пул келтирмайдиган ягона киши эканлигидан хижолатда эканлигини билдириш учун уялган оҳангда:

– Ҳа, оға, – деди.

Сувсар эса унинг хижолат чекишидан фойдаланиб қолди:

– Унақада сенинг ҳам уйимизга пул келтирадиган вақтинг келди.

– Хўп, лекин қандай қилиб, оға?

Сарик сувсар Хоқон пакана ва Илёс томонга имлаб деди:

– Дўстларинг сенга ўргатади, хавотир олма.

...Тонг отди, ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаган. Хоқон пакана, Илёс ва яна бир бола шу совуқда пул топиш, Мехметга эса пул топишни ўргатиш учун

йўлга тушишди. Микроавтобусга чиқиб, ўғрилик қилинадиган мавзега қараб кетишди. Хоқон пакана олдин бу ерларни айланиб чиқсан ва баъзи кишиларни кўз остига олиб қўйганди. Улардан бири – ҳар тонг ишга оқ жипи билан кетадиган сариқдан келган аёл. Тўрт ўртоқ аёлнинг вилласи олдига келишди ва чиқишини бир муддат кутишди. Бу аснода Хоқон режани тушунтириди.

*“Аллоҳ на ташқи
кўринишингизга, на
молу дунёнгизга ҳарайди.
У сизнинг қалбингизга ва
амалларингизга ҳарайди”.*

Хадиси шариф

– Аёл ҳар куни эрталаб кўлида сумкаси, оёғида пошнали туфилиси билан тақтуқ қилиб юриб келганча машинасига чиқади. Сумкасини ҳайдовчи ўринидиги ёнидаги ўринидикقا

ташлагандан кейин радиони ёқади, бир неча дақиқа ойнада ўзига қараб, пардозини кўздан кечиради-да, сўнг йўлга тушади. Хуллас, режани амалга ошириш учун вақтимиз жуда оз. Илёс, сен аёл машинасига мингандан кейин ойнасини тақиллатиб, савол берасан. Сен савол берётганда мен яширинча эшикни очиб, ён ўринидикдаги сумкани олиб қочаман. Қолганлар атрофга кўз-кулоқ бўлиб турсин, бирор келиб қолса, бизга хабар берасизлар, тушунарлими?

Мәхмәтдан бошқа ҳамма хотиржам эди...

Ниҳоят, кутилган лаҳзалар келди. Аёл вилласидан чиқди ва айнан Хоқон айтгандек баланд пош-

нали туфлиси билан так-тук қилиб қадам босганча машинасига қараб кетди. Машинасига миниб, сумкасини ён ўриндиққа қўйгандан кейин радиони ёқкан пайтда Илёс машина ойнасини чертди ва:

– Кечирасиз, Лимон кўчасига бу ердан қандай боришимни айта олмайсизми? – деб сўради.

Аёл Илёсга кўчага қандай боришини тушунтираётгандан пайт Хоқон сездирмайгина яқинлашди. Омади келиб, ўнг эшикнинг ойнаси очиқ эди. Сумкани чакқонлик билан олди-да, шитоб билан у ердан узоқлашди. Кўчанинг бошида кимдир келаётганини кўргач, Илёсга ишора берди. Аёлга раҳмат айтган Илёс ҳам тез-тез қадам ташлаб кетди.

Озроқ юргургандан кейин хилват жойга етгач, сумкани очиб, ичидагиларни ерга тўкишди. Ҳамёндан аксари икки юзталиклардан иборат бир даста пул, бир нечта тилла тақинчоқ чиқди.

Кунни зўр бошлишганди. Кун давомида Хоқон олдиндан мўлажаллаб қўйган яна бир неча кишини ўхшаш усуслар билан шилишди. Кечқурун уйга мўмайгина пул билан қайтиб, тўғри Сувсарнинг олдига киришди. Хоқон бугунги ўлжаларни курткасининг чўнтағидан чиқариб, Сувсарга узатди:

– Олинг, оға...

Сувсар мамнун ҳолда бош силкиди.

– Қойил, болалар, оғарин! Мана, бўларкан-ку, – деди куйдирган калладек тиржайиб. Кейин эса олиб келинган пулдан ҳар бирига юз лирадан берди.

Кун бўйи у ёқдан-бу ёққа чопган Мехмет жуда чарчаган, тезроқ ётиб ухлашни истарди. Бошини

эндигина ёстиққа қўйган эдики, хонага Ҳоқон қириб келди.

– Тайёр тур, гардош, эртага сенинг галинг. Бугун ўрганганларингни эртага амалда қўллайсан, – деди.

Кўзини аранг очиб турган Мехметнинг уйкуси қочиб кетди, унинг ўрнини виждан азоби аралаш ҳадик қоплади.

«Ахир у одамларнинг нима айби бор?» дея тинмай сўраётган виждонининг ёнига «Бу ишни қандай уddалайман?» деган қўркув қўшилгач, тонгга-ча ухлолмади...

Эрталаб Ҳоқон ва Илёс уйғонишлари билан Мехметнинг ёнига келишди. Унинг шишиб кетган кўзлари, афтода аҳволини кўриб, калака қилишга тушишди:

– Бу нимаси? Ёки эрталабгача ухламадингми? Даҳшатли маҳлуққа айланиб қолибсан-ку!

Уларнинг қаҳ-қаҳ отиб кулиши Мехметтга ёқмади. Индамайгина ювиниш хонасига равона бўлди. Но-нуштадан кейин учовлон бирга ташқарига чиқди.

Бугун кексалар нафақа оладиган кун. Фурсатдан фойдаланиб қолишса, кечкурун уйга яхшигина пул билан қайтишлари мумкин. Бугунги иш Мехметнинг зиммасига юклатилган. Банкоматлар яхшироқ қўринадиган жойга ўрнашиб олишди. Режага кўра, ўзлари учун бирор қурбонни танлаб, савол-жавоб усули билан уни тузоққа туширишади ва чалғиган пайтда пул солинган сумкасини олиб қочишади. Бугун саволларни Ҳоқон берадиган бўлди, Илёс эса атрофга кўз-кулоқ бўлиб ту-

ради, Мехмет сумкани ўғирлайди. Банкоматнинг олдида навбатда турган кулранг пальтоли, қимматбаҳо қўринган сумкаси бор кекса аёлни танлашди.

Сал ўтиб аёлнинг навбати келди. Олган пулини жигарранг сумкасига солди-да, нарироқдаги тор кўча томонга юрди. Кўчада ҳеч ким қўринмаяпти, демак, айни пайти!

– Кечирасиз, холажон, бир нима сўрасам майлими? – деди Хоқон мулоиймлик билан.

Аёл Хоқоннинг саволларига жавоб қайтарар экан, Мехмет сумкани олиб қочиши керак эди. Кошки кела қолса! Хоқоннинг асаби бузилгани шундоққина юзидан қўриниб турарди. Саволларга жавоб қайтарган аёл йўлида давом этди. Хоқон эса жигибийрон бўлганча Мехметнинг ёнига келди.

– Сен биз билан ҳазиллашяпсанми? Нега сумкани олиб қочмадинг? Шундай имкониятниям бой берадими одам дегани? – деди ёқасидан ушлаганча.

– Мен бундай қилолмайман, ҳеч қандай айби йўқ қари хотинга бундай қилолмайман...

Мехметнинг жавоби Хоқоннинг тепа сочини баттар тикка қилди.

– Демак, қилолмайсан, шунақами? Ундей бўлса, бундан кейин билганингни қил! Сенга ўхшаган молларнинг дастидан Сувсар билан тескари бўлишни истамайман, – деди-да, Мехметни ерга итариб юборди.

Дўстидан бундай муомалани кутмаган Мехметнинг кайфияти бузилди. Хоқон ва Илёс бошқа ким-

нидир овлашнинг пайига тушди, у эса озроқ тентираб юргандан кейин уйга қайтди.

– Тинчликми, Мөхмәт? – деди уни кўрган Сувсар.
– Нега қайтдинг? Ўртоқларинг билан ишда бўлишинг керакмасми?

Шундоқ ҳам сиқилиб турган Мөхмәт бошидан ўтганларни айтиб берди.

– Оға, мен ўғрилик қилолмайман. Одамларнинг пулинини ўғирлай олмайман, – деди.

Сувсар койиб ўтиrmади, чунки уни қўлдан чиқаришни истамасди. Яхши гап билан йўриғига солиб олади ҳали! Ўзини меҳрибон акадай тутиб, «насиҳат» қилишга тушиб кетди:

– Менга қара, укам, бу ишларни нотўғри деб ўйляяпсан, лекин ҳозирги замонда бошқа иложи йўқда. Буни ўғрилик деб ўйлама, бойлардан олиб, камбағалларга олиб келиш деб ҳисобла. Қара, бирортализнинг бошимизда на отамиз бор, на онамиз. Ўйда эса шунча харажат, еб-ичиш деганларидек. Булар қайси пулларнинг ҳисобидан деб ўйлайсан?..

Кейин эса чўнтағидан эллик лира чиқариб, Мөхмәтга узатди.

– Бирор нима керак бўлса, ҳозирча шу билан амаллаб тур.

Мөхмәт пул олиб келиши кераклигини билар, буни ўғрилик қилмасдан ҳам уddaлаш мумкинлигига ишонарди. Ўйлаб-ўйлаб, охири хаёлига тиланчилик қилиш келди. Бўлди, шу йўл билан пул топади! Шундай қилса, одамлар пулни ўзлари рози бўлиб беришади!..

Эрталаб ҳаммадан олдин уйғонди. Шаҳарнинг гавжум мавзесига борди-да, бир бурчакка ўтириб, олдига картон кути қўйди ва тиланчилик қила бошлиди. Кимлардир Мехметни кўрмаганга олар, батьзилар эса худди итга суюк ташлагандек майда пулларни кутига ташлаб, тезгина у ердан ўтиб кетарди.

Қош қорайиб қолди. Мехмет қутисида тўплаган пулларини чўнтағига солиб, уйга бориш учун йўлга тушди.

Уйга биринчи марта пул олиб келганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Борда болалар билан суҳбатлашиб ўтирган Сувсарга яқинлашиб, чўнтағидаги бор пулни унга узатди.

– Баракалла, полвон, одам бўладиганга ўхшайсан, лекин бу пуллар ҳатто ҳожатхона қофозимизга ҳам етмайди, – деди Сувсар истехゾ билан.

Ҳамманинг олдида ғурури ерга урилган Мехмет жавоб қайтармади. «Эртага янада кўпроқ пул олиб келиб, ҳаммангизни уялтираман», дея шивирлади ҳеч ким эшиitmайдиган қилиб...

Эртасига сахармардонлаб уйдан чиқиб кетди. Бугун шундай ишлар қилсинки, ҳаммага ким эканлигини кўрсатиб қўйсин.

Анчагача изғиб юрди. Курбонни кузатиш қанчалик муҳимлигини ошналаридан билиб олган. Кўчанинг бурчагидаги симёғочга суюниб, ўлжа қидирган қирғийга ўхшаб атрофни кузата бошлиди. Тушга яқин яп-янги оқ «Мерседес»дан тушган кўк спорт кийимидағи одам эътиборини тортди. Кузатайтганини сездириб қўймаслиги керак. Бир то-

мондан виждони қийналса-да, «Кўлингда келади, бошқалар қиляптими, демак, сен ҳам уддалай оласан», деб ўзиға ўзи далда берарди.

Ҳалиги одам бир ошхонага кириб, официантга буюртма бергандан кейин телефони, ҳамёни ва сигаретасини столнинг ўнг томонига қўйиб, сумкасида чиқарган ноутбукида берилиб ишлай бошлади. Мехмет ҳам ўша ерга кирди. Кузатишни давом эттириш, илк фурсатдаёқ ҳамла қилиш учун яқинроқ столлардан бирига ўтиргач, буюртма берди. Боёқиши одам компьютерда қандай берилиб ишлатгани бўлса, Мехмет ҳам уни шунчалик эътибор билан кузатарди.

Ҳадемай ҳалиги одам буюртма берган кабоблар келди. У ноутбукни бир четга суриб, оч бўридай овқатга ташланди. Маза қилиб овқатланаётган пайтда телефони жиринглаб қолди. Шошилинч нимадир бўлди чоғи, одам саросимага тушди. Кабобларни тезгина еб, ҳожатхонага қараб йўл олди. Телефонини олган бўлса-да, ҳамёнини стол устида унутиб қолдирди.

Мехмет бу фурсатни бой бериши мумкин эмасди.

Секин ўрнидан турди. Ўзини худди ташқарига чиқмоқчидай кўрсатиб, қатъий одимлар билан столлар орасидан ўтди. Ўтаётиб стол четида турган ҳамённи тезгина олди-да, чўнтағига солди.

Ошхонадан узоқлашар экан, юраги қинидан чиқкудек бўлиб ураг, бутун вужудидан совуқ тер оқарди. Кўчанинг адогида муштини ҳавога кўтариб ўзини ўзи мақтади:

- Баракалла, Мөхмәт, баракалла! Мана, бўлар экан-ку!

Кун давомида яна аллақанча майда ўғриликлар қилиб, кечқурун уйга чўнтағи қаппайиб қайтди. Ундан бундай ўзгаришни кутмаган Сувсарнинг олдига келиб, пулларни узатди:

- Мана, оға, бугунги ўлжа.

Энди виждонининг овози чиқмай қолган, ўзини кўрсатиб қўйиш нафсига хуш ёқаётган эди. Унинг кўзлари чақнаб турганини кўрган Сувсар атрофидаги болаларга қараб деди:

- Қаранглар, одам қанақа бўлишини қўриб қўйинглар! Мана энди аслида ким эканлигинги исботладинг, арслоним!

Мөхмәтнинг қадди янада ростлангандек эди.

Энди аввалги Мөхмәт йўқ. Бирорларнинг ҳақидан ҳазар қиласидиган Мөхмәт йўқ...



Шодлик ичра оғриқ

Кун ўтган сайин кўчаларга янада кўпроқ мослашар, авваллари қўл урмайман деган ҳар қандай ишга ўзи бош-қош бўларди. Энди деярли бутун вақти кўчаларда ўтаётган Мехмет кундузлари кўз остига олиб кўйган одамларни чув туширап, кечалари эса клубларда, барларнинг олдида ёки хилват кўчаларда шериклари билан «дори» сотарди. Энди кўчаларда унинг ўз номи бор – «дорифуруш» Мехмет...

Ўшанда жума куни эди. Мехмет кечкурун ҳар доим келадиган барнинг олдига келди. Оғзидан чиққан сўзлар нималарга сабаб бўлиши мумкинлигиги ўйламай ўтган-кетганларга молини таклиф қила бошлади:

– Кўлимда зўридан бор, синаб кўришни истай-сизми? Миянгизни ҳоритган ҳар қандай ўйларни йўқ қилишига кафолот бераман. Қасам ичаманки, бу билан на дард қолади, на алам. Мендан сизга тавсия: ҳар нарсани эътибордан четда қолдиринг, аммо буни эмас!

Ҳаётнинг бутун юкини елкасига ортган, хаёлини банд қилган чалкаш ўйлардан юришга маҗоли қолмагани учун ўзини босиб турган бутун

оғирликни ерга итқитиб, самоларда учишни истайдиган қанчадан-қанча ёш бу чақириққа қулоқ солар, ўша заҳри қотилни Мәхмәтдан олиб, қисқа муддатта бошқа оламларга равона бўларди. Бу заҳар бутун дардлардан халос бўлишни истаганларга улар орзу қилган ҳаловатни бермас, бироқ тафаккур қилишдан ожиз онглар бу ҳақда ўйлаб кўрмасди.

Яна озроқ савдо билан шуғулланиб, бугунги тушумни тўлиқ қилишни режалаштираётган Мәхмәтнинг олдига ўрта ёшли, ёшига нисбатан анчагина бақувват келбатли бир одам яқинлаша бошлади. Мәхмәт аввалига уни ҳам мижоз деб ўйлаб, чўнтағидаги молни олишга шайланди, аммо унинг мижоз эмас, фуқаро кийимидағи полициячи эканлигини сезиши қийин бўлмади.

Мәхмәт билан полициячи ўртасидаги масофа тобора қисқариб бораётган эди. Зудлик билан у ердан қутулиш чорасини топиши зарур. Атрофга назар ташлаб, полициячининг ёлғиз эмаслигини, симёғочнинг тагида турган одам ва сал наридаги тешиккулча сотувчиси унинг шериклари эканлигини фаҳмлади. Уни ваҳима чулғаб олди. «Тамом, кўлга тушдим», деб ўйлади.

Шу пайт аёл кишининг чинқириғи кўчани тутиб кетди.

- Пулимни бер, ҳой хотин!
- Қанақа пул?! Пулим бўлса, бу ерда нима қила-ман? Ёрдам беринг! Таксичи менга ҳужум қиляпти, ёрдам беринглар!!!

Енгилоёқ хотин ва такси ҳайдовчиси ўртасидағи жанжални күрганлар ўша ёқса йиғила бошлади. Мөхмәт лип этиб оломонга аралашди ва юргудай бўлиб қоча бошлади. Мөхмәт олдинда, уч полициячи орқада қоронғи кўчаларда гўё қувлашмачоқ ўйнашарди. Полициялардан фарқли равишда Мөхмәт бу кўчаларни беш бармоғидай яхши билади, бу эса қочишини енгиллаштириди, бироқ унинг учун таҳлика ҳали ҳам ортда қолмаган эди. Югуравериб чарчаган Мөхмәт бир неча сония тўхтади, тиззасига таяниб, чукур нафас олгандан кейин буталар орасидан пастки кўчага ўтди ва йўл учга ажralадиган кесишмада жойлашган уйнинг олдида турган ахлат қутисига ўзини отди. Бу қўланса ҳидга инсон зотининг чидаши қийин, лекин Мөхмәтнинг бошқа чораси йўқ. Унинг ортидан этиб келган полициячилар ўзаро гаплаша бошлади.

– Қаерга кетди бу бола? Ўзиям този итдек чопар экан виждонсиз.

– Ер ёрилиб, ернинг тагига кириб кетмагандир, излашда давом этамиз, – деди шериги.

Улар олдинига қайси томонга юришни билмай турди-да, кейин учови уч томонга равона бўлди. Полициячиларнинг кетганига ишонч ҳосил қилгач, Мөхмәт сассиқ чиқиндиларнинг ичидан чиқди, чукур уҳ тортиб, одамларнинг кўзига кўринмаслик учун тезда уйга қараб йўл олди.

Уйга этиб келганида нафаси бўғзига тиқилиб қолган, тез юрганидан оёқларида мадор қолмаганди. Унинг аҳволини кўрган Сувсар дарров ёнига чақирди.

- Тинчликми, Мехмет афанди, бу нима аҳвол?

Мехмет бошидан ўтганларни бирма-бир айтиб берар экан, Сувсар ўрнидан сапчиб тушди.

- Сени ҳеч ким кузатгани йўқми ишқилиб? Бoshимиз балога қолмасин!

- Йўқ, оға, улар ким бўлибдик мени қўлга туширишса! - деди Мехмет ўзига билдирилган ишончнинг йўқقا чиқишини истамай. - Ҳам қўлимдаги молларни сотдим, ҳам улардан қочишни улдаладим.

- Яшавор, арслоним, доим мана шундай хушёр бўл! Атрофимизда душман қайнаб ётиби, қўзимиз уйқуга кетдими, қўлга тушамиз.

- Тушунарли, оға...

Бир неча кун атрофда кўринмай турган Мехмет яна мижозлари билан учраша бошлади.

**Қанча қочсанг
қоч, ўзингдан
қочолмайсан.**

- Мехмет, қалайсан?

- Раҳмат, ўзинг яхшимисан?

- Мен ҳечам яхши эмасман, тўғриси, менга ҳозироқ «шакар» керак...

- Бу иш осон, сен пулдан гапир, пулдан.

- Қанча истасанг бераман, лекин, Худо ҳаққи, кучлироқ таъсир қиладиганидан бўлсин.

- Мени хафа қиляпсан, ахир қачон мен берган нарсадан курсанд бўлмагансан? Ҳавфсизлик камарини тақиши унутма, мана ол, учишга тайёrlан.

«Дори»ни оғзига солган Эрсиннинг тез орада титроқлари босилди. Ўнг томонида дунёни сув

босса, чап томонга қараб чой ичадиган даражада боши айланиб қолган йигит Мөхметтега қаради ва:

– Катта раҳмат, ўзимга келдим, – деди.

– Албатта, ўзингга келасан-да, бизда ёмон мол бўлмайди.

Эрсин қайрилиб кетар экан, Мөхметнинг хаёлига Живан келди.

– Шошма, анчадан бери Живанин кўрганим йўқ, олдимга келишни канда қилмасди. Тинчликми, келмай қўйди.

Живанинг исмини эшитиши билан Эрсиннинг юзи буришиб кетди.

– Ўлди у аглаҳ, итдай ўлим топди.

Бундай жавобни кутмаган Мөхмет дудуқланиб қолди.

– Ўлдими? Кимдир ўлдирдими?

– Бир куни йигитлар билан яна клубдан чиқдик, сендан мол олгандик, эслайсанми, ўша куни Живан ёнимизда йўқ эди.

– Ҳа, эсимда.

– Ўша куни энди уйга тарқаламиз деб турганимизда бирдан полиция атрофимизни ўраб олди. Бизни текширишди, молларни топгач, ҳаммамизни тўплаб, бўлинмага олиб бориб, тиқиб кўйишиди. Эрталабгача тергов бўлди, бир неча кун ичкарида қолиб кетдик. Суриштириб билсак, полицияга бизни Живан сотибди. Ўзини қутқариш учун бизни сотибди аглаҳ. Албатта, буни эшитгач, жинни бўлаёздик, Живани излаб бордик. Маҳалласидаги дўкон олдида уни қўлга ту-

ширдик. Нега бундай қилдинг, нима учун деб, икки ўртада жанжал чиқди. Живан чўнтағидаги пичоқни чиқарип, бизга ўқтала бошлади. Биз ҳам бекор турмадик, албатта, биз ҳам пичоқларимизни чиқардик. Кутилмагандан Пойраз қўлидаги пичоқни Живаннинг юрагига саншиб олди. Аслида ниятимиз ўлдириш эмасди, шунчаки кўрқитиб кўймоқчи эдик, лекин агла ўлди-кетди. Ҳамма бало Пойразга бўлди. Виждонсиз судья уни 30 йилга кесворибди.

Эшитганларидан кейин Мехмет ўзига сўз берди: «Бу «дорилар»ни фақат пуллайман, ҳеч қачон ўзим учун ишлатмайман...»

...Сувсар ким биландир телефонда гаплашгандан кейин ташвишли кўринишда ётоқхонага кириб келди.

– Ҳамма боғда тўплансин, мен ҳозир келаман.

Ранги оқариб кетганига, пешанасидан реза-реза тер оқаётганига қараганда, жиддийроқ нимадир бўлганга ўхшайди

– Бугун ҳали бозорда ҳеч кимда бўлмаган жуда таъсирили «дори»ни келтирдик, номи – метамфетамин.² Бу на марихуанага ўхшайди, на кокаинга. Нархи жуда қиммат. Кечқурун ҳаммангиз кўчаларга тарқаласизлар ва буни сотиб, даста-даста пуллар билан уйга қайтасизлар, тушунарлими? Айтиб қўяй, қўлидаги молни сотолмаган уйга қайтмасин!

² Метамфетамин – галлюцинацияни юзага келтирувчи синтетик модда.

Қош қорайишига яқин ҳар доимги жойда қорнини түйдирган Мөхмәт мижоз излашга туриб кетди. Молнинг анчасини тезгина сотиб тугатди. Қолганини барнинг олдида турғанларга бериб, уйга қайтди. Сувсар балконда чой ичиб ўтирган экан. Мөхмәтнинг келганини кўргач, тепага чақирди.

– Нима қилдинг, Мөхмәт афанди, молнинг ҳаммасини сотдингми?

– Сотдим, оға, мана пуллари.

– Баракалла! Қани ўтири, сенга ҳам чой олиб келай, ҳам сал дардлашамиз, ҳам ичингга иссиқ киради.

Салдан кейин Сувсар қўлида икки стакан чой билан келди, бирини ўзининг иккинчисини эса Мөхмәтнинг олдига қўйди.

– Шу пайтгача ҳеч оғиз очмадинг, ота-онанг қаерда?

Мөхмәт бир куни мана шу савол берилишини биларди-ю, жавоб қайтаришга ҳали журъати йўқ эди. Чойни жимгина ҳўплай бошлади.

Аслида Сувсарнинг мақсади Мөхмәтнинг ота-онаси ҳақида хабар олиш эмас, яраси тирналиб турган бир пайтда ичига «дори» солинган чойни Мөхмәтга ичириш эди.

– Оға, чойни сиз дамладингизми? Жуда ажойиб чиқибди. Анчадан бери бунақа лаззатли чой ичмагандим.

– Сен учун махсус, – дея жавоб қайтарди Сувсар кулганча.

Орадан бироз вакт ўтгач, Мөхметнинг ўпкасида қандайдир оғриқ турди. Ғалатилиги шундаки, оғриққа қарамай ўзини жуда хурсанд ҳис қилар, гүёки булутларнинг устида учиб юрарди. Ўзидаги бу оғриқ ва хурсандчилик аралаш ҳолатнинг сабабини тушуниб етишга улгурмай ўтирган жойида ухлаб қолди...



II БОБ

Хоқон пакананинг хиёнати

Олдинлари тонгда ҳеч ҳам бунақа уйғонмаганди. Бир томондан бутун танасида күч-кувват кўпирб, ғайрати ичига сифмас, иккинчи томондан жуда ҳам хурсанд эди. Ўзидағи бу ўзгаришнинг сабаби кеча кечқурун ичган чойи эмас, балки унга қўшилган «дори» эканлигига ишончи комил. Тўғри, ўзи бундай ҳолатга биринчи марта тушиб турибди, лекин авваллари танишларида кўп марта гувоҳ бўлган. Олдинига чойига билинтирмай «дори» қўшгани учун Сувсадан жаҳли чиқса-да, танасидаги хотиржамлик ҳисси унинг ўзига ҳам ёқаётган эди.

«Мен уларга ўхшаб ўрганиб қолмайман, фақат жуда сиқилган пайтларимда бир-икки марта фойдаланаман», дея ўйлади-ю, аста-секин ўзи билмаган ҳолда гиёхвандлик ботқоғига ботиб қолди.

Вақт шамолдек тез ўтяпти. Мехмет бу уйга келганига олти ойча бўлди. Баъзи катта ёшли одамлар ҳаёти давомида бунчалик кўп мушкулотга дуч келмаган, унинг эса ўн тўрт йиллик қисқа умрида бошига

тушмаган иш қолмади. Кун ўтган сайин гиёхванд моддага кўпроқ ружу қўя бошлади. У мубтало бўлиб қолган модда танасига кирмаган пайтда қийналар, шунинг дастидан оёқ-қўли боғланиб, Сувсарга қул бўлиб қолган эди. Гиёхванд моддаларни дардлардан халос бўлиш учун қабул қила бошлаганди, энди эса ягона дарди ана шу моддалар бўлиб қолди.

Тушундики, энди ҳеч нарса аввалгидек бўлмайди, бўлолмайди ҳам...

Меҳмет энди олдингидан кўпроқ ишлар, Сариқ сувсар билан яқинроқ бўлиш учун барча йўлларни синаб кўрарди. Чунки «дори»ни фақатгина Сувсардан олиши мумкин. Ўзининг на борадиган жойи бор, на қўчаларда топган пули ўша «дори»ларни сотиб олишга етади. Буни яхши билгани учун Сувсарнинг кетидан қолмас, у нима деса, ғиринг демай бажаарарди.

Бир куни тушлик пайтида Сувсар қўлида қора чамадон билан келди. Боғда айланиб юрган болалардан бирига чой олиб келишни буюриб, ўша ердаги курсилардан бирига ўтирди. Чой келтирилгач, болаларга қараб сўз бошлади:

- Кўлимдаги чамадонда катта миқдорда мол бор, соат 18:00да Кўлбошидаги бир мижозга етказилиши керак. Иш озроқ хавфли, полиция ушлаб олиши мумкин. Агар қўлга тушадиган бўлсангиз, сизларни фаришта келса ҳам, улар тиққан тешикдан чиқара олмайди, аммо ѹшнинг охирида яхшигина пул бор. Хўш, энди айтинглар-чи, ораларингда мана шу ишни уddeлай оладиган мард борми?

Ҳамма қўлга тушиб қолиш мумкинлигидан кўрқиб, бир-бирига қарап экан, Хоқоннинг овози эшитилди:

- Мен уддалайман, оға.
- Йўқ, бу ишни фақат Мөхмет дўндириш мумкин. Қани у? Менга Мөхметни чақиринглар.

Хоқоннинг юрагида ҳасад олови гуриллаб кетди.

- Мөхметнинг кераги йўқ, оға, бунақа катта ишларни эплолмайди. Мана, мен қиласман.

Сувсарнинг юзидағи айёrona табассум Хоқоннинг юзига тарсакидек тушаётган эди.

- Сен олдин соянгдан кўрқмасликни ўрган, ана ундан кейин бунақа катта ишларга аралашасан, тушундингми? Мөхмет ақллилиги ва ҳушёрлиги туфайли бир неча марта полициянинг қўлидан кутулиб қолди. Бу ишни фақатгина у қилиши мумкин.

Болалар Мөхметни топиб келишди. Сувсар унга қиласланган ишларини бирма-бир тушунтириди.

- Хавотир олманг, оға, бу ишни бўлди деб билаверинг. Кечкурун бир сумка пул қўлингизда бўлади, – деди Мөхмет ва йўлга тушди.

Унинг бир гапни икки қиласлиги ва уйга кўп пул олиб келиши Сувсарга ёқса-да, бошқа болаларга, айниқса, Хоқон паканага сира ёқмасди. «Сени юксакларга олиб чиқсан қанотларингни шундай синдирайки, бу қанотлар аслида сенинг фалокатинг эканлигини тушуниб етасан», дея шивирлади тишлирини ғичирлатган кўйи.

...Тонг пайти ҳамма Сувсарнинг бақиришидан уйғониб кетди.

- Сизлар ўзингизни ким деб ўйляяпсизлар?! - дея ўкирди у. - Нега менинг тортмамдан мол олдиларинг?!

Сувсар қутурган кўппак каби ҳаммага ташланар, ётоқларнинг тагига, столларнинг устига қарап, олдиdan чиққанларни уриб-тепар, излаганини тополмагани сайин баттар хуноб бўларди. Эндиgина уйқудан уйғониб, нима бўлаётганини ҳали тушуниб етмаган Мехметнинг олдига келиб, ёстиғини кўтарди. Ёстиқнинг тагидан гиёхванд модда солинган пакетчалар бор эди.

Мехмет ўзини оқлашга улгурмасидан устма-уст юзига тарсаки тушди. У тузоқقا тушганини фаҳмлаган, лекин энди кеч бўлганди. Тарсакининг овозидан Хоқон паканадан бошқа ҳамма чўчиб тушди...

- Бу сизларга ибрат бўлсин, - деди Сувсар атрофдаги болаларга қараб - Мендан мол ўғрилашнинг оқибати нималарга олиб келишини кўриб қўйинглар. Агар яна кимдир мендан бехабар ҳатто нафас оладиган бўлса, қасаб ичиб айтаманки, ҳаммага ибрат бўлиши учун Миллий майдонда дорга осиб кўяман!

Тарсакилар Мехметга оғирлик қилганди. Ўзини таёқ билан калтаклангандек ҳис қилди ва ерга ағанади...

Катта хұжайин

Муносабатлар манфаатларга асосланған бу харобада ҳеч ким бир-бiriни чин дилдан яхши күрмаса-да, ўзини самимий күрсатишига уринар, Мөхмет ҳам шунга кўра муомала қиларди. Тұхматдан кейин Сувсар унга зулм қила бошлади. Ҳар қанча кўп пул олиб келмасин, «дори» бермас, шу тариқа уни қийноққа соларди.

Шундай күнлардан бирида Мөхмет дир-дир тит-пар, қорачиқлари ҳар доимгидан кўра катталашып, кўзлари қип-қизариб кетган эди. Рўпарасидан ким чиқса, ўшанга ташланиб, ялинарди:

– Илтимос, менга дори бер!!!

Лекин унга ҳеч ким ёрдам бермади. Охирги илинжи Сувсадан эди. Сувсар эса раҳми келиш ўрнига уни калака қилишга тушди. Қўлидаги пакетчани баланд кўтариб:

– Шуни хоҳлаяпсанми? Мана, кел, ол! – деганча қаҳ-қаҳ отиб куларди. Мөхметнинг қўли пакетчага етмай сакрагани сари завқи келарди.

Ниҳоят, инсофга келгандай бўлди.

– Буни сенга бераман, лекин битта шарт билан. Кечкурун менга жуда кўп пул олиб келасан, келиш-

дикми? Агар келганинг пулнинг чўғи етарли бўлмаса, ҳамманинг олдида эшакдек ҳангратиб, ўлимингни томоша қилдирман, билиб қўй.

Ягона мақсади тезроқ шу заҳарга етиб, дунё билан алоқасини узиш бўлган Меҳмет қадр-қимматини йиғиштириб қўйиб, Сувсарнинг оёқларига ёпишиб ёлворди:

– Бўпти, оға, нима истасангиз қиласман, дорини берсангиз бўлди!

Меҳмет бир тепки билан стулнинг нариги томонига думалаб кетди. Сувсар қўлидаги пакетни итга суяқ ташлагандек отди:

– Мана, ол шу заҳарни...

«Дори»ни оғзига ташлагандан кейин бутун вужуди бўشاшиб, ўзини осмонда учиб юргандек ҳис қилди. Лекин энди яна бир мақсади бор – кечкурун Сувсарни хурсанд қиласидиган миқдорда пул олиб келиш.

Кўчаларда анчагача изғиб юрди, лекин ҳар қанча уринмасин, етарли миқдорда пул тополмади. Уйга қайтишни истамаяпти, бироқ «дори»сиз ҳам яшай олмайди. Тентирай-тентирай, бир пайтлар ўзи ётиб юрган кўприкнинг тагига келиб қолди. «Мен қачон бу аҳволга тушиб қолдим? Қаерда зулмни кўрсам, унга қарши чиқар эдим, қачондан бери зулм қиласидиган бўлиб қолдим? – дея ўйлай бошлади бошини чангллаган кўйи. Кейин эса кўзларини осмонга тикканча ҳайқирди: – Энди нима қиласай? Дўст деб билганларимдан кўрган ёмонликларга куяими, беайб инсонлардан олган қарғишлиримгами ёки

ўзим тупуриб қўйган тақдиримгами? Қай бирига куяй?»

Кўл урган гуноҳлари учун айбни бошқа жойлардан излаш ҳар кимнинг, айбни ўзидан излаш эса мард кишининг иши. Аммо Мөхмәт ҳали ундаи мард киши даражасига етмагани учун бошига тушган ишларда ягона айбдор сифатида тақдирини кўрди. Ейдиган калтаклари, эшитадиган сўкишлари, ерга уриладиган ғурури ва қадр-қиммати – барига рози бўлганча, кам пул топган бўлса ҳам, уйга қайтди.

Пули борнинг пулидан, пули бўлмаганинг эса ўзидан фойдаланадиган бу заҳри қотил инсонда ҳар қанча гўзал хислат бўлса, ҳаммасини бирма-бир ўлдирадиган кучга эга. Акс ҳолда шунча ёшни қандай қилиб ўзига қул қилиб олиши мумкин?..

Уйга келганида ҳамма нимагадир тайёрланаётганини кўрди.

– Тинчликми, бирор жойга кетяпсизларми? Намунча ҳовлиқяпсизлар? – деб сўради Илёсдан.

– Бўл, сен ҳам тайёрлан, катта хўжайнин ҳаммазини меҳмонга таклиф қилибди. Сувсарга буйруқ келган, кечки овқат пайтида ўша ерда бўлишимиз керак экан.

Шунча йўлни босиб ўтишга дармони бўлмаса ҳам, бугунги калтакдан кутулганига севинган Мөхмәт юз-кўлини ювиб, кийимларини алмаштиргандан кейин соchlарини тараб, боқقا, бошқа болаларнинг ёнига тушди. Ҳаммалари биргаликда эшик олдига

чиқишиди ва катта хўжайин уларни олиб кетиш учун юборган, ойналари фильмлардаги каби қора машиналарга тўрт-беш киши бўлиб минишиди.

Машинанинг ичи ҳашаматли қилиб жиҳозланган эди. Рулда ўтирган ҳайдовчи умуман гапирмасди, ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмагани хўжайини ўта қаттиқўл эканидан дарак бериб туради. Меҳмет ойнадан ташқарига қаради. Манзарани томоша қилмоқчи эди, лекин кеч тушиб қолгани учун ойнада ўзининг аксини кўрди. Анчадан бери ўзига унчалик эътибор билан қарамаганди. Шу пайт радиодан мусиқа овози эшитилди. Созни бунчалик дард билан фақатгина Нешет ота³ чалиши мумкин.

*Лойқа сувга
қарасангиз, аксингизни
тимиқ кўролмайсиз.
Ўзингизни қаерда
излаганингиз шунинг учун
ҳам муҳим.*

«Қорадир менинг қисматим, қорадир...»

«Эх, бундай қисматнинг!..» деб бақирмоқчи бўлди-ю, ҳозир иложи йўқлигини билиб, оғзини очмади.

«Ўзим қилдим, ўзимга ўзим,
Гул каби сарғайдим, сўлдим,
Э воҳ, э воҳ, эй...»

Шу пайтгача фақат тақдирини айблаб келган Меҳметнинг юрагида илк бор нимадир жиз этди. Ойнадаги аксига яхшилаб тикилар экан, виждо-

³ Нешет Эрташ (1938-2012) – турк ҳофизи.

нидан овоз келгандай бўлди: «Ростдан ҳам, айбдор тақдирми ёки менинг танлаганларимми?..»

Бир пайт машина тўхтади ва ҳайдовчи дўриллоқ овозда:

– Тушинглар, етиб келдик, – деди.

Анқаранинг ҳатто полиция ходимлари ҳам киришни истамайдиган маҳалласида олд ва орқа томонида иккита катта боғи бўлган, ўнг томонида уч, чап томонида икки қаватли ва айвонли, бир-бiriга уланиб кетган бинолардан иборат бу улкан уй катта хўжайнинг салобатини ҳали ўзи кўринмасиданоқ кўрсатиб турарди. Сариқ сувсар болаларни катта хўжайнин қаршисида итоаткор бўлиш ҳақида охирги марта огоҳлантиргандан кейин темир панжарали қора дарвозадан навбат билан ичкарига киришди.

Боғнинг ўнг томонида оралиқлар билан экилган олма ва ёнғоқ дараҳтлари савлат тўкиб турибди. Чап томонда темирдан ясалган шер ҳайкали ва ичкарига киргандарни баджаҳл қарашлари билан кузатиб турган, уйчасига боғлаб қўйилган доберман зотли ит одамнинг юрагига қўркув солади. Ичкарига киргандаридан кейин уларга уйгача ҳамроҳлик қилган қўриқчининг бу итдан фарқи йўқ эди. Узун бўйи, бакувват келбати билан унча-мунча кишини ҳуркитадиган бу одами Мөхмәт қаердадир кўрган. Кўлидаги каҳрабо тасбеҳи, моғор босган тишлари... Бўлди, эслади! Бу ўша, Мөхмәт уйдан қочган кечада қоронғида урилиб кетган одам!..

«Дунё кичкина дейишса ишонмасдим, демак, пешонамиизда бу ерда ҳам учрашиш ёэилган экан», – дея ўйлади Мехмет.

Уларни қирқ-қирқ беш ёшлардаги, оқ күйлаги устидан қора нимча кийиб олган, букри ва чўлоқланниб юрадиган одам кутиб олди.

– Эҳтиёт бўлинглар, ҳамма келганлар кириши мумкин, лекин ҳар кирган ҳам қайтиб чиқади деган қоидамиз йўқ, – деди у. Кейин ҳаммани катта зал томон бошлади: – Қани, ортимдан юринглар.

Шифтдаги улкан қандиллар ёритиб турган залда ҳаммани ҳаяжон босган эди. Катта хўжайнинни ҳали кўп кутсак керак, деб ўйлашаётган эди, лекин ёрдамчининг чиқиши билан хўжайнининг залга кириши бир бўлди.

Катта хўжайнининг чап қошининг ўртасидан пешонасигача чўзилган чандик ҳаётида кўп ишкалларга аралашганидан далолат бериб тургандек. Бошқа болаларнинг хабари йўқ, лекин Сувсар уни биринчи марта орқадан боғланган узун соч билан кўриб туриши, шунинг учун ҳайрон бўлиб қолди. Эшик олдида турган гунгурсдай одамларга қараганда жуссаси унчалик ҳам катта бўлмаган хўжайн Сариқ сувсарга ва болаларга бир қур назар ташлагандан кейин:

– Хуш келибсизлар, кичик терминаторлар, ўти-ринглар, – деди ва ўзи ҳам қора тери қопланган катта диванга ўтирди. – Сизларни бу ерга таклиф қилдим, чунки бу йилнинг энг яхши гуруҳи сизларсиз. Менинг назаримга тушишга муваффақ бўлган-

ларнинг барига лойиғини беришни биламан. Сизлар ҳам ҳамма нарсага муносибсизлар, арслонларим. Шундай эмасми, Сувсар?

– Сиз нима дейсангиз шу, хўжайин.

Ҳар учта гапнинг орасида «Шундай эмасми, Сувсар?» деб сўраётганига қараганда, айтганларини тасдиқлатиб олиш унга ёқаётган эди.

Ташқарида турган хизматчини чақирмасидан унинг ўзи ичкарига кириб келди.

– Бирор нима буюрасизми, афандим? – дея сўради қўлини қовуштирганча.

– Дастурхонни тўлдиринглар, ҳеч нарса кам бўлмасин. Бугун арслонларимни қуш сути билан меҳмон қиласман.

Хизматчилар уйнинг орқа боққа қараган томонидаги айвонда тўкин дастурхон тузашди. Ҳамма овқатланиб бўлгандан кейин катта хўжайин:

– Совғаларни олиб келинглар, – деди ва тахта кутида келтирилган гиёҳванд модда солинган пакетчаларни тарқата бошлади: – Ол, бу сенга, бу эса сенга. Охирги пайтда номингни кўп эшиятмиз, Илёсим, мана бу сенга.

Навбат Мехметга келганда, унинг елкасидан ушлади. Мехметнинг ёши бошқа болаларга қараганда кичикроқ бўлса-да, аллақачон донғи чиқиб улгурган.

– Кичик ёшда катта ишларни дўндирадиган арслоним менинг. Ҳали янгисан, аммо эскиларни ортда қолдирияпсан. Ҳозирданоқ келажагинг порлоқ бўлишингни кўряпман, – деди хўжайин ва кулимсиради.

Шу пайт букри ёрдамчи яқинлашиб, бир нарсаларни пичирлади. Эшигнларидан асаби бузилган катта хўжайин ўшқирди:

- Олиб келинглар уни!

Уйнинг тўрут томонини қўриқлайдиган қуролли қўриқчилардан икки нафари бир одамни судрагудек қилиб олиб кириб, тиз чўктирди.

Кўрқувдан титраётган одам ялинишга тушди:

- Оғам менинг, илтимос, қурбонингиз бўлай, кечиринг! Ваъда бераман, ҳали яна катта ишлар қилиб, катта-катта пул олиб келаман! Ўтинаман, отманг!

Аммо катта хўжайнининг кечириш нияти йўққа ўхшайди.

- Бизда хатолар кечирилмайди, нотўғри қадамингни билиб қолсан, ўлдираман демаганимидим, ит?!

Шундай деб бори кучи билан мушт туширганди, ҳалиги одамнинг тишлари тўкилиб тушди. Кейин эса белидаги тўппончасини олиб, унинг оғзига тиради:

- Охириги дуоингни ўқи.

Ғазабдан кўзлари ҳеч нарсани кўрмаётган катта хўжайин атрофидаги ҳаммани унуган эди. Олдидаги одамни отишга шайланган эдики, ёрдамчиси орқада даҳшатга тушиб қолган болаларга ишора қилди. Бироз бўлса-да, ўзига келган хўжайин қуролини тепага кўтариб, икки марта ўқ узгач:

- Олиб кетинглар бу итни, кайфиятимизни бузмасин, жазосини кейин берамиш, – деди. Сўнг Сув-

сар томонга ўтирилди: – Бизда хиёнат кечирилмайды, Сувсар афанди, молига эгалик қилолмай, ўғирлатганларнинг кўлига паттасини тутқазиш керак, токи бошқалар бундай ишга журъат қилолмасин.

Сўнг болаларга қаради.

– Мана, хиёнатнинг оқибатини кўрдиларинг, сизлар асло хиёнаткор бўлманглар, арслонларим. Қоида жуда оддий – хўжайнинг итоат қилган хотиржам бўлади, – деди ва бу оламнинг қироли менман дегандек қаҳ-қаҳ отиб кулди. – Анави тўнкани отолмадим, ичимда қолиб кетди. Қани, юринглар, боқقا чиқиб, бироз отиш дарсини ўрганамиз.

Сувсар хўжайнинг, болалар эса Сувсарнинг ортидан боқقا чиқишиди. У ерда бўш ичкилик шишалари стол устига тизиб қўйилган экан.

Хеч бир ўқи бекор кетмаган хўжайнинг куролдан фойдаланишда моҳир эканлиги кўриниб турарди. Ўзи бир неча марта отгандан кейин бир неча болани чақириб, қўлидаги куролни берди:

– Қани, отинглар, қўлларинг ўргансин. Кўрамиз, тегиза олармикансизлар.

Бир неча отишдан кейин бироз сухбатлашиб, хизматчиларга меҳмонларни дам олишлари учун хоналарига олиб боришни буюрди. Тўрт кишилик қилиб тайёрланган хонага кирган Мөхмәт кундузги чарchoқнинг таъсирида бошини ёстиққа қўяр-қўймас уйкуга кетди. Кечаси билан алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Саҳармардонда аzon товшидан уйғониб кетди. Турганида елкаси жиққа хўл эди. Кўрган ёмон тушларининг таъсиридан

тезроқ кутулишни истагандек тезда ювиниш хонасига кириб, юзига совуқ сув сепди, кейин тоза ҳаво олиш учун боққа чиқди. Олма дарахтлари экилган томонда бир муддат вақт ўтказгандан кейин ичкарига қайтди. Нонушта дастурхони тайёрланган ва ҳамма катта хўжайиннинг келишини кутаётган эди. Мөҳмәт жуда очиққанди. Нихоят, катта хўжайин келди ва ҳамма нонушта қилди.

Нонуштадан кейин хўжайин қаҳвасини ичиш учун диванига ўтирди. Қаҳвадан бир қултум хўплаб:

– Қани, Сувсар афанди, энди қайтадиган вақтларинг бўлди. Арслонларимни уйга олиб бор ва тезда ишга киришишсин, – деди. – Лекин Мөҳмәт, Коғиз ва Сарҳот мен билан қолади, улар билан баъзи ишларни битириб олишим керак.

Сувсар ҳайрон қолган бўлса-да, буйруқ энг тепадан келди.

– Сиз нима десангиз шу, хўжайин...

Бир маҳал катта хўжайин қўриқчиларини, Мөҳмәт ва нариги икки болани ҳам ёнига олиб, йўлга тушди. Қаерга олиб кетилаётгандан бехабар болаларнинг юзида кўркув ифодаси намоён эди.

– Сизларга пул қандай топилишини кўрсатаман, – дея тушунтирган бўлди катта хўжайин.

Бир соатча юришгандан кейин машина тўхтади. Болалар катта хўжайин билан бирга икки қаватли майхонага киришди. Ичкариси ғиж-ғиж тўлиб кетган, ҳавода сигарета тутуни сузиб юрарди.

Катта хўжайиннинг иккинчи қаватдаги ойнаванд хонасидан ҳамма жойни кузатиб турса бўлар

экан. Хўжайин ўз ишлари билан овора бўлаётган пайтда Мөхмәт ойнадан майхонани томоша қила бошлади.

Бир томонда пули ва эгаллаб турган лавозими туфайли эътибор кўраётган эркаклар ёшгина қизлар билан кўнгилхушлик қиласар, уйда уларни кутаётган жуфти ҳалолларига турли ёлғонлар тўқиб, давлатларини бошларини айлантирган бу таннозларга ва ичкиликка совураётган эди. Бу аёлларнинг баъзилари бой бўлиш ниятида, айримлари эса ҳирсини қондириш учун ўзини бозорга солиб, уларга қараб сўлаги оқаётган эркаклар билан савдолашарди.

Мөхмәт майхонадаги ишларни томоша қилишга қаттиқ берилиб кетган экан, эшикнинг тақиллашидан чўчиб тушди. Ичкарига мини юбка кийган, сариқ сочи белигача тушиб турган ёшгина қиз кирди.

– Вақтингиз бўлса, сиз билан бир нарсани гаплашмоқчи эдим, афандим.

Хўжайин қўли билан кўрсатган жойга ўтирган қиз дардини айта бошлади:

– Бу иш бундай бўлмайди, афандим. Мен янада кўпроқ пул топишни, ўзим орзу қилган ҳаётга тезроқ етишишни хоҳлайман.

Ичидаги ҳайвоний ҳислар жўшган хўжайин ўрнидан туриб, қизга яқинлашди.

– Мен сенга бошида нима дегандим, сенда овоз йўқ, қўшиқ айтиш билан орзуларингга етиша олмайсан демаганмидим? Пастда сендаги бу гўзал-

лик учун бутун давлатини тўқадиган одамлар қайнаб ётган бир пайтда сенинг саҳналарда юришинг вақтни бой беришдан бошқа нарса эмас. Ҳозир эса бор, дамингни ол. Кечқурун мижозларнинг кўзларини сеҳрлайдиган энг чиройли кўйлагингни кийиб кел. Сени пул ҳовузизда чўмилтараман, пул!

Бутун ўй-хаёли тезроқ бойиб кетиб, ўзи хоҳланган ҳаётга эришиш бўлган қиз итоаткорлик билан:

– Хўп бўлади, афандим, сиз нима десангиз шу, – деди ва хонадан чиқиб кетди.

Бу қиз орқали келадиган пулларни ўйлаб кайфияти кўтарилилган хўжайин:

– Мана бунга ичса бўлади, – деб жавонда турган вискини олди ва қадаҳларга тўлдирди. Қадаҳлардан бири Мехметга узатилди. Бугун у ҳаётида умуман кўрмаган нарсаларни кўраётган, тотмаган нарсаларини тотиб кўраётганди. Қадаҳлар иккинчи бор тўлдирлаётган пайт яна эшик тақиллади. Бу сафар сўлақмондай икки қўриқчининг орасида жиккаккина қўринган бир одам кириб келди. Афтидан, бу ерга ўз хоҳиши билан келмаган.

– Ким бу? – сўради хўжайин.

Қўриқчилардан бири бу одамнинг қиморда ютқазиб қўйганини, қарзини тўлаши учун муҳлат берилганини гапириб берди.

– Бугун охирги куни эди, лекин пулнинг ҳаммасини олиб келмабди.

Тиззалари титраётган одам эса қўлидаги уй хужжатини хўжайнинга узатди.

- Олиб келаман, оға, илтимос, менга яна уч кун муҳлат беринг, қолганини ҳам олиб келаман!

Хўжатга бир қур кўз ташлаган хўжайин дағдаға қилди:

- Аблаҳ! Отангдан қолган эски уйни бошимга ураманми? Қарзинг қанчалигини биласанми ўзи? 600 минг лирани 100 минг ҳам турмайдиган уй билан ёпмоқчимисан?

Кейин эса белидаги тўппончани чиқариб, ҳалиги одамнинг ўнг оёғига икки марта ўқузди. Оғриқдан инграб ётган одамнинг сочидан ушлаб, бошини орқага қайирди-да, қулоғига эгилиб:

- Уч кун ичида 600 мингни мана шу хонада кўрмасам, олдин жонингни оламан, кейин эса уйингдаги хотининг ва қизингни, – деди.

Қўриқчилар уни хонадан судраб олиб чиқди.

Катта хўжайин билан ўтказилган икки кун Мөхмәт ва шериклари учун бир неча йиллик тажрибадек бўлди. Энди улар қайтадиган вақт келганди. Катта хўжайин ташқарида турган одамни чақирди.

- Арслонларимни уйларига олиб боринглар, – деб буйруқ берди. Сўнг болаларга қаради: – Сувсар оғангизга мендан салом айтинглар. Сизларни кўз қарачиғидек асрасин.



Сизни жуда соғиндим, она...

Үйга қайтгандан кейин яна аввалги ишларини давом эттиришди – кундузларни ўғрилик, тиланилик, киссавурлик билан, кечаларни эса барларда ва тунги клубларда гиёхванд модда сотиш билан ўтказа бошлашди.

Катта хўжайндан келган катта микдордаги молни бу сафар ўзлари одатланган жойларда эмас, ер ости дунёси⁴да сотишни бошлашади. Ҳаёт кечаси бошланадиган, биргина хатога йўл қўйган одам тирик қолдирилмайдиган бу дунёда «дори» сотишга ҳар кимнинг ҳам журъати етмайди, аммо буйруқ юқоридан келган. Молни болаларга тенг тарқатган Сувсар қолганини яшириш учун тела қаватдаги хонасига чиқа бошлади. Ҳамма ташқарига отланган пайт Мехмет жимгина Сувсарни кузатар, қолган молни қаерга яширганини кўрмоқчи бўларди. Шу пайт ҳаммасини олиб қочишни ўйлаган бўлса-да, бунинг мантиқли иш эмаслигини билгани учун Сувсарнинг хонадан чиқишини кутди.

⁴ Ер ости дунёси – жиноятчилар олами.

Бироздан кейин Сувсар хонадан чиқди. Мөхмет оёқ учида юриб Сувсарнинг хонасига кирди ва тортмалардаги дориларни олди. Хонадан чиққиб, ҳеч нарса бўлгандек кетар экан, Сариқ сувсар уни кўриб қолди.

- Бу ерда нима қиляпсан? Нега кеч қолдинг, Мемо?

- Мана, кетяпман оға, асабийлашманг, ҳожатхонага кириб чиққандим, – деди-да, уйдан чиқди.

Нега бундай иш қилганини ўзи ҳам тушуна олмаётган эди. Дориларни Сариқ сувсарга бўлган кини учун олдими? Унинг молларини ўғирлаб, катта хўжайинни унга қарши қайраш учунми? Ёки бу ҳаётнинг юкини энди кўтара олмаяпман, ўлгим келяпти деган ўйдами?..

Мөхмет ҳаёлида минг хил ўй билан кетар эди. «Дорилар»нинг барини олиб қочиш билан ўз жонига қасд қилишдан қай бирини танлаш ҳақида ўйлар экан, ўтмиши ёдига тушди. Қаттиқ алам билан жонидан тўйиб кетганини ҳис қилди ва катта кўчадан ғизиллаб ўтаётган машиналарнинг олдига ўзини ташлади.

Катта йўлни тормознинг чийиллаган овози тутиб кетди.

Кўзларини чирт юмиб олган Мөхмет ўлдим деб ўйлаган бўлса-да, машина бир қарич нарида тўхтаган эди.

Машинадан икки одам тушиб келди.

- Нималар қиляпсан, бола, жонингдан тўйдингми? – деди улардан бири.

— Қаёққа қарама телбани кўрасан, бунинг аҳволини қарасанг-чи, — деди иккинчиси.

Улар машинадан қандай тез тушиб келган бўлса, худди шундай тезликда ортларига қайтиб, йўлларига равона бўлишди.

Машиналар кетма-кет сигнал чалар, лекин ҳеч бири Мөхмәтнинг устидан босиб ўтмасди.

Мөхмәт ўрнидан турди. Нима қилишни билмай, ҳамма машмашалар бошланган ўша кўприкнинг тагига боришга қарор қилди. Ҳаёти кино тасмасидек кўз олдидан ўтарди. Шу пайт Сувсадан ўғирлаган «дорилар» эсига тушди.

— Сизни жуда соғиндим, она, — деб ҳовучидаги «дорилар»ни оғзига солди...

Ўзи сотадиган «дорилар» кун келиб ўзининг ўлимига сабабчи бўлиши умуман хаёлига келмаганди.

Бир неча дақиқдан кейин кўз олди қоронғилашиб, танаси чайқала бошлади. Ўпкасида турган қаттиқ оғриқдан турган жойида йиқилиб қолди. Руҳи жисмидан ажралиб, ёвузликлар бўлмаган жойга қараб йўл олгандек эди...



III БОБ

Энг қадрли мерос

Фотима – онаси уй бекаси, отаси тижоратчи бўлган, диндор бир оиланинг фарзанди. Лицейда мактабгача таълим йўналишида ўқиганига қарамай муҳандис бўлишни истар ва бунинг учун университет имтиҳонига қаттиқ тайёрланарди. Кунларини мактабдаги ўқишлиар ва имтиҳонга тайёргарликлар билан, дам олиш кунларини эса устозларидан Куръони карим, сийрат ва тафсир дарсларини олиш билан ўтказарди. Фотиманинг вақти тобора камайиб борар, имтиҳон куни шитоб билан яқинлашарди.

Ниҳоят ҳар абитуриентнинг даҳшатли туши бўлган ўша кун етиб келди. Фотима эса бу тонгни ҳам аввалгидай хотиржам бошлади ва отаси билан имтиҳон ўтказиладиган жойга борди.

Имтиҳонга қўлидан келганича тайёрланди. Бу ёғига, устозлари ўргатганидек, Аллоҳга таваккул қилишдан бошқа иложи йўқлигини яхши билади.

- Ё Раб, мен учун нима хайрли, нима хайрсиз эканлигини билолмайман. Бу қулингга энг хайрлисини насиб қил, - деганча имтиҳонга кирди. Имтиҳонни жуда мұваффақиятли ўтказған Фотиманинг энди натижалар эълон қилинадиган күнни кутишдан бошқа иши йўқ.

Имтиҳондан кейин сал бўшаб қолган Фотима бу имкондан унумли фойдаланишга қарор қилди ва устозларининг ёнига бориб, исломий билимлари ни бойитишга киришди.

Гўзал ахлоқли ва сокин фитратли Фотима ота-онасининг гапидан чиқадиган ёки уларга қарши борадиган қиз эмас аслида. Шунга қарамай охирги пайтларда онаси билан батъи масалаларда келишолмай қолар, бундай ҳоллар ҳатто тортишувга айланиб кетарди. Онаси унинг муҳандис бўлиш орзу-сини билишига қарамай ўқитувчилик касбини эгаллашини истар, бу эса Фотимани асабийлаштиради.

Таълим йўналишини танлаш муддатига оз қолганида Фотиманинг онаси у билан гаплашиб олишга, унинг нима учун ўқитувчи бўлишини истаётганини тушунтиришга қарор қилди.

- Менга қара, гўзал қизим, менинг мақсадим на сенинг орзуларингга тўсқинлик қилиш, на сени ўқитувчи бўлишга мажбурлаш. Ҳаётий тажрибам ва ўзим билган ҳақиқатлардан келиб чиқиб, аёл фитратига энг мос касблардан бири бўлган ўқитувчиликни танлашингни истадим. Агар сени хафа қилган бўлсам, мени маъзур кўр. У зот⁵ шундай

⁵ Муҳаммад алайҳиссалом

инсон эдиларки, таълимдан бехабар бир оломонни тарбияладилар. Кўпол, ибтидоий, ваҳший ва ёмон одатларга эга миллатни йигирма уч йиллик қисқа муддатда дунёнинг энг кибор, энг нозик, энг маданий, энгadolатли миллатига айлантирдилар. Уларнинг орасидан қанчадан-қанча олимлар, хукмдорлар, қаҳрамонлар етишиб чиқди.

У зот олиб келган барҳаёт ҳақиқатлар энг бағри тошларни ҳам энг марҳаматли инсонларга айлантирди.

У зот барча қалбларнинг севгилиси, нафсларнинг тарбиячиси эдилар.

Шу кунларда келажагинг учун қадам ташлайдиган жуда муҳим паллада турибсан. Бу дунёда сенинг яхшилигингни энг кўп истайдиган киши сифатида балки йўлингни ёритар дея, ўзим билган бир нечта нарсани сен билан баҳам кўрмоқчиман.

Биламанки, сен яхши муҳандис бўлиш ва инсонларга мана шу йўналишда хизмат қилишни истайсан. Илмни, технологияни янада такомиллаштиришни, юртимизни ривожлантиришни мақсад қиляпсан. Ҳам инсониятга, ҳам ватанига фойдали бўлишни истаган бир фарзанднинг онаси эканлигимга қанча шукр қилсам ҳам оз.

Лекин шуни унутмаки, илм ва технологияда ривожланиш инсонийлик, ахлоқ ва тамаддунда ҳам ривожланиш дегани эмас. Агар шундай бўлганида дунёнинг энг ривожланган давлатлари сифатида тан олинган жойларда жиноятчилик ва ўз жони-

га қасд қилиш күрсаткичлари ақлга сиғмайдиган даражада юқори бўлмасди. Билим ва технологик устунликка таянган тамаддуналар балки жамиятларни бой қилгандир, аммо баҳтли қилолмади.

Ақлинг ва қалбингнинг бир бурчагида ҳар доим жой олишини истаётганим бу тушунчаларни кулоқларингга яхшилаб қўйиб ол, қизим.

Инсонларни гўзал ахлоқ соҳибиға айлантириш фақатгина имон ва ибодат билан мумкиндири. Нафсларини тарбияламаганлар гўзал ахлоқ соҳиби бўлолмайди. Аллоҳ севгиси, охиратга ишонч, жаннат умиди бўлмаган кимсаларнинг нафсларини тарбия қилишларининг деярли имкони йўқ.

Инсоният Пайғамбаримиз алайҳиссалом олиб келган ислом тамаддунига бугунги кунларда ҳар доимгидан ҳам кўпроқ муҳтож.

Болаларимиз, миллатимизнинг инсонни ва ислом қадриятларини севишга эҳтиёжи бор.

Мен сенинг бу борада олдинда бўлишингни, пайғамбар касби бўлган муаллимлик йўлида одим отишишингни, инсонларга душманликни эмас, севишни, олишни эмас, беришни ўргатишишингни, биродарлик ва севгига бой бир дунё барпо этиш учун сенинг ҳам ҳаракат қилишингни истайман.

1400 йил олдин бизга қолган бу меросга эгалик қилишингни, «Аллоҳ мени қийновчи ва қийинлаштирувчи қилиб эмас, балки муаллим ва осонлаштирувчи қилиб юборди», дея лутф қилган Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг йўлларидан кетишишингни орзулааб, бунинг учун дуо қиляпман...

Ҳам гапириб, ҳам кўзларидан томчи-томчи ёш оқизаётган онасининг олмосдек сўзлари қалбига чукур кириб борганди. Бироқ қарорини бирданига ўзгартириши унинг учун осон эмасди.

– Рухсат берсангиз, эрталабгача ўйлаб кўрмоқ-чиман, онажон, – деди.

Онаси хонадан чиқди, лекин у айтган сўзлар гўё-ки Фотиманинг вужудининг ҳар заррасида айла-нар, уни асир қилиб олаётганди.

Қандай қилиб ўқитувчи бўлиши мумкин?.. Сабр-сиз ва болаларга эътиборсиз киши ўлароқ ўқитув-чиликни уddалай олармикин?..



Мұхандисликни орзу қылгани ҳолда ўқитувчикни танлаганига ўзи ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Оиласидан узокда, онасининг истагига кўра танланган касб, нотаниш инсонлар ва нотаниш жой... Ким билади Фотимага нималар ўргатади, ҳаётида қандай излар қолдиради...

«...Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, унга
У зотнинг йози кифоядир...»⁶

Ана шу оятни эслаб,
ўзига тасалли берди.

Ўзи учун тақдир қилинган ҳар бир йўлнинг хайрли бўлишини сўради Аллоҳдан.

Зикрини тилига, фикрини зеҳнига, шукрини умрига озиқ қилганча отаси билан Карабук томон йўлга тушди.

Устозлари Фотиманинг Анқарадан кетишига хафа бўлишса-да, борган жойида ҳам илм ўрганишни давом эттириши учун Карабукдаги устозлар билан қўнғироқлашиб, Фотимани ёnlарига олишларини ва яшаши учун жой топишларини илтимос

Амалга ошмаган ҳар нарсанинг ортида Аллоҳ мурод қилган бир хайр бордир.

⁶ “Талок” сураси, З-оят

қилишганди. Илтимослари қабул бўлиб, Фотима яшаш учун жой қидиришига ҳожат қолмади.

Ниҳоят отаси билан ўша талабалар ётоқхонаси-га етиб келишди. Мевали дарахтлари бўлган катта-гина боғнинг ичидаги жойлашган икки қаватли бино экан. Ётоқхона эшигига олиб борувчи тош йўлка-нинг ҳар икки томонига гуллар экилган.

Қизининг нарсаларини ётоқхона эшигигача олиб келган отаси ташқарида бироз кутиб турди. Кўзининг қорачифи бўлган фарзандини нотаниш жойда, нотаниш одамларнинг орасида қолдириб кетиш унинг учун ҳечам осон эмасди. Беҳи дарахтлари орасидаги стуллардан бирига ўтириб, қизи билан сұхбатлашаётган пайт олдиларига одмигина кийинган бир аёл келди.

– Ассалому алайкум, амаки. Мен мана шу ётоқхона-да яшовчи талабаларга масъулман, исмим Маҳлиқо.

– Ва алайкум ассалом, қизим.

– Биламан, ҳар бир ота каби сиз ҳам хавотирлан-япсиз, аммо, илтимос, хотиржам бўлинг. Аллоҳнинг изни билан Фотима синглимизга кўз қорачифимиз-дек қараймиз.

– Ҳар бир фарзанд ота учун қадрлидир, қизим. Ишончим комилки, сен ҳам отанг учун шундайсан, – деди Фотиманинг отаси. Кўнглидагиларни айт-гандан кейин қизини устозига топширди ва Анқарага қараб йўл олди.

Отаси кетгач, Фотима устози билан ётоқхонани айланиб чиқди, у ердагилар билан танишди. Устози Фотимани бир томондан опа-сингиллари билан таниширилар экан, иккинчи томондан ётоқхонанинг

қонун-қоидаларини тушунтира, бирор нима керак бўлса, унга мурожаат қилишни уқтираарди.

Биринчи курсга ўрганиши осон бўлмади. Ўзи истамаган йўналишда ўқияпти, устига-устак, оиласидан узоқда. Мушкул вазиятларда даъвони Аллоҳга суюнишда топди. Кун ўтган сайин қийинчиликлар енгиллашар, Фотима ўзи яшаётган муҳитга кўникиб борарди. Қора денгизнинг ғарбидаги бу шаҳарнинг ёзи ҳам, қиши ҳам инсонга ўзгача хузур бағишлийди. Лекин сув ташиб келтирган билан тегирмоннинг тоши айланмайди, деганлариdek, истар-истамас танлаган ўқитувчиликка ўқиши учун ростдан ҳам тегирмон тоши айланмаётган эди. Сиқилишини, зерикишини кетказиш ва бироз бўлса-да, чалғиш учун ётоқхонага борган Фотима ҳар доимгидек китобини қўлига олиб, ётоқхонанинг настаринлар томонга қараган балконида ўтирганча мутолаага киришди.

Неча йиллардан бери китоб ўқишига қарамай, унга илк марта бунчалик сермањно туюлган бу асарларда у қабул қилган қарорларни қайта кўздан кечиришига туртки берадиган мавзулар ёритилган эди. Фотима бундай мутолаалардан кейин қалбида пайдо бўлган тушуниксиз ҳисларнинг қистови билан одатда Маҳлиқо устоздан маслаҳат сўрайди. Бу гал ҳам шундай қилди.

– Тинчликми, синглим, бирор дардинг борми? – деди устоз уни кўриши билан.

Фотима онаси йўқлигида унга меҳр-шафқат кўрсатган устозини маҳкам қучоқлади ва йиғлай бошлади:

– Мен ўқитувчи бўлишни истамайман!..

Бундай ҳолат Маҳлиқо устоз учун таниш эди.

– Қани, кел, ўтири-чи, озгина сухбатлашамиз. Бир пайтлар мен ҳам худди сен каби мана шу дардга дучор бўлиб, ўқитувчилик касбидан воз кечишга қарор қилган ва маслаҳатлашиш мақсадида фикрлари мен учун жуда ҳам қадрли бўлган бир опанинг олдига боргандим. Опам ўзи мутолаа қилаётган бир асардан дардимга дармон бўладиган сатрларни ўқиб берди: «Ёшлик томири ақлдан қўра қўпроқ ҳиссиётга қулоқ солади. Ҳис ва ҳавас эса қўрдир, на-тижани олдиндан қўролмайди».

Ўша қуни менга шу сатрларни ўқиб берганида янада яхшироқ тушундимки, бизлар фақатгина ақлдан иборат бўлган мавжудотлар эмасмиз. Баъзан инсонда ҳиссиётлар шунчалар жўшиб кетадики, ўша ҳисларни бостира олиш учун хайрли, гўзал илмларга эҳтиёж сезамиз. Агар инсон охиратини ўйлайдиган илмга эга бўлмаса, ҳою ҳавасларига берилади, алданади ва нотўғри қарорлар билан ҳаётини барбод қилиши мумкин.

Қанчадан-қанча инсонлар борки, ақлдан қўра ҳисларига таяниб қабул қилган қарорларининг на-тижаларидан бир умр пушаймон бўлиб юришади.

Бу дунё учун қарорлар қабул қиласиган бўлсак, эҳтимол масъуд бўлишимиз мумкин, аммо бизга маълумки, бу дунёning баҳтили минг йиллик ҳаёти бир дақиқалик жаннат ҳаётига teng келолмайди.

Бу дунё оний лаззатлардан иборат бўлгани учун ҳисларимиз бизга келажакда қўлга киритишимиз

мумкин бўлган олмослар ўрнига синиқ шишаларни танлашга ундаши мумкин.

Олмос қаерда-ю, синиқ шиша қаерда...

Инсон ҳаётда нималарга дуч келишини олдиндан билиб бўлмайди, лекин сендан ёши катта инсон сифатида, ҳиссиётга берилиб қабул қилган қароринг натижаси кўнгилсиз бўлишини истамаганимдан менга йўл кўрсатувчи асадан юрагимга яқин бўлган бир жойини сенга ўқиб бераман.

«...Кастамонудаги лицей ўқувчиларидан бир гурӯҳи ёнимга келди. «Бизга Холиқимиз тўғрисида гапириб беринг. Муаллимларимиз Аллоҳ ҳақида гапиришмайди», дейишди».

Мана шунақа, Фотима, ҳамма ўқитувчи бўлиши мумкин, лекин ҳар ўқитувчи ҳам Аллоҳ ҳақида гапирмайди. Аслида ҳар мавжудот Аллоҳнинг борлигини намойиш этар экан, коинотнинг халифаси даражасида бўлган биз инсонларнинг ва орамизда пайғамбарлар сингари ўқитувчилик, устозлик қилаётганларнинг Аллоҳ ҳақида гапирмаслиги сенингча ғалати эмасми?..

Мен бу сатрларни ўқиёттанимда кўнглимда қандайдир енгиллик ҳис қилдим ва тушундимки, ҳаётим фақатгина бу дунёда яшаб, лаззат ва завқларидан тотиб, кейин уни тарк этишдангина иборат эмас экан. Аввало мени яратган Аллоҳни етарли даражада таниб олиш, қабрим ва охиратимга тайёрланиш, кейин эса бошқа инсонларнинг дардларини ҳам ҳис қилиб, уларга ҳам яшашнинг асл ғояси бу дунё эмаслигини, уларни кутаётган қабр ва охират

борлигини билдириш экан. Мана шуларни ўйлаган сайин идрок қылдымки, янги авлодни дунё учунгина етишириш фақат бу дунёни гўзаллаштиради. Кейин бир қарорга келдим: мен шундай муаллим бўламанки, ягона ғоям болалар, ёшларнинг фақатгина бу дунёларини эмас, ундан ўта мухим бўлган охиратларини ҳам гўзаллаштириш бўлади.

Чунки инсон исломни ўзига ахлоқ қилиб олсагина, гўзаллашиши мумкин.

Коинот устози, муаллимлар муаллими Муҳаммад алайҳиссаломнинг мақсадлари Аллоҳни танийдиган ва севадиган, гўзал ахлоқ соҳиби бўлган, ҳам дунёсини, ҳам охиратини ўйлайдиган авлодларни етишириш эди.

Аллоҳни танийдиганлар ва танита оладиганларга ҳамма жой мактабдир. Бу мактабда шундай муаллимлар ишлайдики, баъзилари имон ҳақиқатини дунёнинг тўрт томонига етказиш учун ватанидан километрлаб йироқларга кетиб, ташлаган ҳар қадами билан она юртидан қанчалик узоклашса, Аллоҳга шунчалик яқинлашган. Айримлари қизиб ётган қумлар устига ётқизилса-да, юрагидаги ҳарорат шунчалар кучли эдикি, танасидаги оташни умуман сезмаган. Яна кимдир бу йўлда бутун умрини фидо қилган.

Мактаблар ана шундай фидойиларга мұхтож, дунё эса ўзи имон келтирган Аллоҳ, охират ва Куръон ҳақиқадаги илмлардан бехабар инсонлар билан тўлиб-тошган. Шундай вазиятда худди ҳеч нарса бўлмагандек, ортга бурилиб кетмоқчимисан?

Ёки ислом ахлоқи билан тўйинган янги авлодларни тарбиялашга ҳисса қўшасанми? Уларга ҳам дунёлари, ҳам охиратларини қутқаришлари учун ёрдам берасанми?

Қайси сафдасан, йўлбошчинг ким?

Коинотга муаллим сифатида юборилган Расуллурроҳ алайҳиссаломмий ёки аҳли дунёнинг сохта кўринишдаги муаллимларими?..

Махлиқо устоз шундай сўзларни сўзладики, Фотиманинг ҳеч қандай эътирози қолмади. Бу суҳбатдан кейин юраги зими斯顿 кечанинг ортидан ёруғтонгга эришгандек чараклаб кетди.

— Устоз, сиз ҳам шоҳид бўлинг, Аллоҳимга сўз бераман, мен ҳам шундай бир ўқитувчи бўламанки, мен тарбиялаган ёшлар фақатгина ўз имонларини қутқариш билан чекланмай, бошқаларга ҳам охиратларини қуқтаришларига ёрдам беради!..

Ётоқхонада яшайдиган талабалар сони кам бўлса-да, дам олиш кунлари ташкил қилинадиган тадбирларга келган лицей ўқувчилари билан бу ер тўлиб-тошиб кетади, баъзан ўтиришга жой ҳам топилмай қолади.

Олти ёшидан бери Куръони каримни ўқишини биладиган Фотиманинг лицейда мактабгача таълим йўналишини битирганидан хабар топган устози унга бир хона ажратди. Олти-үн икки ёшдаги болаларга таълим бериш вазифасини топширди.

Сен билан
муносабати яхши
бўлган инсонларга
эҳтиёжимиз бор,
Аллоҳим!

Фотима ўзига ажратилган хонани болаларнинг эътиборини тортадиган кўринишда безаб, улар учун синф ташкил қилди. Болаларга фақатгина Куръони карим эмас, балки қизиқарли тарзда ўргатиш мумкин бўлган сийрат, имон ҳақиқатлари ва илми ҳол каби дарсларни ҳам бера бошлади. Ораларида намозга ёхуд Куръонга иштиёқи бўлмаганларнинг иштиёқини ошириш учун кичик тадбирлар ташкил қилди, шу йўл билан уларда имонга, ибодатга қизиқиш уйғотишга уринди.

* * *

Вақт жуда тез ўтди. Фотима ўқитувчилик билан бирга сиртдан илоҳиёт факультетини ҳам битирди.

Карабукка келган кун кечагидек кўз ўнгидан. Тўрт йил бир зумда ўтди-кетди. Аввалига қийналса-да, бу ерда ўтказган йиллари гўзал хотираларга бой бўлди. Ўқиши тутатиб, бу шаҳардан кетадиган вақти келди.

Карабукдан кетса ҳам, юрагининг бир парчаси шу ерда қолишига ишончи комил.

Анқарага, оиласининг ёнига қайтган Фотима узокроқ бир қишлоқдаги мактабга юборилди. Лекин оиласи шароит сабабли у ерга боролмагани учун жазо сифатида икки йилга ишга тайинланмайдиган бўлди. Анқарада иш қидириб юриб, болалар уйларидан бирига психологик ёрдам кўрсатувчи ўқитувчи олиниши ҳақида хабар топди. Аризаси қабул қилиниб, ишга олинди.

Энди у Фотима устоз эди.

IV БОБ

«112»га келиб тушган құнғироқ

- Алло, алло... Дишкапи қўпригининг тагида бир бола ётибди, нафас олиб-олмаётгани аниқ эмас. Тезда етиб келишингиз керак!

Тез тиббий ёрдам машинаси сиренасини чинқи-ратганча бир неча дақиқада етиб келди. Мехметнинг танаси музлаб қолган, тиббиёт ходимларининг уни ҳушига келтиришга уринишлари фойда бермаётган эди. Улар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатгандан кейин Мехметни зудлик билан қалхонага олиб кетишиди.

Шифокорлар уни сунъий нафас бериш жиҳозига улашди. Беморнинг томир уриши маромига келмас, ҳаёти ҳамон хавф остида эди.

Бундай ҳолатни аввал ҳам кўрган шифокорлардан бири Мехметнинг чўнтагини титкилаб, гиёҳванд моддадан бўшаган пакетчаларни топди. Бу модданинг биргина дозаси ҳам инсонга кучли таъ-

сир қиласи, кўринишидан 14-15 ёшга ўхшайдиган бу боланинг катта миқдорда гиёҳванд модда қабул қилишига нима сабаб бўлдийкин?..

Зулмат кўчаларнинг бангифурушлари янги моддани синаб кўриш учун навниҳол бу болани заҳарлаб ташлаб кетишдими ёки ҳаёт мashaққатлари уни кашандалик ва ичкиликбозлиқдан кейин комага тушадиган даражада гиёҳванд модда қулига айлантиридими?..

Ёнидан ҳеч қандай ҳужжат ҳам, телефон ҳам чиқмаган бу бола ким?..

Полиция ходимлари Мехметни топган икки фуқародан кўрсатма олиб, уларни қўйиб юборишиди. Полициячилар яна ўз ишлари билан овора бўлишиди, ичкарида эса Мехмет ҳамон ҳаёт учун курашарди. Шифокор ўпкада сув тўпланиб-тўпланмагани ва мияда заарланиш бор-йўқлигини аниқлаш учун Мехметни томография текширувидан ўtkазишларини сўради. Бемор қанча вақт кислородсиз қолганини аниқлаш муҳим, агар у ўзига келса, соғлигининг қанча қисми тикланишини вақт кўрсатади.

Шифокорлардан бири «Бир соат ичида ҳамма нарсага тайёр туринглар», дейиш учун ташқарига чиқди. Аммо кўрдики, bemornining на ота-онаси бор, на бирор яқини. Шифокорлар ҳушига келганида ўзига зарар бермаслиги учун Мехметнинг бошидан бир лаҳзага ҳам айрилмас, у эса ора-сира кўзларини очар, қўлини кўтаришга уринар, лекин кўтара олмасди...

Реанимация бўлимида ётган Мехмет бир неча кундан кейингина ҳушига келди. Оиласини топишнинг иложи бўлмаганидан аввалига уни «Аматем»-га⁷, у ердан болалар уйига жўнатишиди.

Ерга қадалмаган уруғ униб чиқмайди, гул очиши учун олдин экилиши зарур. Мехмет ўн тўрт йиллик қисқа ҳаётида бу дунёга шундай экилган эдики, гул очиши учун оби ҳаётга эҳтиёжи бор эди, ўша оби ҳаёт у тасодифан келиб қолган болалар уйи бўлди...



⁷ Ичкиликбозлик ва гиёхвандликка учраганлар даволанадиган илмий-амалий тиббиёт маркази.

Ёмон инсонлар йўқ, ёмонлик сари итқитиб юборилганлар бор

Хаётининг баҳорида сўлдирилган бир бола ва яшаш учун кураш йўлида илк одимини ташлаган ёшгина ўқитувчининг улкан китоб бўлмиш коинотнинг айни саҳифасидан ўрин олиши тасодиф эмасди. Бу учрашувда тақдирнинг уларга айтишни истаган кўп гапи бор, бироқ ҳар иккиси ҳам ҳозирча булардан бехабар, кундалик юмушлари билан овора.

Болалар уйида ҳар бир ўқитувчи учун йигирма нафар ўқувчи ажратилган. Меҳмет Фотима устознинг гурӯҳига тушди. Устоз янги ўқувчи билан танишиш учун ичкарига кирганида Меҳмет шифтга термилиб ўтирган эди.

– Хуш келибсан! Мен бу ерда сен учун масъул ўқитувчиман, исмим Фотима, бундан кейин барча муаммоларинг билан мен шуғулланаман.

Меҳмет эса кўзларини оппоқ шифтдан узмади. Афтидан, у на танишишни, на гаплашишни истаётган эди. Фотима устоз уни биринчи кундан қистовга олишни хоҳламади ва ёрдамчи ходимни чақириб, Меҳметга овқат олиб келишни айтди-да, ўзи хонадан чиқиб кетди.

Орадан икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас ётоқхонадан бақир-чақир овозлари келаётганини эшигтан Фотима устоз тезда ортга қайтди. Мәхмет сүқинганча ўзини у ёқдан-бу ёққа ураётган, олдиdan нима чикса уриб синдираётган эди. У гиёхванд модда истар, худди қиши куни ташқарида юпун кийимда қолиб кетгандек тинмай титрар, турган жойида ўзини ерга отар, гоҳ күзларини бир нұқтага тикиб, гоҳида ўзига ўзига бир нарсалар деб минғирлар, баъзан күзига отаси күриниб, «Дада!!!» деб бақиради.

Хумор тутганида Мәхмет ўзини билмай қолиши ҳақида Фотима устозга маълумот берилган бўлса-да, у бундай ҳолатни умрида биринчи марта кўриб тургани учун чўчиб кетди. Бошқа ходимларнинг ёрдами билан Мәхметни тинчлантиришга уринди, анча-мунча овора бўлгандан кейингина бунинг уддасидан чиқди...

Ўқувчилар орасида отаси оламдан ўтганлар, онаси ташлаб кетганлар, тажовузга учраганлар, бангига айланганлар бор. Уларнинг ҳолати Фотима устозга қаттиқ таъсир қилас, ишда бўлмаган пайларда ҳам бу болаларни ўйлаб юраги сиқилар, кечаси билан кўзига уйқу келмасди. Бу ерда ўтказган икки ҳафтаси икки йилдек туюлиб кетди. Бўлди, ортиқ чидолмайди, ишдан бўшайди!..

Кўзи тушган бир китобни олди-да, мутолаага киришди. Қачон бирор муаммога дуч келса, дарров китобларга ёпишади, у боши берк деб ўйлаган кўчаларда мана шу китоблар унга йўл кўрсатади.

“Аллоҳ имтиҳон қиляпти”, деганча сен фақатгина томоша қилиб турган инсонга ёрдам қилиши-қилмаслининг сенинг имтиҳонингдир.

Сассиз кечада, хирагина ёниб турган чироқ остида ўқилаётган китобда битилган мисралар гүёки ҳаётининг бундан кейинги қисмини белгилаб берар, энди ҳеч

нарса аввалгидек бўлмаслигига ишора қилаётган-дек эди.

«Инсонни инсон қиладиган имондир. Шундай экан, инсоннинг асл вазифаси имон ва дуодир. Куфр инсонни ғоят ожиз ҳайвонга айлантириб қўяди».

«Албатта», деди Фотима устоз ўзига ўзи.

Мутолаадан кейин Мөхмәтдаги камчилик имон эканлигини идрок қилгач, bemornining dardigiga shifo topgan shifokor kabi sevinди. Talabalarni etoqxonasiida uziga uzi berган va'dasini esiga tushdi: «Men xar doim ukuvchilariiga Alloҳ ҳақида sўzlайдиган muallima bўlamан...»

Фотима устоз аввало боланинг kўnglini oliishi kerakliginini yahshi bilardи. «Oldin mени yahshi kўrsin, yahshi kўrsa, қулоқ soladi, қулоқ solsa, tushunadi... – deя haёlidan utkazdi. – Shuni aslo unutma, Fotima, aslo unuta kўrma! Emон инсон йўқ, emonlik sari itkitilganinsonlar bор. Sen xech kimmni gunoxlari учун жазolайдиган maқomda emassan, chunki bu maқom faқatgina Alloҳga oиддир. Сенинг vazifang инсон xар қанча gunoxga bot-

ган бўлса ҳам, унинг эшигини қайта-қайта тақиллатиш, очмаса яна ва яна тақиллатиш, юз марта, минг марта тақиллатишдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳатто жуда кўп зулмлар қилган Абу Лаҳабдан ҳам воз кечмадилар, неча марталаб унинг эшигига бордилар, токи «Таббат» сураси нозил бўлиб, Аллоҳ таоло Абу Лаҳабдан воз кечмагунча... Расулуллоҳ алайҳиссалом юзига Аллоҳнинг раҳмат эшиги ёпилмаган кишилардан асло умидларини узмас эдилар. Модомики, шундай Пайғамбарнинг уммати экансан, модомики, У зотнинг маслаги билан шарафландинг, сен ҳам сенга эҳтиёжи бўлган бу болалардан умидингни узолмайсан, уларга терс ўгирила олмайсан, гўёки бу азоблар йўқдек ҳаётингни қолган жойидан хотиржам давом эттира олмайсан. Олган шунча илмингдан кейин ҳам бу болага орқа ўгирадиган бўлсанг, унга эҳтиёжи бўлган имон ҳақида сўзлаб бермасанг, Аллоҳ, албатта, бунинг ҳисобини сендан сўрайди...»

Шундан сўнг қўлларини дуога очди:

«Ё Раббим! Сенинг розилигинг учун чиққан бу йўлимда менга ёрдам бер!»



Зеро, Аллоҳ мени севмайди...

Бу тонг ўзини ҳар қачонгидан хотиржамроқ хис қилаётган эди. Болалар уйига борганида хонасига кирди ва ишни нимадан бошлаш ҳақида ўйлади.

Энг аввало Меҳметни гиёхванд модда таъсиридан буткул қутқариш керак. Бунинг учун «Аматем»дан келган икки ходим ва бир тиббиёт ходими билан учрашиб, маслаҳатлашиб олди. Меҳметни ҳам ижтимоий фаолиятларга жалб этади, ҳам педагогик усуслар билан унинг тузалишини тезлаштиради.

Меҳмет инсонларга бўлган ишончини йўқотган эди. Шу сабабли одамларга унчалик ҳам аралашмас, кўпинча баскетбол ўйинларини томоша қилас, ёки ўзи ёлғиз юради. Биринчи босқичда унинг ўз-ўзидан ичини очишини кутиш тўғри эмас, олдин уни тенгдошлари билан таништириш, ишонч борасидаги муаммони ҳал қилиши керак. Уни бирданига одамлар орасига қўшиб қўйиш акс таъсир кўрсатиши мумкинлигидан Али исмли ота-онаси вафот этган, одобли боладан Меҳмет билан дўст бўлишини сўради.

Икки ой ичида Мехмет ва Али яқин дўстларга айланишди. Мехмет энди олдингидек ёлғиз юрмас, Али билан бирга овқатланар, сухбатлашар, вақтнинг кўп қисмини у билан ўтказарди. Мехметдаги ижобий ўзгаришларни кўрган Фотима устоз уларнинг ёнига яна бир болани кўшди. Кейинроқ тағин икки бола, сўнг уч бола қўшилди. Шундай қилиб, саккиз ой ичида Мехмет ўзини хотиржам ҳис қила оладиган муҳит пайдо бўлди.

Фотима устоз Мехметнинг баскетболга қизиқишидан хабардор эди. Бир куни унга ажойиб совға тайёрлади. Ташқарида дўстлари билан ўтирган Мехметни чақириб, унга стол устида турган мовий ўрамни узатди. Устозидан аввал ҳам бир неча бор совға олган Мехмет ўрамни ҳаяжон билан очди. Ичидан 23 рақами, дастхат қўйилган Леброн Жеймс⁸ формаси ва баскетбол тўпи чиқди! Мехметнинг кўзлари қувончдан порлаб кетган, бу сафар хафаликдан эмас, курсандчиликдан йиғлар эди. Ахир анчадан бери ҳеч кимдан кўрмаган меҳрни айнан Фотима устозидан кўряпти...

Форма ва баскетбол тўпини олгандан кейин у ҳам ўқитувчиси учун нималардир қилишни истар, аммо кутилмаган совғадан кейин хаёлига ҳеч нарса келмаётган эди. Бирор нима олай деса, пул йўқ, нима қилса экан?.. Турган жойди бироз ўйланди-да, сўнг бошини кўтариб сўз бошлади:

– Сизни курсанд қиласидиган бир хабарни айтмоқчиман, устоз. Сиз аъзо бўлишимни истаган, бироқ

⁸ Америкалик машхур баскетболчи

мен розилик билдирмаган баскетбол тугарагига ҳозироқ бориб ёзиламан.

Бу гап бошқалар учун оддийдек туулар, аммо Фотима устоз учун жуда қадрли, чунки Мөхметнинг оғзидан бу сўзларни эшитиш учун бир неча ой ҳаракат қилди. Яхши хабарни эшитиб, ҳам Мөхметнинг кўнглидан жой олганидан, ҳам унинг одамларга аралаша бошлаганидан хурсанд бўлди.

Мөхмет энди баскетбол тугарагида бўлгани сабабли ҳар тонг шуғуллана бошлади. Жисмоний тарбия ўқитувчиси «Яхши баскетболчи фақатгина танасини эмас, ақлини ҳам яхши ишлатиши керак» дегани учун ақлни чархлайдиган машғулотларни ҳам канда қилмаяпти.

Фотима устоз бир ярим йил деганда Мөхметни гиёҳванд моддалар таъсиридан буткул қутқарса-да, у ҳали ҳам ора-орада ўзига зиён етказишни кўймаяпти. Шу сабабли устоз «Аматем»даги мутахассислар қайта-қайта билан маслаҳатлашиб, яна нималар қилиш мумкинлигини муҳокама этади.

Хумор тутмаган пайтларда Мөхмет мўмин-қобилгина бола бўлар, хумор тутганида эса кўзига ҳеч нарса кўринмас эди.

Бугун Фотима устоз уни қўлида одеколон шиши билан кўриб қолди. Олиб қўймоқчи эди, шиша синиб, устознинг қўлини кесиб кетди. Қўлининг кесилгани эмас, Мөхметнинг оғзидан чиқсан сўзлар Фотима устознинг жонига кўпроқ озор берди:

- Кўйиб юборинг! Бўлди, бас! Ўзи Аллоҳ мени севмайди! Севганида бошимга шунча ташвишлар

тушишига йўл қўйган бўлармиди? Мени асраган бўларди...

Фотима устоз Меҳметнинг кўнглидаги ҳамма нарсани айтиб олишини кутиб, индамай турди. Ҳозирги босқичда Меҳметни руҳан тайёр деб бўлмайди, унга имондан сўз очишининг мавриди эмас ҳозир.

У ҳали бола. Ҳар бир бола каби унинг ҳам энг катта эҳтиёжи – меҳр ва шафқат. Энг аввало ана шу эҳтижни қондириш зарур.



Онасининг қадрлиси

Болалар уйида ҳар куни бир ўқитувчи навбатчи бўлиб қолар, кечкурун соат ўн бир ярим-ўн иккилар атрофида ўқувчиларни бирма-бир текшириб чиқарди. Бугун навбатчиликда Фотима устоз. У ҳамма қаватларга чиқди, болалар ётоқхонадами-йўқми, бирма-бир қараб чиқар экан, навбат Мехметтага келганида унинг жойида эмаслигини кўрди. Хаёлига ёмон нарсаларни келтиришни истамагани учун балки юз-қўлини юваётгандир деган ўйда ўша қаватдаги ювениш хонасига борди. Аммо Мехмет у ерда ҳам йўқ эди.

Фотима устоз хавотир ола бошлади. Охирги пайтларда Мехмет анча яхши бўлиб қолган бўлса-да, унга ҳали тўлиқ ишонолмас, ўзига зарар беришидан қўрқарди. Ҳовлиқсанча ташқарига чиқди. Тун қоронғисида бирор натижа чиқишидан умид қилмаётган бўлса-да, охирги чора сифатида боғ томонга йўл олди. Хаёлида мингта ўй билан боғнинг ҳамма томонини қараб чиқсан Фотима устоз баскетбол майдончасидан келаётган овозни эшишиб, ўша ёққа юрди ва Мехметнинг бир ўзи тўп ўйнаётганини кўрди.

– Тинчликми, Мехмет? Ярим кечаси бу ерда нима қиляпсан?

- Ётоқхонада сиқилиб кетдим, сал ўзимни чалғитай деб шу ерга келдим.

- Нега сиқилиб қолдинг?

Меҳмет аввалига жавоб бермади. Кўлидаги тўпни бир неча марта ерга ургандан кейин:

- Йўқ, устоз, ўзим шунчаки... - деди.

- Бир гап бордек, Меҳмет. Агар гаплашишни истасанг, сенга жон деб қулоқ тутаман, лекин истамасанг, сени мажбурламайман.

Сирларни ошкор қиласидиган пайт келган эди.

Фотима устоз билан танишганидан бери унга иҳшилик қилиб келяпти. Онасидек меҳрибон устозига ҳамма нарсани айтиб беришни хоҳларди-ю, қандай қилиб гап бошлишни билмасди. Мана, ҳозир айни фурсати...

Меҳмет бошидан ўтганларни ҳикоя қилишга кириши.

- Отам Ағри⁹да тўрт қиздан кейин дунёга келган ягона ўғил фарзанд эди. Бувам уни эркалатиб катта қилди, отамнинг чўнтағида доим пули бўлган, ўғил бўлгани учун унга ҳеч қандай тақиқ қўйилмаган, шу сабабли ҳамма нарсани ўзига мумкин деб ўйлаган. Ўғил бола-да, деб қилмишларини нуқул бости-бости қилишган. Ёшлигига ҳам, кейинги ҳаётида ҳам ичкилиkbоз, тайини йўқ одам бўлган.

Онам эса отамнинг мутлақо акси – қаршисидаги инсонни хафа қилиб қўйишдан қўрқадиган, бошига ҳар қандай ташвиш тушмасин, фақат яхши томонини кўрадиган, мулоҳазали, фариштадек аёл эди.

⁹ Туркия шарқидаги шаҳар



Онам тўйдан олдин отамни умуман танимаган бўлса-да, отам унга бирор ёмонлик қилганиданми ёки ўз оиласи уни қалин пули учун сотгани сабаблими, нимадир бўлиб, отам билан турмуш қурган ва охири йўқ дард-аламлари мана шундай бошланган. Уйда ҳам отамдан, ҳам қайнопаларидан зулм кўрган онам тўйдан кейин кўп ўтмай ҳомиладор бўлибди. Орадан бир-икки ой ўтгач, Ағрида яшаган пайтларида, отамнинг қандайдир қилғилиги туфайли бувам уларни шошилинч равишда Анқарага юборган. Аввалдан олиб қўйган ерга уй қурдириб, онам билан ўша уйда яшашган. Онам қайнопаларидан қутулса ҳам, у ерда ҳаёти яхшиланмаган, отам кун сайин уни қўпроқ калтаклаган. Бир куни азоблар ичида қолганида, тўлғоқ тутибди ва шошилинч равишда касалхонага олиб боришибди, опам муддатидан олдин дунёга келибди. Турмуш қурганидан бери бирор ёруғ кун кўрмаган онамнинг шодлиги узоқча чўзилмаган, эрта туғилганлиги сабаблими ёки ҳомиладорлик пайтидаги зарбаларининг оқибатиданми, хуллас, опам икки ҳафта ўтмай вафот этган.

Онам қаттиқ хафа бўлган, отамнинг эса парвойи палак. Бувамдан келган пулларни кайфу сафога сарфлаб юраверган, бу ҳам етмаганидек, рўғорни онамнинг бўйнига юклаб, уни бошқаларнинг уйига тозалик ишларига юборган.

Опамнинг вафотидан уч-тўрт йилдан кейин онам менга ҳомиладор бўлган ва ноябрь ойининг кунларидан бирида мен дунёга келганман.

Аслида болалигим ҳақида ғам-аламга тўла кунлар ва бир қанча хотирадан бошқа айтадиган нарсам қўп эмас, устоз...

Ўша кунлардан мен эслайдиган биргина киши - бу уйимизнинг орқа томонида сариққа бўялган уйда яшайдиган қўшнимиз Солиҳ амаки. Дадам одатда дўстлари билан уйнинг сал нарисида жойлашган чойхонада ёки бошқа жойларда ўтирас, на уй билан, на биз билан иши бўлар эди. Онамнинг умуман пули бўлмасди, шу сабабли бирорта ўйинчоқ олиб бера олмасди.

Бир куни ўзимга лойдан машина ясашга уринаётганимда қўшнимиз Солиҳ амаки қўриб қолди. Аҳволимга ачиниб кетган шекилли, пульт билан бошқариладиган кўк рангли ўйинчоқ машина олиб берди.

Бир неча кун шу машинани ўйнадим, аммо яна отам жанжал қўтарган кунлардан бирида машинамни синдириб ташлади. «Бу уйга мендан бехабар ҳеч нарса олинмайди!» деб менга икки шапалоқ туширди. Мени унинг қўлидан қутқаришга уринган онамга ҳам тарсаки туширди. Хуллас, тўрт мавсум ўз вақтида келиб кетадиган юртда бизнинг уйга баҳор сира келмади, устоз...

Чукур нафас олиб, йиллар давомида елкасида юқ бўлиб турган хотираларни бирма-бир айтиб, бироз енгиллашган Мехметни Фотима устоз сабр билан тинглар, ичидаги бутун дардини тўкиши учун гапини бўлмасди.

- Отам ўша ўйинчоқ машинага қўшиб келажак ҳақидаги бутун орзуларимни ҳам синдириб ташла-

ди. Синикларни бирлаштиришга уринсам, ёриқларидан дард-алам сизади...

Бизнинг уйда ҳаммаси рисоладагидек эмаслигини тушуниш қийин эмасди, устоз. Аммо онам шунчалик яхши аёл эдики, ўзим оқ-корани ажратадиган бўлмагунимча отамни бирор марта менга ёмонламади. «Болам, биз жанжаллашишимиз мумкин, аммо сен эътибор берма. Нима бўлганда ҳам, у сенинг отанг, шуни асло унутма», дерди доим.

Онам биз яшаган жаҳаннамдек уйда жаннатни барпо қилди, мен ўз йўлимни доим унинг ўгитлари ёрдамида топдим.

Биринчи синфга борганимда олти ёшда эдим. Синфдошларимдан бўйим пастроқ бўлгани учунми ёки ёшим кичкиналигиданми, билмайман, аввалига жуда қийналгандим, лекин ҳар қанча қийин бўлмасин, бу дарсларни ўзлаштиришимга умуман таъсир қилмади. Бошланғич мактабда энг катта ташвиш пулимиз бўлмагани учун ўқитувчим айтган нарсаларни ололмаслигим эди, қўлимиш калталиги туфайли синфдошларим мени ўзларига қўшмасди ҳам. Аммо, ишонасизми, ўша пайтларда

“Зиндонларнинг
энг ёмони — ахлоқи
ахлоқи мос келмайдиган
инсонларнинг бир жойда
яшашидир”.

Хазрат Умар

мен бундан кўпам хафа бўлмаганман, чунки аъло ўқишга, яхшилар билан дўст бўлишга, ҳаётимни гўзал давом эттиришга онамга сўз бергандим.

Бошланғыч мактабда онамдан бошқа менга ёрдым берадиган яна бир киши бор эди – жисмоний тарбия ўқитувчимиз Эркан устоз. Баскетболга бўлгани қизиқишимни сезиб, мени иккинчи синфда мактабнинг баскетбол жамоасига қўшиб қўйди. Унинг сабоқлари ва машғулотлар натижасида мен ҳим мактаблараро турнирларга қатнашадиган, бошқа жамоаларда ўйнайдиган бўлдим. Баскетбол жамоасига олинганимни айтганимда онамнинг хурсанд бўлганини бир кўрсангиз эди. «Жоним ўғлим менинг! Сен билан фахрланаман. Аминманки, келажакда жуда яхши баскетболчи бўласан», деди кўзларидан ёш оққанча.

Оҳ, менинг онам! Бошининг устидан қора булатлар, кўзиларидан ёмғирлар аримаган онам!...

Биласизми, устоз, онамнинг кулганини жуда кам кўрганман. Мени жуда яхши кўради. «Онасининг қадрлиси, бу кўнглим сен борлигинг учун хузур топди, сен ташлаган илк қадам, илк марта она деганинг ҳар доим ёдимда. Сенга боғлиқ нима бўлса, онангнинг бағрида гул бўлиб очилди», дерди ва мени маҳкам қучоқлаб оларди.

Отамга қаердандир инсоф тегиб, мен тўртинчи синфи тугатаётганимда Чанкай¹⁰ ҳокимиятида ишчи бўлиб ишлай бошлади, аммо бу узоққа чўзилмади. Кўли эгрилигиданми ёки хулқи ёмонлигиданми, хуллас, уни қамоққа олишди. Отам уйда бўлмаган бир йил энг хузурли давримиз бўлди. Мен ўқишни давом эттирдим, дам олиш кунлари

¹⁰ Анқарадаги туман

онам билан бирга тешиккулча ва сув сотдим. Ўёғимизда ўзимиз қовурилган ўша дамларда онам билан бирга пул тўплай бошладик. Отам билинг қолмаслиги учун гиламнинг тагига яширдик. Ке лажакда нималар қилишимиз мумкинлиги ҳақида орузларга берилдик.

Мен машхур баскетболчи бўламан... Онам ўтмишнинг қора изларини жисмидан ҳам, рухиятидан ҳам ўчириб ташлаган бўлади... Уйга келганимда мени кулиб кутиб олади, дастурхонда эса биз яхши кўрган овқатлар. Энди овқатларимиз заҳарга айланмайди...

Хуллас, мана шунга ўхшаш орзулар.

Бир куни онамга «Бу ерлардан кетайлик, отамнинг сўкишлари, калтаклари бўлмаган, ёстиқقا бошимизни хотиржам қўядиган, ҳеч ким бизни тополмайдиган жойларга кетайлик. Ўзим сизга қариман, сиз доим ёнимда бўлсангиз бўлди», дедим. Онам умидланди чоғи «Бир куни буларнинг бари тугайди, ўғлим, ишон менга», деганча мени қаттиқ кучоқлади. Ўшанда зими斯顿 ўтмишимиз кун келиб тупроққа қўмиладигандек, онам билан баҳтиёр ҳаёт кечира бошлайдигандек туюлганди менга.

Отам қамоқдан қайтиши билан токчага териб қўйилган орзуларимиз ўз ўрнини яна ёмон кунларга бўшатиб берди. Мен эса болалик билан хайрлашиб, ўсмирликка қадам қўйдим ва ўрта мактабга бора бошладим. Шундоқ ҳам инсон учун энг қийин давр ҳисобланадиган ўсмирликда отамни баттар ёмон кўриб қолдим. Энди онамнинг отам ҳақидаги

Ги кинлари мени тинчлантирумай қўйганди. Чунки юнга бўлгандим, онамга нималар қилаётганини үриб турардим, бизни умуман яхши кўрмаслигини билардим. Онамни менинг ёнимда уришга ҳаранг қилганида бир неча марта қўлидан ушлаб қолдим. «Энди мен борман, яна бир марта онамга қўл қўттарсангиз, бу қўлларни синдираман», дегудай оғлиб уни ташқарига чиқарив юбордим.

Оғам энди онамни мен уйда бўлмаган пайтларди ура бошлади. Буни уйга келганимда онамнинг шимтакдан қизарган ёноқларидан, кўзларидан оқаган ёшлардан билардим. Хафа бўлмаслигим учун мени кўриши билан дардини ичига ютиб, ўзини мажбурлаб кулар эди. Онамнинг юраги ўрнида тоғ оғулганида, майдада майдада бўлиб кетарди, устоз.

Отамнинг зулмлари давом этгани сайин уйга боргим келмайдиган бўлди. Вақтимни ёмон бўлса ҳам, ўртоқларим билан ўтказишга ҳаракат қиласдим. Онам ўзига қилинган азиятни кўришни истамаганимдан уйга кеч келишимни биларди, лекин оналик меҳри билан сезган бўлса керакки, доим «Ўғлим, атрофингдагиларга эҳтиёт бўл», деб огоҳлантириб турарди. Мен сигарета чекадиган, յрамасликлар қиласдиган қилиқ чиқаргандим. Лекин онамга асло ҳурматсизлик қиласдим, чунки менинг яхшилигимни истагани учун насиҳат қилишини билардим.

Отам ҳамон ишламасди. Бувам юборган пуллар унинг ичишига, қимор ўйнашига етмасди, шу сабабли мени мактабдан олиб, ишга жойлаштириш-

га қарор қилди. Бунга, энг аввало, онам қаршилик қилди, ҳар қачонгидан кўпроқ калтак еса-да, таслим бўлмади. Мен ҳафта давомида ўқиб, дам олиш кунлари Остим¹¹да ишлардим. Улғайганим сари ҳаётнинг ҳақиқий юзи билан яқинроқ таниша бошладим, бу эса биз қилган орзуларнинг ҳеч бири рўёбга чиқмаслигини тушуниб етишимдан бошқа нарсага ярамади.

Охирги пайтларда отам қимор ботқоғига ботгани, катта миқдорда қарз бўлиб қолгани, бу қарзни тўлолмагандан ичкиликка баттар муккасидан кетгани етмагандек, суюқоёқ аёлларга илакишиб қолган экан. Отамнинг ҳар қандай азобига чидаб келаётган онам қадр-қийматининг оёқлар остига олинишига чидолмай исён кўтарди. Лекин отами на онам қизиқтирасди, на унинг қадр-қиммати, номуси.

У пайтда мен ўрта мактабни тугатаётгандим...

Мөхмет бирданига жим бўлиб қолди, сўзлар бўғзига тизилиб қолгандек эди. Бир муддат кўзидан оқаётган ёшларнинг тинишини кутди, лекин бу ёшлар тинадиганга ўхшамасди...

– Отам онамни ўлдирган ўша кунни сира эсимдан чиқаролмаяпман, устоз...

Фотима устоз донг қотиб қолди. Мөхметни тинчлантирадиган, кўнглини кўтарадиган бирор нима айтишини истар, аммо кўз ўнгидаги онаси ўлдирилган болага соатлаб гапирса ҳам, юрагидаги оловни сўндира олмаслигини жуда яхши тушуниб турарди.

¹¹ Анқарадаги саноат ҳудуди

— Ўша куни отам уйга яна ғирт масти бўлиб келди, онамга овқат тайёрлашини, қорни оч эканлигини айтди. Мен овқатланиб бўлганим учун хонамга кириб, дарсимни қила бошладим, аммо кўзим ҳам, қулоғим ҳам уларда эди. Онам ерга ёзилган дастурхонга бир коса шўрва қўйди. Энди ўрнидан тураман деганда, отам қўлида рақи¹² шишиаси билан «Ўтири!» деганча ўшқирди. «Мен овқатланаётганимда ҳамма дастурхон атрофида бўлади», деб бақирди. Унинг овози тобора баландлаб борарди.

Аралашибни истасам ҳам, онамнинг жанжалларга аралашма деб тайинлагани ёдимга тушди. Хонамнинг эшигини ичкаридан қулфлаб, жанжал тугашини кута бошладим.

Онамнинг «Кўйиб юборинг!» деб бақирган овози, отамнинг сўкиниши, тасир-тусурлар... Қулоқларимни икки қўлим билан бекитиб, девор бурчагига сингиб кетганимни эслайман, холос.

Онам бирданига жимиб қолди.

Минг қўркув билан эшикнинг тирқишидан қарасам, не кўз билан кўрайки, онам ерда қонга беланиб ётарди.

«Она!» деб уввос тортганча ёнига қандай чониб борганимни билмайман. Қорнига урилган бир неча пичоқ зарбидан оқ гулли қўйлаги қип-қизил бўлган кўйи ер билан битта бўлиб ётар, аранг нафас оларди. Қора, жингалак соchlарини силаб, «Она, мени ташлаб кетманг, илтимос, ташлаб кетманг», деб йиглай бошладим.

¹² Турк ароғи.

Отам кўлида пичоқ билан оёғида аранг турар, елкаси билан деворга суюнишга уринарди. Онам унинг менга ҳам заар беришидан кўрққани учун пуллар яширилган гиламга ишора қилди. «Пулларни олиб, бу ердан қоч, ўғлим, ўзингни қутқар», деди бир амаллаб.

Кўзи ҳеч нарсани кўрмаётган отам мен томонга қадам ташлар экан, онам охирги кучи билан унинг оёқларига ёпишди. «Бўлақол, Мөхметим, онасининг қадрлиси, қоч!» деди.

Онам сўнгги нафасини бераётган пайт мен гилам тагидаги пулларни олиб, ўзимни кўчага урдим

Ўша куни онамни охирги бор кўрдим. Охирги бор унинг оғзидан «Онасининг қадрлиси» деган сўзни эшитдим. Мехрибон қўлларини охирги бор ушладим. Биринчи марта кўчада қолдим...

Мен онамнинг азасини ҳам тута олмадим, унинг олдидаги охирги вазифамни бажара олмадим. «Сизни яхши кўраман, онажон» дея олмадим. У билан видолашиб насиб қилмади. Ахир, устоз, айтинг, булар нега менга раво кўрилди? Бундай аҳволга тушиш учун мен нима қилдим?..

Кўзларидан оқаётган ёшларни тўхтата олмаётган Фотима устоз нима деса ҳам, ҳаммаси бекор эди.

– Сенга онангни қайтариб олиб келолмайман, лекин рози бўлсанг, мен сенга оналик қиласман, хўпми, Мөхмет? Сени асло ташлаб қўймайман, ула ўлгунимча ташлаб қўймайман...

Яхшилик сари одим

Эртаси куни хонасининг деразасидан қараб, Мөҳмәтнинг дўстлари билан ўйнаётганини қўрган Фотима устоз «Ҳаммаси яхши бўлади, Худо хоҳласа, яхши бўлади», деди ўзига ўзи.

Шу пайт эшик тақиллаб, бир неча касбдоши кириб келди.

– Устоз, вақтингиз бўлса, сиз билан бир нарсани гаплашмоқчи эдик, – дейишиди.

– Албатта, келинглар, – дея уларни ичкарига таклиф қилган Фотима устоз ёрдамчига чой олиб келишни айтди. – Эшитаман сизларни.

Ўқитувчилардан бири сўз бошлади.

– Мөҳмәт нафақат дўстлари билан келиша олмапти, балки уйга вазифаларни ҳам умуман бажармаяпти. Биз уни бир неча марта огоҳлантирдик, жазолар бердик, лекин бизга қулоқ солмаяпти. Бу назиятга Мөҳмәт қанчалик масъул бўлса, сиз ҳам ўқитувчиси сифатида масъулсиз. Чора кўришингизни истаймиз.

– Сизларга ҳам маълумки, ёмон инсон йўқ, ёмонликка рўбарў қилинганлар бор. Заарли инсон йўқдир, заарга дучор қилинганлар бор. Бир инсон ҳар қанча ёмон бўлмасин, унинг кўнглига йўл топа

оладиган, уни қадрлайдиган устозга эҳтиёжи бор. Биз айнан мана шу вазифани бажаряпмиз, дўстлар. Шунинг учун ҳеч кимнинг кўриниши, кийими, юриш-туриши, ўтмиши, ҳаётига қарамаслигимиз, ҳар бир ўқувчимизнинг эшигини, гарчи у бизга очмаса ҳам, бир неча марта тақиллатишимиз зарур. Модомики, ўқитувчи эканмиз, албатта, бунинг учун маҳшарда ҳисоб берамиз. Демак, бизнинг елкамизда мана шундай юк бор. Муаммога дучор бўлган ўқувчининг масаласини ҳал қилишнинг қандайдир йўли борлиги аниқ. Бу йўлни билмасак, муаммо ҳал бўлмайди, демак, масалани ҳал қилиш учун янги йўлларни топишга уриниш энг маъқул иш бўлади. Сизлардан илтимосим, Мөхмәтнинг мана шундай ҳолатига дуч келсангиз, ундан жаҳлингиз чиқмасин, айбларини юзига солманглар. Мөхмәт гиёхванд моддадан қандай кутулган бўлса, Худо хоҳласа, қисқа муддатда бу камчиликларидан ҳам қутулиб, ҳаммага ўрнак бўладиган инсонга айланади. Мен бу масалада ишлайпман ва ишлашда давом этаман. Мен ҳам сизлардан сизга юклатилган вазифани бајаришларингизни илтимос қиласман.

Ўқитувчилар ичаётган чой томоқларига тиқи- либ қолди. Улар Мөхмәтнинг айбларини айтиш учун келишган эди, янги келган ўқитувчидан ўзларининг айбларини эшишиб, хонадан асабийлашганча чиқиб кетишиди. Касбдошлари кетиши билан Фотима устоз Мөхмәтни хонасига чақирди.

– Кел, Мөхмәт, сен билан сұхбатлашамиз.

Ярим соатча сұхбатлашгач, тортмасига солис қўйган совғани чиқарди ва Мөхмәтга узатди. Ўқи-

түвчисининг унга совға беришига ўрганиб қолган Мөхмәт:

– Нега овора бўлдингиз? – деса ҳам хурсандлиги кўзларидан маълум эди.

Ўрамни очиб, бу сафар умуман кутилмаган нарсани кўрган Мөхмәт устозига қаради.

– Онанг сенинг ўқишингни қаттиқ хоҳлаган экан, Мөхмәт, мен ҳам сенинг онанг ҳисобланаман, шу сабабли ўқишини давом эттиришинг учун сенга мана шу китобларни, сен билан доим алоқада бўлиш учун эса телефон олдим. Лицейни сиртдан тугатгандан кейин яхши бир университетга кирсанг чакки бўлмайди, менимча, нима дейсан?

– Онамга ҳам, сизга ҳам сўз бераман, яхшилаб тайёрланиб, албатта, ўқишига кираман, устоз!

У жилмайганча устозига қараб турар экан, кутилмаганда эшик очилиб, ичкарига мудир кириб келди. Мөхмәтни кўришни кутмаган мудирнинг юзи бирданига ўзгарди ва норозилигини билдиргандек тўнг оҳангда:

– Уэр, хонада ёлғизсиз деб ўйлагандим, – деди.

– Келинг, мудир бей, Мөхмәт билан суҳбатимизни тугатай деб қолгандик, унинг қиласидиган ишлари бор, ҳозир чиқиб кетади, – дея кулимсираб Мөхмәтга қаради. – Қани, бор, ўғлим, гапларимизни унутма, тезда дарс қилишни бошла.

– Хўп бўлади, устоз, – деди Мөхмәт ва хонадан чиқиб кетди.

Уларнинг бу муносабатларини кўриб, кўнгли жойига тушиш ўрнига мудирнинг баттар жаҳли чиқди.

– Фотима устоз, аёл киши бўлганингиз учун балки оналик томирингиз уриб кетаётгандир, бу болага керагидан ортиқ марҳамат кўрсатаётган бўлишингиз мумкин, сизни тушунаман, аммо бу ернинг баъзи қонун-қоидалари, бузилмаслиги шарт бўлган ўз тартиби бор. Бугун бир неча ўқитувчидан мен эшитган гаплар менга унчалик ҳам ёқмайди, деб ўйлайман. Мөхмет ўқитувчиларга муаммо чиқараётган, уларнинг гапларига қулоқ солмаётган экан. Мен бу болага ортиқча меҳр кўрсатманг дейиш учун келдим, бироқ кўриб турибманки, сиз яна унга совға олиб, эркалатибсиз. Бундан ташқари, унинг камчиликларини айтишга келган устозларга танбеҳ беришга уринибсиз. Нима қилмоқчи эканлигингизни тушунмаяпман, лекин сизни огоҳлантираман, бу болани бошимизга бало қилманг.

Айтилган гаплардан жаҳли чиққан бўлса ҳам, ўзини хотиржам тутишга уринган Фотима устоз мудирнинг қизариб кетган юзига қаради.

– Боя ҳамкасларимга айтганимдек, бу маслада янада қаттиқроқ ишлайман, мудир бей, хавотир олманг. Ҳаракатларимиз ўкувчини бой бериш эмас, унинг кўнглига йўл топиш учундир, бунинг учун бироз вақт керак, сабрли бўлиш яхши натижа беради, менимча.

– Бир кишининг кўнглига йўл топамиз деб бошқалардан айрилиб қолмайлик тағин, сизни яна бир бор огоҳлантираман, – деди мудир.

V БОБ

Сизсиз яшаш қанчалар оғыр экан...

Кечки соат түккіз яримларда ҳаммага ётиш вақти бўлганини айтиб чиқсан Фотима устоз ўзи ҳам дам олиш учун хонасига кириб кетди.

Меҳмет ётоқда у ёқдан-бу ёққа ағдарилар, кўзиға ҳеч уйқу келмасди. Бироз тоза ҳаво олиш учун дераза олдига келиб, осмонда чақнаб турган юлдузларга тикилди.

- Бугун ҳам тушларимга кирмайсизми, она? Гул юзингизни соғинди Меҳметингиз... – дея шивирлади.

Онасини қанчалар соғинганини ҳис қилиб, хўрсиниқ аралаш мижжасидан оқсан ёшни артди. На чора, ўлимга даво йўқ экан бу дунёда!..

Энди анчагача ухлолмаса керак.

Нима қилишини билмас, телефонига юклаб олган китоблардан бирини очиб, ўқишга тутинди.

«Бу сатрларни ўқиётган ҳамма вақти-соати келиб ўлади.

Кўпчилик ёмон деб ўйлайдиган ўлим чиндан ҳам ёмонми ёки бизнинг ўлимга бўлган қарашимиз нотўғрими?..

Ўлим бир неъматдир, табдили макондир¹³, бу интиҳо эмас, аксинча абадий ҳаётнинг бошланишидир.

Инсон дунёдан кўчса ҳам, йўқ бўлиб кетмайди, иккинчи ва охирги манзили бўлмиш охират юртида абадулабад қолади.

Ўлим ҳаётнинг оғир юкларидан халос бўлиб, севгандаримизга етишишимиз учун Аллоҳнинг бизга берган энг гўзал неъматларидан биридир.

Тупроқ остидаги уруғнинг униб чиқиш учун йўл қидириб, машаққатлар тортиши унинг учун кулфатдир. Аммо ўша уруғнинг тупроқ тагидаги торгина, қоп-қоронғи оламдан чиқиб макон ўзгартириши ҳамда қуёш билан дўст бўлиши, ёмғирларга ҳасби ҳол айтиши, майсалар билан қардош бўлиши ўша кулфатнинг неъматга айланганига ҳужжатдир. Шундай экан, руҳимизни қийинокқа солган зиндонсифат бу дунёдан биз хотиржамликка эришадиган оламга ўтишимиз учун ўлишимиз, яъни макон ўзгартишишимиз ҳам неъматдир.

Ўлим – ҳарбий хизматни адo этиб бўлган аскарга берилган гувоҳномадай гап.

Ойлар давомида ҳарбий хизматни ўтаб, бу вазифанинг қийинчилекларини бошидан кечирган аскар учун ҳарбий гувоҳнома бурчини бажаргани ва эркинликка эришганини кўрсатувчи хушхабар бўлгани сингари машаққатларга тўла дунё ҳаётидан ҳузур ва ором макони ҳисобланмиш жаннат сари элтади-

¹³ Жой, маконни ўзгартириш.

ган ўлим ҳам ҳақиқий ҳурриятниг бошланғичи бўлган
абадий оламга ўтиш ҳақидаги севинчли хабардир.

Ўлим танаффус демакдир.

Дунёдаги азоблардан, зулмлардан, муаммолар-
дан халос бўлишдир. Қабрга кирган инсон учун энди
нағам бор, на алам. Дунёда қалбига озор берган ни-
маики бўлса, ҳаммаси ортда қолади, елкасида юк
бўлиб турган машаққатлардан қутулади, севган-
лари билан абадулабад ҳузур-ҳаловатда яшайдиган
охират юрти томон сафари бошланади.

*Охират – бу дунёда имон келтириб, солиҳ амал-
лар қилганлар учун ичидаги ирмоқлар оқадиган ва
улар абадий яшайдиган кўшкларда мукофотлар
оладиган жой бўлса, түғёнга кетиб, зулм қилганлар
учун эса жазо бериладиган жаҳаннам чуқурларидан
бир чукурдир!*

Онасининг ўлимидан кейин тақдирдан ҳам, Ал-
лоҳдан ҳам аразлаган Мехметнинг хаёлида ўлим
ҳақида жамланган бутун ёмон ўйлар бирма-бир
тарқалиб кетган, у ўзи учун энг катта саволнинг
жавобини топган эди. Отаси унинг кўз ўнгига она-
сими ваҳшийларча ўлдирган бўлса-да, охиратда
Аллоҳнинг онасига берадиган мукофотларини ўй-
лаган Мехметнинг кўнгли ниҳоят таскин топди.

Ўлимнинг ҳақиқий юзини билиб олгач, Аллоҳга
бўлган арази севигига айланган Мехмет мутолаани
давом эттириди.

«Ҳа, коинотдаги энг гўзал севинч, энг ширин неъ-
мат, энг соғ лаззат – бу маърифатуллоҳдир. Инсон
учун энг яхши рух ҳоли эса ўша маърифатуллоҳ ичи-
даги муҳаббатуллоҳдир.

Инсон ҳақиқий саодат, севинч, неъмат ва оромни фақатгина Аллоҳни таниш ва уни севиш билан қўлга киритиши мумкин. Зеро, инсон бошини кўтариб, ўзини унга таништиришни истаган қудратли Зотнинг ажойиб ишларига қараса, коинотдаги ҳамма нарса унинг учун яратилганлигини, қуёшнинг чироқ, юлдузларнинг эса шамлар эканлигини кўради.

Аммо, афсуски, бирордан биттагина гул олса ҳам, «У мени яхши кўради», деб ўйладиган инсон гулларнинг барини ва умуман коинотни унинг учун яратган, уни яратилганларнинг энг шарафлиси ва энг гўзали қилган Холиқини танимаганидан Раббининг уни қанчалар севишини, севгисини унинг ихтиёрига бериб қўйган неъматлари билан қўрсатаётганини тушунмайди».

Ҳаётга ҳеч қачон бундай қўз билан қарамаган Мөхмәт ўзини сўроқ қила кетди. Бу сафарги исёни Аллоҳга эмас, ўзига ва шу кунгача Аллоҳни унга гўзал шаклда тушунтирумаганларга эди.

Мен бу маънисиз
дилгирилардан Сенинг
борлигинги эслаб
кутуламан.

«Нима учун буларни олдинроқ ўрганмадинг? Нима учун бу ҳақиқатларни бизга мана шундай гўзал тарзда тушунтиришмади? Нега ўқитувчиларимиз ёки атрофимиздагилар бу маънавий хузур ҳақида гапиришмади, нега жим туришди?»

Бу кеча қўл билан ушлаш, қўз билан кўриш, овозини эшитиш мумкин бўлган бир кураш кечаси

си эмас, балки зеҳнларда имонсизлик келтириб чиқарган янгишларнинг имон ҳақиқатлари қаршиисида ичи чириб кетган қарағай мисоли йиқилиш кечаси эди.

Инсон умри учун эртанинг жуда кеч бўлишини оз бўлса-да, фаҳмлаган Мехмет мутолаани давом эттириди.

«Аслида эшигимизни кимдир тақиллатишни, кимдир йўқлаб келишини ҳаммамиз ҳам истаймиз. Эшикни очиб, ичкарига кирган инсон бизни барча дардлардан фориғ қиласди, муаммоларимизни ҳал этади деб ўйлаймиз. Баъзан эса биз хоҳламасак ҳам унинг камчиликларимизни тўғрилашига эҳтиёжимиз бўлади.

Инсон паноҳ топиш илинжида бир эшик излайди, аммо хотўғри эшикларни тақиллатади. Рабби унга ҳар куни берадиган неъматларни унутади.

Аслида Аллоҳ сенинг учун ҳар куни эрталаб қуёшлини чиқаришга мажбур эмас, сени бугун уйғотишга, ушбу сатрларни ўқир экансан, сенга ҳаво беришга ҳам мажбур эмас...

Ҳар оқшом дастурхонингни безаб турган кўкатлар, шўрва, гўшт, салатларни беришга мажбур эмас. Кўп нарсага муҳтож бир инсон бўлишинг мумкин эди балки...

Бирор марта тонгда ўрнингдан турганингда «Аллоҳим, мени бугун уйғотганинг учун алҳамду-лиллаҳ... Янги бир кун ва Сени янада яқинроқ танишим учун янги фурсат», дея севиндингми?

«Мен бугунгача бошимни умуман саждага қўймадим, берган, бермаган неъматларинг сабаб Сенга

шукр құлмадым. Мана шуларга қарамай, Сен гарчи беришга мажбур бўлмасанг ҳам менга ҳамма нарсани бердинг, Раббим» деб бутун олам эшигадиган овозда «Аллоҳу акбар!» дея олдингми?

Фақатгина намоз пайти эмас, ҳар доим унинг ҳузурида эканлигинг маҳжубияти билан «Борадиган бошқа эшигим, маъбудим йўқ, Раббим, сенсан мени едирган, кийдирган, менга ҳаёт берган... Сенсиз яшаш қанчалар оғир экан...» деганча саждада йиғладингми ҳеч?

Аслида биз Сени янгиш танибмиз, Раббим...

Маошимизни, сугуртамизни тўлашга мажбур раҳбар каби, синовга кирганимизда бизни ўтказиб юборишга мажбур деб ўйлайдиганимиз ўқитувчи каби танибмиз. Фақатгина қийин вазиятларда ёрдамга келадиган бир дўст деб билибмиз, аммо ҳар он ёнимизда эканлигинги қўра олмабмиз, Раббим!

Инсон нима ўзи? Бешта сезги аъзоси билан бутун лаззатларни олиш учун яшайдиган ва фақатгина вужуддан иборат мавжудотми?

У ҳолда руҳ қаерда қолади?

Бадани тўйдиралигандар нарсалар бору, руҳни тўйдиралигандар нарсалар йўқми? Албатта, бор...

Озиқ-овқат инсонни заҳарламайди, балки озиқлантиради. Руҳнинг озиғи имон билан бирга ибодатлар бўлиши лозимки, инсон заҳарланмасин. Дунёвий лаззатнинг ниҳояси бор, аммо руҳни тўйдирган лаззатнинг охирни йўқ. Биз тирик эканмиз, ейиш ва ичишга эҳтиёжимиз бор экан, умримизнинг сўнгига қадар ибодат қилишга, маънавий озуқага ҳам эҳтиёжимиз бўлади.

Энди түхта ва ўйлаб кўр: намоздаги сажда, рўзадаги хузур-ҳаловат ёки муҳтожга ёрдам беришдан келадиган лаззат ҳаётнинг қаерида учрайди?..

Шундай улкан коинот соҳибининг кун тартибида сен борсан, сенинг кун тартибингдан эса уч қурушилик масалалар ўрин олган...

Телефонингни йўқотсанг, беш дақиқада, ҳамёнигни йўқотсанг ўн беш дақиқада топишинг мумкин, бироқ имонингни йўқотиб ўлиб кетсанг-чи?

Унда нима бўлади?..

Ўша пайт келмасдан аввал Раббингнинг ҳузурига кел.

Денгиздан келаётган ҳавони танангда ҳис қилиш учун қўлларингни кўтар, юрагинг учрашувишнинг ҳаяжони билан урсин ва қўлларингни, юзингни сув билан учраштири, гуноҳларинг бирма-бир тўкилсин. Дунёдан бирор илинжинг қолмасин ва шунда чорасиз ҳам қолмайсан.

Ахир барча чоралар соҳибининг қаршисида чорасиз қолиш мумкинми?..

Аллоҳу акбар дейсан, дунё юки билан оғирлашган танангни оёқларинг кўтара олмайди ва тиз чўкасан...

Озодлигининг эълон қилиш учун бошингини саждага қўясан, саждадаги ишқни топишни истагандек... Ва ўша ишққа қўмилганингда саждадаги шивирлашларинг Аллоҳга етиб борганини ҳис қиласан.

Раббингнинг ҳузуридан бошқа ҳузур йўқлигини тушуниб етасан».

Бошқа борадиган жойим йўқ...

Тўрт соатга яқин давом этган мутолаа худди ўн дақиқада ўтиб кетгандек бўлди. Юрагида таърифи йўқ ҳаяжон бошланган Мехмет Раббининг уни эшитишини илк марта ҳис қилган, гўёки кўксидан оппоқ кабутар учиб чиққандек эди.

У хабар топган ҳақиқатлар зеҳнидаги янгишларни бирма-бир йўқча чиқарган, ботил тушунчалар ўрнини ҳаққа бўшатиб берганди. Мехметнинг қўзларидан бу сафар ранж-аламлар туфайли эмас, балки ўзи учун кўрган умид учкунлари юрагида пайдо қилган севинч сабабли ёш оқаётган эди.

Бу хурсандчилигини бўлишиши мумкин бўлган бири бор, ҳаялламай унинг олдига бориши керак. У тез-тез қадам ташлаб, Фотима устознинг хонаси томон равона бўлди.

Рўпарасида йиғлаб турган Мехметни кўрган Фотима устоз аввалига бироз ташвишланди, аммо унинг хотиржам ҳолатидан хавотирга ўрин йўқлигини тушунди. Мехметнинг юрагига сифмаётган сўзлар тилидан бирма-бир тўкила бошлади.

– Инсон умри учун эртангни кун жуда кеч бўлиши мумкин. Ўзимни алдашни бас қилишим ва ўзим билан юзлашишим вақти келди, бундан кейин Ал-

лоҳнинг ҳузуридан бошқа жойда ҳузур излаш йўқ. Мен бугун ўтмишимнинг қора саҳифаларини ёпиб, ҳаётимни янги саҳифадан бошламоқчиман. Менга таҳорат олишни ва намоз ўқишни ўргата оласизми?

Меҳметнинг гапларини эшитган Фотима устоз ичига сиғмай кетди. Бу лаҳзалар туш эканлигидан ва уйғонгач, ўтиб кетиши мумкинлигидан қўрқди. Бироқ бу туш эмасди, ҳақиқатни топган бир боланинг Аллоҳга илк интилиши эди. «Раббим, сен неларга қодирсан!» дея хаёлидан ўтказди Фотима устоз.

– Албата, Меҳмет, албатта, ўргатаман.

Илк бисмиллоҳини айтаётганида танасининг бутун ҳужайралари титраб кетди ва аста таҳорат олишга киришди. Кўлларини ювгани сайин ёмон хотиралари сувга қўшилиб оқди, юзини ювгани сайин ўтмишидаги зулматлар ўчиб кетди. «Ё Аллоҳ!» деб бошига масҳ тортди ва энг охирида оёқларини ювганида гуноҳларидан сув билан бирга гуноҳлари ҳам тўкилди гўё.

Жойнамозни ёзди. Нафсини Аллоҳга бағишлиайдигандек қурбон қилишга тайёрлади ва дунёни ортда қолдириб, ифтитоҳ такбирини келтира бошлади:

– Аллоҳу акбар!..

Энди бор ҳолида Аллоҳнинг ҳузурига ҳисоб беришга келгандек эди. Куръон ўқигани, гуноҳларини ўйлаган сари ҳисоб бера олмаслик маҳкубияти билан рукуга эгилди.

– Субҳана раббиял азийм...

Эй буюк Раббим, сен барча нүқсонлардан поксан, мен эса чорасизман...

Сўнг минг хижолатда саждага бош кўйди:

– Субҳана раббиял аъла...

Ҳисоб бериш осон бўлмаслигини тушунган эди.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ, – дея ўнгу чалига салом берди. Сўнг қўлларини дуога очди:

– Аллоҳим, тушундимки, сенинг раҳматинг ва мағфиратингдан бўлак менга фойда келтирадиган ҳеч нарса йўқ. Аллоҳим, Мөхмәт қулинг жуда кўп гуноҳларга кўл урди. Уни барча ёмонликларга мубтало бўлган нафси ва шайтон алдади. Дўст деб билганлари ҳар қандай ботқоқликка тортиб, бутун дунёсини гуноҳларга кўмиб ташлади. Ўйлаган нарсамни тополмаслигим мумкин деган ҳирс билан қанчадан-қанча юракларни доғлади, берилган ҳаёт неъматини писанд қилмай машиналар олдига ташлади ўзини, томирларидан танасига заҳар юборди. Аммо буларнинг баридан пушаймон бўлди ва юраги ёнган ҳолда эшигингга келди.

Мени кечир дейишга тилим бормаялти, лекин жуда-жуда чорасизман. Чунки бошқа борадиган эшигим йўқ, Сендан бошқа мени кечирадиган йўқ...

Афвингга муҳтоҗман, Аллоҳим! Сени танишга, Сени севишга, Сенинг мени севишингга муҳтоҷман. Сени топган қунимдан кейин яна қайта йўқотмаслик учун бир он ҳам мени қўйиб юбормаслигингга муҳтоҷман. Ёрдам бер!

Сен мени шунча гуноҳларим ва хатоларимга қарамай хузурингга қабул қилдинг, маҳжубиятимни таърифлашга тилим ожиз.

Умрим Сендан бехабар ўтди, лекин бундан ке-
йинги ҳаётимни Сени таниш ва Сенга ибодат қи-
лиш билан ўтказишга ҳузурингда ваъда бераман.

Менга бу йўлда ёрдам бер!

Ёлвораман, мени яна эски кунларимга қайтар-
ма, барча ёмонликлардан қочиб, сенга сиғинаман,
Аллоҳим, мени муҳофаза қил!

Зоро, мен ўзимни муҳофаза қилолмайдиган да-
ражада ожизман...



*Мен сени қўлларинг бўлсин
деб севганмидим?..*

Тонггача китоб ўқиган Меҳмет ухлаб қолган ва эрталаб кечроқ уйғонганди. Одатда бундай пайтларда кўзини бош оғриғи билан очишига қарамай, лойқалашган зеҳни анча тиниклашган, дунё учун урадиган юраги аслига қайтган, хузур эшиги унинг учун қия очилгандек бўлганди. Ўпкаси оғриётганидан тонгда турганида оғзидан моғор таъми келар, шунинг учун дарров тишини ювишга киришарди.

Юз-кўлини ювгандан кейин нонушта учун ошхонага тушган Меҳмет патнисга уч дона зайдун, бир бўлак пишлок, бир неча тилим помидор ва бодринг билан бир бурда нон олиб, столлардан бирига ўтирди. Одатда кўп овқат емайди, лекин бугун нонушталикларни янада камроқ олди, чунки тушликда кўнгиллар катта зиёфат уюштиради.

Нонуштадан кейин боқقا чиқиб, дўстлари терак дарахтининг тагидаги ўриндиқда сұхбатлашиб ўтиришганини кўрди ва ўша томонга йўналди.

- Ассалому алайкум, дўстлар, яхшимисизлар?

Унинг саломига Али жавоб қайтарди:

- Биз яхшимиз, ўзинг қандайсан? Бугун нонуштага нега кеч чиқдинг?

— Мен ҳам яхшиман, эрталабгача китоб ўқидим, шунга ухлаб қолибман. Маҳмуд, сен қалайсан жигарим?

Қалин қошлари бир-бирига уланиб кетганидан Яккақош деган лақаб орттириб олган антеплик Маҳмуд «пахлава қорин»ни¹⁴ нотўғри тушуниб, кўп овқат еяверганидан қорни ўзидан икки метр олдинга чиқиб қолган эди. Ажойиб шеваси ва беғубор орзулари билан ҳамманинг кўнглидан ўрин олган бўлса-да, у айтган латифаларга ҳеч ким кулмайди.

— Маҳмуд, негадир сени кўрсам, нуқул хаёлимга айтган латифаларинг келади. Хоҳламасам ҳам, кулгим қистайверади-да.

— Аслида унчалик кулгули эмас-ку...

— Кулгули эмаслигини биз ҳам биламиз. Мен ана шу ҳеч ким кулмайдиган латифаларингга куламан. Сен айтасан, айтасан, лекин ҳеч ким кулмайди, шундан кейин сенинг аҳволинг кулгули бўлади. Ҳозир ҳам битта айтиб бер, бир кайфиятимиз кўтарилисин.

— Мақтадингми, ёмонладингми, тушунмадим, аммо сени хафа қилмаслик учун айтаман. Тайёрмисизлар?

Аллазамонда бир ёш ўқитувчини бир қишлоқдаги мактабга ишга тайинлашибди. Ўқитувчи мактабга бориб келишида деразаларнинг бирида доим битта қизни кўрар экан. Орадан ойлар ўтибди, ўқитувчи ҳалига қизга ошиқ бўлибди ва қиз-

¹⁴ Кориндаги пресс

га «Сени севаман, совчи юбораман» деган хабар жўнатибди.

Қишлоқ жойларда, биласизлар, севишиш деган нарса йўқ, тўғри совчи юбориш керак. Қизнинг оиласидагилар ҳам унга рози бўлишибди, аммо бир муаммо бор экан. Қиз касаллик туфайли қўлларидан айрилган экан. «Менинг қўлларим йўқ, ўқитувчи мени деразадан кўрди, қўлларим бор деб ўйлаган бўлса керак», деб ўйлабди қиз. Ҳолбуки, ўқитувчи қизнинг қўллари йўқлигини билар экан. Қиз эса ўйлаб-ўйлаб охири бир тўхтамга келибди: совчи келадиган кун ўзига ясама қўл тақтирибди. Йигит қизни бу аҳволда кўриб, ҳайрон қолибди ва уни бир четга тортиб:

– Мен сени қўлларинг бўлсин деб севганмидим?
– дебди.

Латифа тугади ва ҳар доимгидек яна Мөхметдан бошқа ҳеч ким кулмади. Мөхмет эса латифага эмас, болалар ҳар сафар кулмаслигига қарамай улардан қаҳ-қаҳ отишларини кутадиган Маҳмуднинг юз ифодасига кулди.

Шу пайт уларнинг ёнига Фотима устоз яқинлашди.

– Кайфиятларинг бундан-да аъло бўлсин, болалар. Сизларни безовта қилишни истамасдим, аммо пикникка борадиган вақт яқинлашяпти. Тайёргарлик кўриб, соат иккода футбол майдонида бўлинглар. Мендан сизларга тавсия: устингизга бемалолроқ кийим, оёқларингизга эса спорт пойабзали кийинглар. Чунки у ерда анчагача ўйин ўйнайсизлар.

Ҳамма тайёргарлик кўриш учун хонасига қараб кетаётганда болалар уйининг сал нарисидаги масжид минорасидан аzon овози эшитила бошлади. Меҳмет яқин ўртада масжид борлигини биринчи марта пайқаган эди. Спорт кийимларини кийиб, бошқа керакли нарсаларини сумкага жойлаштириб, тайёргарликни тезда тутатгач, ювиниш хонасида таҳорат олди. Сўнг деворига арабчалаб «Аллоҳ» ва «Мұхаммад» деб ёзилган, полига мовий гилам түшалган масжидга бориб, намозини ўқиди. Дуо пайтида кўзи деворга осилган соатга тушди – 13:55! Зиналардан югургудек бўлиб тушиб, футбол майдонига зинғиллади ва Фотима устози кўрсатган автобусга чиқди. Автобусда «Улус, Жебежи¹⁵, Чанкай¹⁶, гардош дермиз канкага¹⁷...» кўшиғи янгарди. Пикник жойига боргунча ҳаммалари шу кўшиқча жўр бўлишди, ҳатто баъзилари рақсга ҳам тушди.

Бир соатча йўл босгач, ниҳоят Кўлбошига, сув билан яшиллик бирлашган ажойиб жойга етиб келишди. Ҳар бир ўқитувчи ўз гуруҳидагиларни тегишли жойларга жойлаштира бошлади.

Қарийб эллик кишилик жамоа пикник майдонининг катта қисмини эгаллади. Ора-сирада кўнгиллилар томонидан бундай тадбирларнинг ташкил этилиши ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам яхши бўлади, зоро, ҳаммаларининг ҳаво алмаштиришга эҳтиёжлари бор.

¹⁵ Анқарадаги мавзелар

¹⁶ Анқарадаги туман

¹⁷ Канка – қон-қариндош сўзларидан ясалган сўз; жуда яқин дўст маъносида.

Оқ-мовий катакли еттита дастурхон ёнма-ён ёзилиб, ноз-неъматлар қўйилди. Болалар уйининг эркак ўқитувчилари қўрада олов ёқиб, кабоб пиширишга киришган пайт аёл ўқитувчилар дастурхонга айрон, сочиқ, санчқи, қошиқларни жойлаштирас, бир томондан салат учун керак масаллиқларни тайёрлашарди. Кўнгиллилар эса ўкувчилар билан сухбатга берилиб кетишганди.

Фотима устоз ишини тугатгандан кейин болаларни чақирди:

– Қани, болалар, ўтиргани келдикми, туринглар, ўйин ўйнаймиз!

Ҳар томони чим билан қопланган бу жойда на тош бор, на шағал. Буни биринчи бўлиб пайқаган Али пойабзалини ечди-да, ёш бола сингари ялангоёқ чопа кетди. Бошқа болалар ҳам оёқ кийимларини ечиб, Фотима устоз олиб келган арғимчоқда сакрай бошлишди. Кўнгиллилардан икки киши арқонни ушлаб турар, кетма-кет тизилган ўкувчилар ва ўқитувчилар навбати билан сакрашарди.

Бир неча турдан кейин ҳаллослаб қолган Мөхмәт дам олиш учун ўзини четга олди ва ранг-баранг гуллар очилган майдонни томоша қила бошлади.

Кўм-кўк осмонда порлаётган күёшнинг нурлари бир онанинг барча фарзандларига бир хилда берадиган меҳри каби оқаётган сувга, турфа гулларга ва баланд чинорларга теппа-тенг тушиб турар, атрофни хилма-хил қушларнинг чуғур-чуғури тутиб кетганди.

Гарчи бир томонда арғамчидаги сакраётганлар, бир ёқда волейбол ўйнаётганлар, нариги бурчакда кабоб пишираётганлар табиатнинг бу мафтункорлигини қўпам сезишмаётган бўлса-да, Мехмет бир четда ўтирганча буларнинг барини жимгина томоша қиласарди.

Бир маҳал овқат тайёр бўлиб, ҳамма дастурхонга ўтирди. Мехмет иккита кабобни аранг еди, ортиб қолганини Алига берди. Унга қовун ва бақлажон салати кўпроқ ёққанди. Овқатдан кейин самоварда дамланган чойдан ичишди. Эркан устоз ўзи билан олиб келган созини чалиб, қўшиқлар куйлаб берди. Қорин тўйди, ўйинлар ўйналди, сухбатлар қизиди, вақт эса ғир этиб ўтиб кетди ва ортга қайтиш пайти келди. Дастурхонни биргаликда йиғишириб, атрофни тозалагач, ҳамма ушбу пикникни ташкил қилган қўнгиллиларга раҳмат айтди ва нарсаларини олиб, автобусга чиқди.

Болалар чарчаб қолган, ҳорғинликдан овозлари чиқмас, тезроқ манзилга этиб боришни исташарди...



Бу ер дин ўргатиладиган жойми?

Вакт шамол мисоли шошар, ўтмишда бир сония бир ойдек чўзилган бўлса, ҳозир эса бир ой бир сониядек тез ўтиб кетар, Мехмет Раббини танишва ибодатларни ўрганишга уринарди.

Намоз ўқишининг аҳамиятини тушунса ҳам, аввалига намозларни вақтида ўқишда қийналди, баъзиде айрим намозларни қолдирди. Лекин фикридан қайтмади, «Бир нарсага тўлиқ эриша олмасанг ҳам, ундан буткул воз кечма» қабилида иш тутишга ҳаракат қилди.

Бир куни пешин намозидан кейин масжидан чиқаётган Мехметни болалар уйининг мудири кўриб қолди.

– Тинчликми, Мехмет, масжидда нима қилиб юрибсан? – деб сўради масхараомиз оҳангда.

– Пешин намозини ўқидим, устоз.

Мудир атрофда турган ўқувчиларга қаради ва:

– Буни қаранглар, болалар, Мехмет мулла бўлиб қолибди-ку, кўз тегмасин, – деди ишшайиб.

Кимлардир мудирнинг гапларидан асабийлашар, айримлар у каби мийигида кулиб турарди.

Меҳмет эса бъзиларнинг «Ўтмишингда ким эдигу, энди нималар қиляпсан?» деган маънони ифодаловчи нигоҳларини қўриб, ҳаётида янги саҳифа очиш унга осон бўлмаслигига яна бир марта ишонч ҳосил қилди.

Бу вазиятда энг кўп асабийлашганлардан бири Арас бўлди.

– Намоз ўқиш учун, албатта, мулла бўлиш керакми, мудир бей? – деганча у томонга қараб яқинлаша бошлади.

– Ҳаддингни бил, Арас афанди, сенинг қаршингда ошнанг эмас, мудир турибди!

– Билмасам нима бўлади?!

– Билмасанг, ўзингни дарвозанинг нариги томонида кўрасан!

Арас мудирдан қаттиқ ранжиган эди.

– Сизнинг таҳдидларингиз менга ўтмайди, мудир афанди, агар яна бир марта намоз ўқигани учун шу боланинг устидан кулганингизни кўрсам, ана унда нималар бўлиши мумкинлигини бир ўйлаб кўринг! – деди ва мудирнинг ёқасидан ушлаб, силтаб ташлади. Жанжал катталашиб кетишидан хавотирланган Меҳмет Араснинг қўлидан ушлади.

– Кўй, эътибор берма, дўстим. Юр, тамаддихонага борайлик, сенга чой олиб бераман, асабинг тинчланади.

Арас эса ҳали-бери тинчланадиганга ўхшамасди.

– Нега мени бу ерга олиб келдинг, Мемо? Кўйиб берганингда юз-кўзини бежаб қўярдим ҳурматини билмайдиган бу одамнинг. Ҳа, ўзим намоз ўқимай-

ман, аммо бу менга намоз ўқийдиганларга ҳурмат-сизлик қилиш хуқуқини бермайды-ку. Түғрими? Сен ҳам бирор нима десанг-чи, ноңақманми?

Мәхмет босиқлиқ билан сўз бошлади:

– Пайғамбар алайҳиссалом бутун инсониятга раҳмат қилиб юборилган шундай марҳаматли инсон эканларки, кимнинг қандайдир дарди бўлса, унга малҳам бўлишга, кимнинг бирор муаммоси бўлса, уни ҳал қилишга уринар, инсонларнинг хатоларини тузатиб, тўғри йўлга киришлари учун ҳар доим Аллоҳга дуо қиласр эканлар. Кимдир У зотга азоб берса, фидойилик билан кўкрак кераб, ҳар қандай азиятни сабр билан қарши олар эканлар. Одамлар У зотни ҳам кувишган, устларидан кулишган, энг оғир ҳақоратларни қилишган, ҳатто намоз ўқиётгандарнида устларига туянинг ичак-чавоғини ташлаб кетишган ҳам. Аммо Расулуллоҳ уларга қаратса ёмон сўз айтмаганлар. Билъакс, «Раббим, улар билишмайди, билишганида бундай қилишмасди», дея шафқат ва марҳамат кўрсатганлар.

Ҳозир мен шундай устозга шогирд бўлишни истаб, У зотга ўхшаш учун ўзимни тузатишга уринар эканман, У зотнинг қилганларига тескари иш қиладиган бўлсан, тўғри келадими, дўстим? Бундай вазиятларда зиммамизга тушадигани мудир ва унга ўхшаганлар учун Аллоҳдан ҳидоят сўраб, кўпдан-кўп дуо қилишдир.

– Хўп, дўстим. Тўғриси, эътиroz билдиришга ўрин қолдирмадинг. Жуда тўғри айтдинг, катта

рахмат, – деди ва чойини ичгандан кейин хонасига йўл олди. Меҳмет эса Фотима устознинг хонасига йўналди.

– Кирсам бўладими, устоз? – деди эшикни тақиллатиб.

– Албатта, кел, марҳамат, – дея жавоб қайтарди устози ва ўтириши учун тери қопламали ўриндиқни кўрсатди. Меҳмет ўтириши билан гапга тушиб кетди.

– Устоз, мен Мусъаб оғанинг ёзганларини яхши кўраман. Унинг шундай сатрлари бор: «Менинг ортимда бир уммон бор, кўлимни ботириб, юзингизга бир неча томчи сув томизаман. Сиз менинг оғзимдан чиққанларга эмас, уммонга қаранглар, уммонга шўнғинглар». Мен ҳам ўша уммонга шўнғишни истайман. Устоз, эртага менга ҳам ўша қизил китоблардан олиб келасизми?

Фотима устоз хурсанд бўлиб кетган эди. «Кун келиб, Меҳмет бангиликни ташлаб, китобхонликни бошлайди, дейишса, ким ҳам ишонарди. Аллоҳ, Аллоҳ...» деди ўзига ўзи.

Меҳмет сўраган китобни Фотима устоз эртасига ёқ олиб келиб берди.

Меҳмет ишлов берилган қизил тери муқовали бу китобни қўлига олиши билан варактрай бошлиди. Илк саҳифада «Бисмиллоҳ ҳамма хайрнинг бошидир», деган сўзларга кўзи тушди. Китобга қизиқиб кетиб, мароқ билан ўқишига киришди.

Китобларга бунчалик берилиб кетганидан унинг ўзи ҳам хайрон эди.

Фотима устоз унга кундалик режа тузиб берди. Бир томондан Куръон ўқиши ўрганар, иккинчи томондан бошқа китобларни мутолаа қиласы.

Бир куни кечга яқын Мөхмәт хонада Али билан суҳбатлашиб ўтирган эди, Арас қўлида шоколадлар билан келиб қолди.

– Ассалому алайкум, қардошлар. Қарасам, сұхбатларинг роса қуюқ бўляпти, ширин ҳам бўлсин деб шоколад олиб келдим.

Бир соатча чақчақлашиб ўтиргач, Арас икки қаватли темир кароватнинг бироз юқорисида осифлик турган оқ қоғоздаги ёзувларни кўриб қолди. Унда Мөхмәтнинг кун тартиби ёзилганди:

- Намозларни беш вақт канда қилмай ўқиш.
- Камида бир соат араб алифбосини ўрганиш.
- Камида йигирма саҳифа китоб ўқиш.
- Камида икки соат дарс тайёрлаш.

Ўтмишдаги ҳаётини ўчириб ташлаган Мөхмәт намоз ўқийдиган, ҳеч кимни ранжитмайдиган, доимий равишда дарс қиласидиган ва ўқиб-ўрганадиган болага айланган, хуллас, буткул ўзгарган эди.

Ундаги ўзгаришлардан, энг аввал, Фотима устози ва яна бир неча киши курсанд бўлса-да, безовта бўлаётганлар ҳам йўқ эмасди...

Бир куни Мөхмәт ошхонада дўстлари билан овқатланиб бўлгандан кейин қўлларини очди ва дуо ўқий бошлади:

– Эй, бизни неъматлари билан озиқлантирган Султонимиз!

Бизни жаннатингга мұяссар айла, бизни марҳа-матингдан мосуво қилма. Сенга муштоқ ва миннадор бу кулларингни ўз ҳолига ташлаб қўйма.

Ё Раб! Гуноҳларимизни кечир, бизни ўзингга қул ўлароқ қабул айла. Руҳимизни жисмимизга, қалбимизни нафсимиизга, ақлимиизни амалларимизга ҳукмрон қил. Лаззатни шукр учун истайдиган қулларингдан қил.

Ё Раб! Бизга эҳсон қилганинг моддий ва маънавий ризқимизга Расули акрам алайҳиссалоту васаломнинг хурматларидан барака бергин. Омин...

Атрофида ўтирган дўстлари ҳам унга қўшилиб юзларига фотиха тортди.

– Ошна, қарасам, овқатдан кейин ҳам, намоздан кейин ҳам доим дуо қиласан. Бизнинг дуоларимиз эса сира қабул бўлмайди, нега шундай? – деб қолди Али.

– Менга қара, дўстим, масалан, бир бемор бола шифокорни чақирса ва менга стол устида турган дорини беринг, деса, доктор унга уч хил кўринишда жавоб қайтириш мумкин.

Бола саратонга чалинган ва у сўраган дори шу касалликка қарши бўлса, шифокор боланинг истаганини беради. Боланинг боши оғриётган бўлса-ю, лекин саратон дорисини сўраса, шифокор унга бош оғриғини қолдирадиган, у учун яхши фойда берадиган бошқа дорини беради. Болага умуман дори керак бўлмаса ёки у ичадиган дори зиён етказишини билса, шифокор болага умуман ҳеч нарса бермай қўя қолади.

Аллоҳ таоло ҳам ўтмишни, ҳозирги кунни, келажакни кўра билгани учун қулининг дуосига уч кўринишда жавоб қайтаради.

Ё у сўраган нарсанинг айнан ўзини беради ёки банда камроқ дуо қилган бўлса, унга кўпроқ манфаат келтирадиган кўринишда беради, ёхуд бу дунёда у истаган нарсани бермаслиги унинг учун янада кўпроқ фойда келтиришини билгани ва охиратда энг гўзал қўринишда бериши сабабли сўраганини бермайди.

Мана шунинг учун ҳам Аллоҳ ояти каримасида «Агар бандаларим сендан Мени сўрасалар, Мен, албатта, яқинман. Дуо қилгувчи дуо қилганда, ижобат қилурман»¹⁸, дея марҳамат қиласди. Бу ерда биз тушуниб олишимиз керак бўлган нарса шуки, жавоб бериш бошқа нарса, қабул қилиш бошқа нарса. Ҳар дуога жавоб қайтариш ёки сен истаган дуони қабул қилиш Аллоҳнинг ҳикматига боғлиқ, чунки Аллоҳ ҳар доим фойдалиси бўлишини хоҳлайди. Шу сабабли ҳам биз учун аслида нима фойдали бўлса, шунга қараб жавоб қайтаради.

Дўстлари Мехметга раҳмат айтар экан, уни узоқдан кузатиб турган мудир ғазаб отига минган эди. У тўппа-тўғри Фотима устознинг олдига борди. Эшиги қаттиқ тақиллаган Фотима устознинг:

- Киринг, – деган жавобини эшлиши билан хонага важоҳат билан кириб келди.
- Устоз хоним, сизни олдин ҳам бу болани ортиқча эркалатманг деб огоҳлантирганмидим?

¹⁸ “Бақара” сураси, 186-оят

— Нима гап ўзи мудир бей? Илтимос, тушунтириб гапирсангиз.

— Мехмет бошқа болаларга дин ҳақида ваъз ўқијати! Нима, бу ер масжидми ёки мадрасами? Дин ўргатиладиган жойми? Ўзининг боши айлангани етмагандек, бошқа болаларнинг ҳам бошини айлантирияпти!

Фотима устоз Мехметнинг хулқи ижобий томонга ўзгараётгани, унинг бу ҳоли ҳеч кимни безовта қилмаётганини ҳарчанд тушунтиришга уринмасин, мудир ўз билганидан қолмади.

— Эҳтиёт бўлинг устоз, ўз оёғингизга ўзингиз болта уряпсиз, — деди-да, эшикни тақиллатиб ёпганча чиқиб кетди.



Виждансиз мудир

Кўтаринки кайфиятда юрадиган Мехмет бугун эрталабдан хомуш эди. Фотима устоз қўярда-қўймай бунинг сабабини сўради.

- Онамни жуда соғиндим, устоз. Олдинлари тушимга кирадилар, сал бўлса ҳам, соғинчим босиларди, аммо анчадан бери тушимга кирмай қўйдилар.

Фотима устознинг хаёлига Мехметни хурсанд қиласидан бир фикр келди:

- Таёrlан, кетдик!

Болалар уйининг дарвозаси олдида кутиб турган таксига чиқсан Мехмет ва Фотима устоз бир соатга яқин йўл юргандан кейин қабристонга етиб келишди. Фотима устоз Мехметнинг қўлидан ушлаб олди.

- Менга биринчи марта онанг ҳақида гапириб берганингда, бир куни сени унга олиб бораман, деб ваъда бергандим. Ўша ваъдамни бажариш учун онангнинг қабрини топдим. Аслида сени бу ерга олдинроқ олиб келишни ўйлагандим, модомики, онангни соғинган экансан, мана, келдик. Ҳов аниви, бошига гуллар экилган қабр онангнинг қабри, онанг ҳам сени соғинган бўлса керак. Борақол!

Мөхмәт гүёки уни мармардан ясалган совук қабртош эмас, балки онасининг шафқат тўла қучоғи қарши оладигандек югуриб кетди.

– Онажон!..

Онасини қаттиқ соғинган эди. Ичида тўпланиб қолган, хаёлларини банд қилган қанча гап бўлса, ҳаммасини қабрнинг бошида тўкиб сочди:

– Нур юзли онам!

Кун ўтган сайин сизга бўлган соғинчим ортиб бормоқда.

Момикдек юмшоқ қўлларингизни яна бир бор юзимга босиш, яна бир марта меҳр тўла қучоғингизда бўлиб қолиш, «Онасининг қадрлиси» деган овозингизни такрор эшитиш учун жонимни беришга ҳам тайёрман.

Эсингиздами, «Яхши инсонларни рўпара қилин, болам», деб дуо қиласр эдингиз. Айтганингиз келди, она, яхши инсонларга рўпара бўлдим. Улар шунчалар яхшики, мени ботқоқликдан кутқаришиди, қорайиб кетган юрагимни нурга тўлдириб, ичидаги исённи имон билан алмаштиришди. Энди мен олдингидек исёнкор эмасман, умидворман, чунки биламанки, биз доим қочиб юрадиган ўлим ҳаммазини бир кун келиб топади ва Худо хоҳласа, сиз билан абадий ҳузурга тўла ўша диёрда учрашамиз. Ўша кун келгунча ҳақингизга дуо қиласман.

Ўқиб-ўргандимки, вафот этган инсоннинг амал дафтари ёпилар экан, бироқ солиҳ фарзандининг хайрли амалларидан вафот этган онасига ҳам савоб етиб туаркан. Сизга сўз бераман, умрим етгу-

нича ҳар доим хайрли ишлар қиласман, ҳам ўзимга, ҳам сизга фойдаси тегадиган инсон бўламан...

Ортга қайтадиган вақт бўлди. Бир неча соатни онаси кўмилган қабр бошида ўтказгандан кейин Мөхмәт ўзини анча енгил ҳис қилаётган, қақраган ернинг ёмғир билан учрашуvida бўлгани сингари жонланаётган эди.

* * *

Мөхмәт Алига ҳам намоз ўқишни ўргатди. Бир куни Али намозда хаёлига ҳар хил нарсалар келишини ва васвасага тушиб қолаётганини айтиб, бу борада маслаҳат сўради.

— Дўстим, аслида васвасаса унчалик ҳам қўрқадиган нарса эмас, чунки имоннинг борки, васвасага тушяпсан. Кунлардан бирида саҳобалардан бири Пайғамбар алайҳиссаломнинг олдиларига бориб, худди сенга ўхшаб бу ҳолатдан шикоят қилибди. Расулуллоҳ алайҳиссалом унга бунинг хавотирли эмаслигини, чунки бу имондан далолат эканлигини айтибдилар.

Денгиз қароқчиларининг хазина ташиётган кемаларга, дафиналар кўмилган оролларга ҳужум қилгани сингари шайтон ҳам мўминнинг имон жавҳарини кўтариб юрган қалбига ҳужум қиласди.

Умидсиз инсон
шайтоннинг ўйин-
чоғига айланади.

Васвасага дучор бўлган қалб ёмонлар ичига ахлат ташлаган тиниқ ва топ-тоза булоққа ўхшайди.

Ҳозир бирор хоин писмайиб келиб сувга бўёқми, ахлатми ташлаб қочса, булоқ айбдор бўлиши мумкинми? Ёки ўша ташланган ахлат билан булоқ ифлос бўлиб қоладими? Албатта, булоқнинг айби йўқ, ахлатлар уни ифлослантира олмайди, чунки Аллоҳнинг изни билан оқар сувга ташланган ахлат оқиб кетади ва сув тозалигича қолаверди. Васвасага дучор бўлган юрагинг ҳам худди шундай. Қалбининг, имонинг тиниқ ва тоза булоқдайин бўлса, уни лойқалатиш учун ташланган хас-тупроқ унга ҳеч қандай зиён етказа олмайди. Ўша хас-тупроқ оқиб кетади, сенинг булоғинг эса ҳар доим тозалигича қолаверади. Лойқаланишнинг манбаи булоқнинг ўзи эмас экан, хавотирга ўрин йўқ.

Қолаверса, васваса амалда акс этмаса, инсон унинг учун масъул бўлмайди. Зоро, инсон билиб туриб қилган иши учун жавоб беради.

Васвасаларга эътибор бермасанг, уларни юрагингга яқин олмасанг ана шунда сенга зарап етказа олмайди. Ўзинг ҳам биласан, ари уясининг ичида юзлаб арилар бўлади, лекин сен уяга тегмай ўтиб кетасан. Васвасага нисбатан ҳам худди шундай йўл тут.

Али ўзини қийнаб турган саволларга жавоб топганидан кўнгли хотиржам бўлган эди.

– Аллоҳ, сендан рози бўлсин, ўртоқ, сўзларинг менга малҳамдек таъсир қилди, – дея миннатдорчилик билдириди.

Сўнг икковлон пешин намозини ўқиш учун масjidга равона бўлишди.

* * *

Үқиётган китоблари Мөхмәтнинг имонини мустаҳкамлаб, ахлоқини гўзаллаштираётган эди. У ни маики ўрганса, дўстларига ҳам илинар, улар билан сұхбатлашишни яхши кўрарди.

Кунлардан бирида мудир яна важоҳат билан Фотима устознинг хонасига кириб келди.

– Эшитганларим тўғрими, устоз хоним? – дея сўради мудир ўсмоқчилаб. Лекин жавобни кутиб ўтирмай гапини давом эттириди: – Биз Мөхмәтни болалар уйига ва болалар уйининг қоидаларига мослаштиришга уринаётган бир пайтда уни онасининг қабрига олиб бордингизми? Тўғриси, нима дейишни билолмаяпман, услубингизни тушуна олмаяпман! Ўқитувчиликни қаерда ўргангандингизни суриштириб кўриш керак.

Диний маълумотларни ўргатиш бу боланинг руҳиятини баттар бузяпти, болага бунақа нарсаларни сингдирманг деб сизни неча марта огоҳлантиришга уриндим, сиз эса негадир мени тушунмадингиз.

Баъзи ўқитувчи дўстларимизнинг шикояти ҳам менинг фикрларимни тасдиқляяпти. Энди бу ерда ишлишингизни маъқул деб билмайман, Фотима хоним. Сиз ишдан бўшатилдингиз!

Фотима устоз ишдан бўшатилганига қўпам ҳайрон қолмади. Ислом йўлидаги курашлар Аллоҳнинг наздида асло зое кетмаслигини билганидан умидсизликка тушмади, аксинча ғайратига янада ғайрат кўшилди.

— Йирик ғалабалар кичкина мағлубиятлар билан озиқланади. Кўрамиз, бизни қандай катта ғалаба кутиб турибди экан. Кўрамиз Мавло найлар, найларса, гўзал айлар,¹⁹ – деди.

Сўнг боғдаги терак тагида ўтирганча китоб ўқиётган Мехметнинг ёнига борди.

— Яна мутолаами, Мехмет?

— Ҳа, устоз. Китобни ўқиб, бошимдан ўтганларни ўйлаганим сари ҳайратга тушяпман. Қаерлардан қаерларга келдим? Ўтмишдаги ботқоқликдан бу нурга қандай етишдим? Менимча, энди ҳаммаси яхши кетяпти, устоз, нима дейсиз?

Фотима устоз умидларга тўла бу лаҳзаларда Мехметга нохуш хабарни айтишга юраги бетламади, лекин бошқаларидан эшитишини ҳам истамайди.

— Биласанми... сенга бир нарсани айтишим керак...

— Эши таман, устоз.

— Баъзи сабабларга кўра ишдан кетишим керак, бироқ устоз мени ташлаб қўяр экан-да, деб ўйлама. Сени асло ташлаб кетмайман, деб ваъда берганман ва ўлгунимча шу ваъдамга содикман. Шунчаки, энди камроқ кўришамиз, холос.

Устозининг ишдан бўшашига сабабчи ўзи эканлигини фаҳмлаб турган бўлса-да, Мехмет бу ҳақда унинг ўз оғзидан эшитмоқчи бўлди.

— Хўп, аммо нега ишдан кетяпсиз?

¹⁹ XVIII асрда яшаб ўтган турк мутасаввифи ва олими Иброҳим Ҳаққининг шеъридан олинган мисра.



- Шароит шуни тақозо қиляпти. Эслаб күргин-а, шу кунгача ўқиганларимиздан нималар ўргандик? Биз хайрли деб билганимизда ёмонлик, ёмонлик деб билганимизда эса хайр бўлиши мумкин. Аллоҳ билади, биз эса билмаймиз. Балки бизни янада яхшироқ кунлар кутаётгандир, Мөхмәт.

- Ҳа, бошимизга тушган ҳамма нарсада бир хайр бор, устоз. Нима ҳам дердим, Аллоҳ биз учун ҳар нарсанинг хайрлисини берсин...



VI БОБ

Янги саҳифа

Фотима устоз ишдан кетгач, Мөҳмәтни Эбру устознинг гуруҳига қўшиб қўйишиди. Мөҳмәт устозининг кетганидан хафа бўлса-да, қўлидан унга берган ваъдасида туришдан бошқа нарса келмади. Устози эса унинг аввалги ҳолига қайтиши мумкинлигидан хавотирланиб кунора қўнғироқ қиласар, дарсларини тайёрлаб-тайёрламаганлигини сўрар, Эбру устоздан Мөҳмәт ҳақида суриштирарди.

Орадан ойлар ўтди. Фотима устоз қайсиdir бошланғич мактабда иш топган эди. Ўн олти ёшга эндиғина қадам ташлаган Мөҳмәтнинг эски ҳолидан асар ҳам қолмаган, катталардай фикрлайдиган бўлганди. У ора-сирада, дам олиш кунларида устози билан учрашар, ундан маслаҳатлар оларди. Фотима устоз ўргатган дуоларни тезроқ ёдлашга ҳаракат қиласарди.

– Устоз, тушундимки, инсон ҳәётнинг алдамчи ўйинларига қарши намозни ўзига қалқон қилиб олмаса, тоқат қилиб бўлмайдиган аҳволга тушаркан. Фақатгина ҳәёт билан енгил нафас олиш мумкин экан, мен эса шунча вақт ҳавосиз қолганимни билмабман. Раббимга шукрлар бўлсин, менга шундай гўзал бир эшикни очдики, ҳар сафар ўйлаганимда ҳайратга тушаман. Олдинлари одамларни қандай чув тушираман деб бош қотирган бўлсам, ҳозир суралар ва дуоларни ёдлаб, Аллоҳ менинг қайси ҳолимдан кўпроқ рози бўлади, деб ўйляяпман. Сизга ҳам ажойиб туйиляпти, тўғрими?

Фотима устоз чиндан ҳам, кўп ҳайрон қолар, Мөхмәт ҳақида кўп ўйлар эди. Демак, инсон қанчалик ботқоққа, гуноҳга ботган бўлмасин, имонга эришиб, ҳидоят топгандан кейин худди қайта туғилгандек бўлар, ҳаётида мутлақо янги, оппоқ саҳифа очилар экан.

– Ҳа, Мөхмәт, шундай. Унутмаслик керакки, ботқоқликни балчиқ тўлдиради, тоза ва тиник дарёни эса ёмғир. Алҳамдуллилаҳ, Аллоҳ қақраб қолган қалбларимизга раҳмат ёмғирларини ёғдирди, ғафлат пардалари йиртилиб, тошдек қотган қалбларимизда яна гуллар очилди. Ҳозир муҳими бундан кейингилари. Модомики, биз бу гўзалликларни ўз вақтида истак-хоҳишимиз билан кўлга киритмадик, энди биз учун очилган бу йўлни қадрлашимиз, уни қўлдан бой бермаслик учун тинмай шукр қилишимиз керак, шундай эмасми?..

Меҳмет кунни ҳар қачонгидан-да күтариинки кайфият билан бошлади. Ўртоқлари билан бироз суҳбатлашгач, китоб ўқиши учун боғ томонга қараб кетди. Ҳар куни мутолаа қилиш, ўргангандарини дўстларига ҳам ўргатиш унинг ғайратини оширяпти, кўпроқ китоб ўқигиси келяпти.

Кўлидаги китобни эндиғина вараклай бошланган эдики, бир неча дўсти у томонга яқинлашаётганини кўриб қолди. Кулимсираб келишаётганига қараганда, журсанд қиласидиган нимадир айтишмоқчи.

- Ассалому алайкум, дўстим, - дея салом берди улардан бири.

У шундай гапларни гапирдики, Меҳмет қабристонда онасига берган ваъдасининг уддасидан чиққанини илк бор ҳис қилди.

- Бизга ҳақиқатларни айтиб, қўзимиз очилишига сабабчи бўлганинг учун Аллоҳ сендан рози бўлсин. Гапларинг туртки бўлиб, бироримиз намоз ўқий бошлади, кимдир гиёҳвандлик балосидан кутулди, яна биримиз ҳаром ишларни тўхтатди. Биламиз, мудир бей сени унчалик хушламайди, аммо

асло таслим бўлма, ўзинг учун ҳам, биз учун ҳам кураш...

Таслим бўлиш у ёқда турсин, бу эшигнларидан кейин янада ғайрати жўшган Мөхмәт мутолага, сабоқларга қаттиқроқ киришди.

* * *

Кунлардан бирида китобга берилиб ўтирган эди, Араснинг яқинлашганини сезмай ҳам қолибди.

- Қалайсан, Мемо? – деди у салом бергач. Арас нимадандир хафага ўхшарди.

- Мен-ку яхшиман, лекин сен яхшига ўхшамаяпсан. Тинчликми, нима бўлди?

- Айтганим билан тушунмайсан барибир. Умуман, ҳеч ким тушунмайди...

- Сен олдин гапир-чи, тушунаманми, йўқми, кейин кўрамиз.

- Қаттиқ севдим, Мемо, жуда ҳам қаттиқ севдим. Ҳаётимни унга бағишладим, лекин у нима қилди? Фактагина унинг учун урадиган бу юракка хиёнат қилди, тушуняпсанми, хиёнат қилди! Юрагим оғрияпти, Мемо, қаттиқ оғрияпти! Худди кўкрагимни нимадир босиб тургандек, нафас ололмаяпман, ҳаво етмаяпти! Бу азобни, бу аламни қандай таърифлашни ўзим ҳам билмайман...

- Эҳ, дўстим! Баъзан ҳамма нарса беками кўст бўлса ҳам, инсоннинг нафас олиши қийин бўлади. Ичидан уни домига тортаётган, уни ғарқ қилаётган яширин уммон бор, лекин инсонлар буни тушунмайди.

Шундай пайтларда «Томирларимгача сингиб кетган севгим бор, аммо мени ҳеч ким тушунмайди!» дея вовайло қилгинг келади. Ҳолбуки, ўткинчи муҳаббатни томирларимгача сингиб кетган дейсану, сенга шоҳтомирингдан ҳам яқинроқ эканлигини айтган Аллоҳ ҳақида умуман фикр юритмайсан. Раббингга кўрсатишинг керак бўлган севгингни гарчи нолойиқ бўлса-да, вафоси йўқ қизга, лавозимга, уйга, машинага, яна бир нималарга берасан, охир-оқибат алам билан бунинг жабрини тортасан. Аввалига ҳамма нарса кўзингга чиройли кўринган, юрагингни ҳаяжон чулғаган, лекин тимсоҳнинг терисини шилиб, ундан сумка ясаб олган қиз мени қай аҳволга солади, деб сираям ўйламагансан.

– Уни қаттиқ севган юракни қандай қилиб худди ҳеч нарса бўлмагандек ташлаб кетиши мумкин? Энди унинг севгиси бўлмай туриб, бу юрак не ишга ярайди, дўстим?..

– Шуни билки, сен ҳис қилган севгини сенга тухфа қилган аслида ўша қиз эмас. Чексиз севгини қалбиннингга солган Зот уни ҳеч иккиланмай сени ташлаб кетадиган ўткинчи муҳаббатга, бир тебранишдаёқ вайронага айланадиган иморатларга, битта касаллик билан қўлдан кетадиган мавқега, хуллас, чеки ва якуни бўлган нарсаларга сарфлашинг учун бермаган.

Сен ҳис қилаётган
нарса аслида
ёлғизлиқ эмас, Аллоҳга
узоқлигингdir...

Айтайлик, бизда битта жўмрак бор ва у бир соатда денгизни тўлдира олади. Мана шу жўмракда қанчалик кучли босим борлигини тасаввур қиляпсанми? Улкан, устида ҳатто сёргинг билан шуғулланиш мумкин бўлган босим бор. Шу жўмракка бизнинг болалар уйининг боғидаги шлангни уласам, нима бўлади? Шланг ёрилиб кетади. Хўп, сен боқийни севишинг учун берилган юрагинг фақат фонийни севиш учун урадиган бўлса, нима бўлади? Жароҳатланади, азобланади.

Мөхмәт гапиргани сайин Арас бошини баттар эгар, чуқур ўйга толган эди.

– Корун ҳақида эшитган бўлсанг керак, ўз давридан ҳаммадан бой эди. Нафақат энг бадавлат киши, балки энг золимлардан бири ҳам эди. Хўш, ўша инсон ҳозир қаерда? Ернинг тагида ва чорасиз аҳволда.

Ўзингни бирор марта ҳисоб-китоб қилиб кўрдингми? Бир ўзинг ётадиган қабрда сенга ким ёки нима ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрингми?..

Кел, озроқ футбол тўғрисида гаплашамиз, сен бу ўйинни яхши биласан. Бутун дунёда футбол учун жуда катта пуллар сарфланади, тўғрими? Минглаб стадионлар, маҳсус майдонлар, жамоалар, футболчилар, формалар, ишқибозлар, телеканаллар ва ҳоказо, ҳаммаси шу ўйин учун. Худди шу занжирнинг ичидан биргина тўпни олиб қўйсам, нима бўлади? Тизим бузилади, шундай эмасми? Мана, сен ҳам бутун умрингни бир қиз-

га бағишилдаяпсан, ҳамма нарсангни унинг учун сарфлайпсан, мана шу сарфлаганларинг ичидан Аллоҳга бўлган муҳаббатингни чиқариб ташлачи. Тўпсиз футбол ўйини қанчалик маънисиз бўлгани сингари ҳаётинг ҳам шундай маъносиз бўлиб қолади.

– Агар бирор аблажлик қилганимда, бу азобларнинг сабабини тушунган бўлардим. Бир неча қизнинг кўнглини бир вақтнинг ўзида овласам ҳам, тушунган бўлардим. Аммо мен чинакамига севдим, мардларча севдим, у менинг ҳалолим дедим, ундан бошқа бировга қарамадим. Менга бундай ноҳақликни раво кўрмаслиги керак эди!

– Тушунарли. Сенга бир савол бераман. Айтайлик, мен подшоҳман, сен эса менинг ишларимни бажарадиган ишчисан. Бир куни сенга минг тилла бериб, масжид қуришингни истасам, менинг истагимни бажо келтирсанг. Масжидни курдирган сен бўласанми ёки мен?

– Албатта, сен бўласан. Чунки пул сеники, мулк сеники, ишчилар сеники, лойиҳа сеники, ҳамма нарса сеники.

– Тўппа-тўғри! Агар подшоҳ айтганидек масжид эмас, майхона қурсанг, шу туфайли номингга доғ, бошингга эса турли ташвишлар тушса, подшоҳ сени қамоққа ташласа, турли-туман азобларга гирифтор бўлсанг, айбор сен бўласанми ёки подшоҳ? Албатта, сен бўласан. Чунки сенга масжид курилиши учун берилган минг тиллани ақлсизларча ва инсофсизларча ўғирладинг, нафсинг ва шайтон-

нинг гапига кирдинг, алал-оқибат азобу аламларга дучор бўлдинг.

Шундай экан, Аллоҳ сенга уни яхши кўришинг учун берган севиш қобилиятини бехуда ҳислар, қабрда ёнингда бўлмайдиган молу мулк, минишга кўзинг қиймайдиган машина ва ёлғончи амаллар учун увол қилсанг, бунинг учун жавоб беришингга тўғри келади.

Чунки Раббинг сени саждаларда кутади, сен эса ўзи ожиз бўлган кимларданdir мадад кутасан. Севгилинг ҳақида гапир десак, уч қун тинмай сўзлайсан, аммо Раббинг ҳақида гапир десак, овозинг чиқмай қолади. Хуллас, сен Раббингни севгилингни танишга уринганчалик танишга ҳаракат қилмадинг. Мана энди азобга учраб ўтирибсан...

– Мөхмәт, дўстим, жимжимадор қилиб гапиряпсану, лекин Аллоҳ мени яратаетганида мендан сўраганмиди яралашни хоҳлайсанми деб? Сўраганида, балки истамаган бўлардим, ҳозир шунча ташвишга учрамас эдим.

– Кел, энди сен билан сафарга чиқамиз. Бир кема бизни кимсасиз оролга олиб бориб ташлаганлигини тасаввур қиласайлик. У ерга етиб борганимизда қарасак, бизни олиб келган кема бошқаларни олиб ортга қайтаяпти. Орол эса роса меҳмонбоп қилиб безатилган. Ер юзи – дастурхон, баҳор шу дастурхондаги гулдаста. Асаларилар – қандолатчилар, денгиз – сархил гўшт омбори, эчкилар, кўйлар ва сигирлар – сут булоқлари, оролдагиларнинг бари – дастурхон атрофидаги меҳмонлар.

Ҳар бир тирик жоннинг ўзига тегишли ризқи, яшаш шароити бор.

Қўлимиз титраса, пиёлада биз олиб кетаётган сув тўкилиши мумкин. Лекин оролга нигоҳ ташласак, ўз атрофида соатига 1670 километр тезликда ва қуёшнинг атрофида соатига 108 минг километр тезлик айланишига қарамай, ундаги денгизлару уммонлар тўкилиб кетмаётганини, тоғлар қулаб тушмаётганини, ундаги жонзотлар у ёқдан-бу ёққа чайқалмаётганини, аксинча, барча ҳаракатлар бир маромда давом этайдигини кўрамиз.

Шу аснода яна атрофга назар соламиз ва асаларига дуч келамиз. Асаларилар омон қолиши учун уянинг ичидаги ҳарорат 35 даражада бўлиши керак. Ҳарорат 30 даражада бўлса, болалари ўлади, 40 даражада бўлса ҳам. Ҳарорат тушиб кетса, асаларилар уянинг устида титраб, худди иситгичдай уни иситади. Ҳарорат кўтарилиб кетганида эса визиллаб қанот қоқканча салқинлатишади. Мана шундай оғир курашга биз дуч келгудай бўлсак, хаёлимизга фарзандларимиз ва уйимиздан бошқа ҳеч нарса келмаслиги аниқ. Асаларилар эса ҳам курашиб, ҳам улар учун мутлақо нотаниш бўлган бизлар учун асал ишлаб чиқаради.

Оролни кезишда давом этамиз. Бир жойда озроқ қум, цемент ва сув кўрсак, улардан бетон қориши мумкинлигини биламиз. Булардан ёғоч стол ясаш фикри умуман хаёлимизга келмайди, чунки бунинг иложи йўқ-да. Дейлик, катта-кичик учта тухумни кўриб қолдик, лекин учаласининг ҳам

ичида оқи ва сариги бор. Вақт ўтиши билан тұхумларнинг биридан каптар полапони, иккинчи сидан товуқ жүжаси, учинчисидан эса миттигина товус чиқади. Цементдан ёғоч стол ясалгудек ёки асаларилар қулупнай мураббо ишлаб чиқаргудек бўлса, ҳайратга тушамизу, жони йўқ тухумдан турли паррандаларнинг чиқишига ҳайрон бўлмаймиз.

Баъзан ўзимизни муаммолар гирдобида қолиб кетгандек ҳис қиласиз, бундай ҳолатларда тұяқуш мисоли бошимизни қумга тиқиб ҳам оламиз баъзан. Ўзимизни бир лаҳзанинг ичига қамаб қўямиз ва бошқа гўзалликларни умуман кўролмаймиз. Инсон ўзи яшайдиган оролда қанчалик қадрланишини тушуниб етса, биргина воқеани юрагига яқин олиб, баҳтсиз бўлиши мумкинми?..

Аминманки, ҳаммамиизда ҳам ҳаётимиизда шукр қилишимиз керак бўлган нарсалар жуда кўп.

Аллоҳнинг мени сиз каби кўнгли очиқ дўстларга ва Фотима устозга дучор қилиши, устозимизнинг биз учун қилган фидойиликлари, бугун бу ерда сен билан суҳбатлашишимиз – буларнинг бари шукр қилишимиз учун сабаблардир.

Биз фақир ва мұхтож инсонлармиз, лекин бебаҳо бойликнинг ичидамиз. Гоҳида ёмонликка бериламиз, гуноҳларга ботамиз. Чин дилдан пушаймон бўлиб, тавба қилгач, гуноҳларимиз кечилади, биз учун жаннат эшиклари очилади.

Буларнинг бари Алоҳнинг бизни севишига далил эмасми?

Сен қаттиқ севгандим, азобланяпман, ҳеч ким мени тушунмаяпти деяпсан. Менга ишон, баъзан Аллоҳнинг бизни қутқарганини тушунмаганимиздан буни айрилиқ деб ўйлаймиз. Бизнинг қанчалик қадрланишимизга бир қарагин-а: Аллоҳ, бизни йўқдан бор қилди, кўришимиз учун кўз берди, томоша қилишимиз учун гўзалликларни яратди. Ошқозон берди, бандам баҳраманд бўлсин деб ер юзини турли неъматларга тўла дастурхон каби яратиб қўйди.

Кулоқ берди, унга энг ҳикмат билан ўзига хос шакл ато этди. Чумолиларнинг юришини ёхуд танамиздаги атомларининг бир-бири билан алоқасини, дунёнинг айланишини ва қуёшдаги портлашларни эшитганимизда нима бўларди, бир ўйлаб қўр.

Биз шунча неъматнинг бирортаси учун на тўлов тўлаймиз, на уларни олиш учун қаергадир мурожат қиласиз. Аллоҳ, бизни севгани учун биз талаб қилмасак ҳам, ўзининг туганмас хазинасидан берган.

Нафас олишимиз учун кислородни, ўпкани, танамиздаги зарарли моддалар сузиб олиниши учун буйракни, қаддимиз тик бўлиши учун вужудимиздаги суюкларни, асаб ҳужайраларини, яна қанчадан-қанча, санаб адo қилиб бўлмайдиган неъматларни ато этган.

Агар бизни чиндан ҳам севмаганида, қадрламаганида, бизга яхшилик соғинмаганида шунча неъматни бериб қўярмиди? Албатта, бермасди.

Мана шунақа, дўстим.

Оролда шунча нарсани томоша қилгандан кейин инсоннинг хаёлига уч савол келиши керак:

– Мен кимман? Бу ерда нима қиляпман?

– Бу оролга қаердан келиб қолдим?

– Оролни тарк этаётганлар қаёққа кетяпти?

Тушуниб турганингдек, орол деб атаётганим биз яшаётган мана шу дунёдир. Оролга олиб борилган инсонлар эса бизмиз. Бу дунёга баъзи ҳикматлар учун юборилдик. Ҳозир сенга ана шу юзлаб ҳикматлардан иккитасини айтиб бераман.

Биринчиси: ҳар бир жамол ва камол соҳиби ўз жамол ва камолини кўришни ва кўрсатишни истайди.

Масалан, жавонингда бир қанча кийимларинг бор, тўғрими? Ҳар гал сени ҳар хил кийимда кўраман. Хўш, нега доим ҳар хил кийинасан? Кийиниб бўлганингдан кейин ойна қархисига ўтиб, нега ўзингни томоша қиласан? Чунки ўз чиройини кўришни ва бошқаларга ҳам кўрсатишни истайсан.

Шуни билки, Аллоҳ таоло ҳам яратган гўзалликларини кўрсатишни истайди.

Энди биз нима учун яратилганмиз деган масала га келсак. Бирор марта чиройли кийимларингни кийиб, бирор қушдан «Хўш, қалай бўлибман?» деб сўрадингми? Сўрамаганингга ишончим комил. Ёки бирор рассомнинг «Мен бу кўргазмани ҳайвонлар учун очяпман, расмларимнинг уларга ёқиши мен учун жуда муҳим», деганини эшитдингми? Аминманки, бунақа нарсага ҳам гувоҳ бўлмагансан.

Чунки инсон ўзидаги чиройнинг ақлли ва эс-хуши жойида бўлган инсон томонидан кўрилишини, маъқулланишини хоҳлади. Шу сабабли ҳам Аллоҳ ўзини тоғлар, тошлар, ҳайвонот ва набототга эмас, бизга – инсонларга танитишни истаган, бизни шу мақсадда яратган.

Иккинчи ҳикмат қўйидагича: мулк соҳиби мулкини ўзи истагандек тасарруф қиласди.

Масалан, сенинг машинанг бор, машинанинг фақатгина ўнг орқа ғилдираги менга, қолгани эса сенга тегишли. Мен истаган пайтим келиб, ўша ғилдиракни ечиб олишим мумкин, тўғрими? Хоҳласам устида ўтириб чой ичаман, хоҳласам гаражга ташлаб қўйиб, умуман ишлатмайман. Балки сенга берарман, сен эса уни машинангга ўрнатасан. Чунки ғилдиракнинг эгаси менман ва мулкимни истаганимдек ишлатаман, ундан хоҳлаганимдек фойдаланаман. Ёки сенга тегишли уйга келиб, буйруқ бера бошласам. «Арас, бундан кейин уйингнинг деворларини пушти рангга бўйсан, кондиционерни уй ичкарисига эмас, балконга ўрнатасан. Ванна, ошхона, ётоқхонадан фойдаланмайсан», десам.

Бундай вазиятда сен нима дейсан? «Сен кимсанки, менинг уйимга аралашяпсан?» деб мени ҳайдаб чиқарасан, тўғрими? Чунки мулк соҳиби сенсан ва мулкингни истаганингдек тасарруф қиласан, мен сенинг мулкингга аралаша олмайман.

Айтмоқчи бўлганим шуки, ҳар бир мулкнинг ўз эгаси бор.

- Яъни бизнинг соҳибимиз Аллоҳ ва У бизни истагандек тасарруф қиласи демоқчимисан? Бу ергача тушундим, аммо кимдир бой, кимдир факир, бири туғма кўр, яна бирининг оёғи йўқ. Буларни қандай изоҳлайсан?

- Дўстим, одатда инсон икки кўз, икки қўл, бир оғиз билан дунёга келади, тўғрими? Аммо Аллоҳ сен айтганга ўхшаш инсонларни яратиб, бизга демоқдаки, «Мен қонунларга тобе эмасман, қонунлар менга тобедир. Менинг ишимга ҳеч ким аралаша олмайди, истасам, қонунларни ҳам бузиб, мана шу кўринишда яратаман».

Бир ўйлаб кўргин-а, биз Аллоҳга уни бундай қил, мана буни ундан қил, деб унинг ишларига аралаша олсак эди, унақада у Аллоҳ бўлармиди?

Аллоҳ буни шундай, уни бундай яратганда эди, дейишига ҳаққимиз йўқ, чунки Аллоҳ ҳамма нарсани энг ҳикматли ва энг гўзал шаклда яратган.

- Гап очилганда, сенга анчадан бери мени қизиқтириб келаётган яна бир саволни берсам. Айтишадики, сизлар алмийсоқда²⁰ Аллоҳга ваъда

²⁰ Яратилишдан олдин Аллоҳнинг инсонларга «Мен Раббингиз эмасманми?» деб сўраши ва инсонларнинг «Ҳа, Раббинизсан», деб тасдиқлаши. Куръони каримнинг «Аъроф сураси, 172-оятида шундай марҳамат қилинади: «Раббинг Бани Одамнинг умуртқа поғонасидан, қиёмат куни бундан ғоғил эдик, демасликларингиз учун, зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: «Раббингиз эмасманми?» деганида; «Худди шундай! Гувоҳ бўлдик!» деганларини эсла».

Бу ояти каримада гаройиб бир ҳолаҳ таъриф этилмоқда. Аллоҳ таоло Ўзига маълум бўлган бир пайтда, даври қиёматгача дунёга келадиган барча одамларни оталарининг субидан уруғ-

бергансизлар, аммо мен бундай ваъда берганимни эслолмайман.

– Ҳа, Аллоҳ бизга «Мен сизларнинг Раббингизманми?» деб сўраганида, биз «Ҳа, сен бизнинг Раббимизсан» деганимиз. Аммо буни эслолмаймиз, шунингдек бошқа нарсаларни ҳам хотирлай олмаймиз. Масалан, сен онангнинг қорнидаги ҳолингни эслай оласанми?

– Йўқ.

– Табиий ҳол, мен ҳам эслолмайман. Ҳўп, бизнинг она қорнидаги ҳолимизни эслай олмаганимиз ўша давр бўлмаган деган маъно берадими? Йўқ, тўғрими? Худди шундай, алмийсоқда берган ваъдамизни эслай олмаслигимиз бундай вазият бўлмаган деган маънони бермайди. Дўстим, аслида бу коинотдаги ҳодисаларнинг кўпи ҳайратланарлидир, аммо қалбларимиз қаттиқлашиб қолганидан ҳайратга тушмай қўйганмиз. Масалан, ҳозир чўнтағимдаги ҳамённи чиқариб, стол устига қўйсам ва «Қара, би-

ликларни чиқариб олган ва ўша уруғликларга: «Раббингиз эмасманми?!» деб савол берган. Бу саволни беришдан биринчи мақсад уларни ўзларига гувоҳ қилиш бўлса; иккинчи мақсад қиёмат куни бундан ғофил эдик, демасликлари учундир. Мазкур илоҳий саволга ҳамма зурриётлар: «Худди шундай», яъни, «Албатта, Сен Раббимизсан, гувоҳ бўлдик», деб жавоб беришган. Шунга биноан инсон уруғлик пайтида, яъни она қорнига ўтганда ва инсон бўлиб яралганда, Аллоҳнинг Рабб эканлигини эътироф этгувчи табиат соҳиби бўлади. Яъни Аллоҳ таоло уни шу ҳолда яратади. Қисқаси, одам боласи онадан Аллоҳ тавҳидини тан оладиган соғ табиат билан дунёга келади. Чунки унинг ўзи уруғлик ҳолидаёқ Аллоҳга ал-мийсоқ – аҳду паймон берив қўйган. Инсоннинг ушбу ал-мийсоқка – аҳду паймонга содик қолиши ёки хиёнат қилиши кейинги омилларга боғлиқ (манба: «Islam.uz»).

родар, бу ҳамённинг тугмасига боссам, у марказий банкка айланади», десам ишонасами?

– Кўйсанг-чи, албатта, ишонмайман.

– Бунга ишонмайсан, лекин оддий тухумдан минг хил тусга эга гўзал товуснинг чиқишига қандай ишонасан?.. Демак, Аллоҳ таоло коинотдаги ҳайратга солувчи ҳодисаларнинг бир қисмини биз тафаккур қилишимиз учун худди товус сингари бизга кўрсатиб қўйган. Қолганларини эса дунё имтиҳонининг ҳикмати бузилмаслиги учун кўрсатмаган...

Арас Мөхмәт билан бир неча соат сухбатлашиб ўтирди, хаёлини банд қилган шубҳаларнинг жавобларини олди. Мөхмәтнинг ёнидан қайтаётганида ўзини енгил ҳис қилаётган эди.



Орзу

Мехмет ўзи ўқийдиган кўпгина китобларнинг муаллифи билан учрашишни анчадан бери истаётган эди. Шунинг учун Фотима устозга қўнғироқ қилиб, Мерсинга бормоқчи эканлигини айтди.

– Бир куни, албатта, сени у ерга олиб бораман, Мехмет, – дея жавоб қайтарди устози. – Эртага эса бошқа режаларимиз бор, сени «Хожа Байрам Валий» масжидига²¹ жума намозига олиб боришни ййлаб турибман. Бизга Эбру устоз ҳамроҳлик қиласиди.

Бу хабар Мехметни хурсанд қилиб юборди. Энг бежирим кийимларини тайёрлаб, эртанги кунни интиқлиқ билан кута бошлади...

Устозлари билан масжидга келганида Мехметнинг эътиборини биринчи бўлиб тортган нарса у ернинг худди байрамдагидек гавжумлиги бўлди. Гўё одамлар ишини ташлаб, катта байрамни тантана қилгани келгандек.

Намоздан кейин одатдагидек онасининг ҳақига дуо қилди.

– Жоним онам... Биламан, тупроқнинг остида, торгина қабрдасиз, Раббимдан қабрингизни кенг

²¹ Анқаранинг Улус мавзесида жойлаган, 1427-1428 йилларда курилган масжид.

ва ёруғ қилишини сўрайман. Кутинг, онажон, кўп ўтмай мен ҳам ёнингизга бораман. Умидим шуки, жаннатда тўйиб-тўйиб қучоқлашамиз, олдингидек тиззангизга бош қўяман, сиз бошимни силайсиз...

Масжиддан чиқиб, устозлари уни кутиб ўтирган емакхонага борди.

Мөхмәт одатда кўп савол бермайди, лекин бугун устозидан бир масала ҳақида сўрамоқчи эди. Овқатининг ярмини еб бўлгач, сабри чидамай Фотима устозга қаради.

- Устоз, нима деб ўйлайсиз, Аллоҳ отамнинг онамни ўлдиришига нега рухсат берган? - деб сўради.

- Кечқурун сенга бир китоб юбораман, ўшани ўқисанг, саволингга жавоб топасан хўпми?

Мөхмәт хўп дегандек бош силкиди.

* * *

«Аллоҳ таолю ҳар қуни бизга қўпдан-қўп неъматларни бахш этади, лекин орамиздан неча киши бу ҳақда ўйлаб қўрган?.. Бу тўғрида бироз тафаккур юритганимизда, ўйдан озишишимиз мумкин бўлармиди?.. Бу неъматларни бизга берган Раббимизни инкор қила олармидик?»

Албатта, ўйқ. Атрофимиздаги шунча яхшилик ва гўзаллик орасида битта бузғунчи бўлса, у ҳам, шубҳасиз, ўзимиз.

Аллоҳ бандаларига танлаш имкониятидан фойдалана олиши учун ақл, илм, иродада берган. Яхшилик-

ларни ёмонликлардан ажратиб олиши учун эса фитратига виждон деб аталувчи, асло ёлғон гапирмайдыган механизмни жойлаштирган.

Үзимизга савол беріб құрайлик: шу күнгача бoshимизга түшгән ҳамма нарсаны үз иродамиз билан танладикми ёки танлашга мажбурландикми?

Баъзилар танлашга мажбурландик дейиши мумкін.

Текис йүлда кетаётіб ўңг томонга бурилишни истаганингизда, ғойибдан бир құл сизни чап томонға бурилишга мажбурлаганми?..

Ёки таҳорат олишни ният қылганингиз ҳолда кимдір сизни черковда чүқинишга мажбурлаганми?

Намоз ўқиши учун такбир айтиб бўлгач, яхудийларнинг Йиғи девори олдида пайдо бўлиб қолганмисиз?

Аминманки, бундай бўлмаган. Ўзингиз истаган томонга бурилгансиз, ўзингиз хоҳлаб таҳорат олгансиз, ўзингиз намоз ўқишини ихтиёр қылгансиз.

Буларнинг бари сизнинг танловингиз. Шундай экан, танловларингиз учун масъулият ва жавобгарлик ҳам сизга тегишли бўлади».

Мехмет чиндан ҳам саволининг жавобини топган, кўнгли хотиржам бўлиб, енгил тортган эди.

VII БОБ

Азоб

Гиёхванд моддаларнинг таъсирида Меҳметнинг ошқозонига заар етган, охириги вақтда еган озгина овқатини ҳам қайт қилиб ташлайдиган бўлиб қолганди. Эбру устоз аввалига уни шамоллаган деб ўйлади, лекин бир неча кун кейин иситмадан лов-лов ёнаётганини кўриб, Меҳметни касалхонага олиб борди.

Меҳмет муолажадан кейингина кўзини оча олди.

- Хавотир олманг, устоз. Шукр, хурсандман, - деди табассум қилган кўйи.

- Тушунмадим, нега хурсандсан?

- Касал бўлганимдан. Касаллик совунга ўхшайди, гуноҳларни ювиб кетади, тозалайди, қолаверса, гуноҳлар кечирилиши учун энг яхши васила ҳамдир. Иншааллоҳ, шу касаллик сабаб менинг гуноҳларим кечирилар.

Эшитганларидан ҳайратга тушган Эбру устоз Меҳметнинг бу фикрларидан севинса-да, шу кун-

гача ўзи бошидан ўтказган касалликлар ҳақида шундай ўйламагани учун ўзидан хафа бўлди. Эндиғина ўн олти баҳорни қаршилаган, шу пайтгача қанчадан-қанча синовлару мاشаққатларга дучор бўлган бу йигитчанинг айтган сўзларидан кейин ўзини койиди.

Қийналган пайтларида устозидан таскин олишга ўрганиб қолган Меҳмет Эбру устоздан Фотима устозга қўнғироқ қилишни сўради.

Устози аввалига ҳазил-хузул билан уни кулдирди, сўнг унга ўгит берди.

– Сабр қил, бу билан чекланмай, шукр ҳам қил. Иншааллоҳ, бу ерда чеккан заҳматларинг охиратда сенга раҳмат бўлиб қайтади. Сен Раббингга сифин, кўпдан-кўп дуо қил, касаллик ўз ишини бажаргач, Аллоҳ шифо беради, – деди Фотима устоз.

Шифокор керакли дориларни ёзгач, Меҳметнинг кетишига ружсат берди. Ўша куни шифокор хавотирли ҳеч нарса йўқлигини айтган бўлса-да, Меҳмет ҳеч ўзига кела олмаётган, кунора касалхонага боришига тўғри келаётган эди.

Фотима устознинг илтимоси билан Эмре шифокор ҳам Меҳметни текшира бошлади. Таҳдиллар узоқ вақт давом этадиганга ўхшайди. Меҳмет шу кунларда устозининг ёнида бўлишини истаса-да, Фотима устоз бир неча йиллик орзусини амалга оширишга киришган эди.

Ассалому алайкум, ё Расууллоҳ!

Хар бир мусулмон сингари Пайғамбар алайхиссаломнинг ҳузурларига бориш, у Зот юрган йўлларда қадам ташлаш Фотима устознинг ҳам орзуси эди. Самолётга чиқиб, умрага йўл олар экан, ҳаяжоннинг зўридан юраги ҳаприқиб кетаётганди.

Дуолари қабул бўлганини ўйлаб, кўзларидан тинмай ёш оқяпти...

«Бандаларининг ҳар қандай дуосини эшигувчи ва уларга энг гўзал шаклда жавоб қайтаргувчи Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», деди пичирлаб...

Самолёт Мадинага қўнди.

Абадий саодатнинг ва сўнгсиз раҳматнинг хушхабарчиси, коинотнинг сарвари – Расууллоҳ саллогоҳу алайҳи ва саллам яшаган шаҳар!

Жазирама бу маконда инсонларнинг қўнглини У зотдан бошқа яна ким салқинлатиши мумкин эди?..

Оҳ, Мадина, оҳ!...

Кўчаларидан куфр анқиб турган ширк шахри Ясиридан Расууллоҳ билан бирга гулистонга айланган Мадина!..

Маккадаги золимларнинг зулмидан қочганларга кучоқ очган Мадина!..

«Ассалому алайкум, ё Расууллоҳ!

Ассалому алайкум, кўнгли ўқсиклар ва етимларнинг қўлловчиси!

Мен келдим, етимларнинг саломини олиб келдим Сизга!

Она фарзандидан, фарзанд отасидан қочадиган, мол-мулк ва шон-шуҳрат фойда бермайдиган Кунда шафоатингизга лойиқ кўришингизни сўраш учун келдим.

Мени ҳам ҳузурингизга қабул қиласизми?..

Сизни жуда соғиндим, ё Расулуллоҳ! Рўзадор сувни, қиши эса баҳорни соғингандек соғиндим!

Ота-онам, молу мулким, бутун умрим сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ! Истаганим на шону шуҳрат, на амал! Мақсадим – Сизнинг исмингизни дунёнинг тўрт томонига етказадиган ўқувчиларни тарбиялаш!

Сизга Мөҳметнинг саломини олиб келдим, у ҳам Сиз каби етим. Мени қабул қилмассиз балки, лекин уни қабул қилишингизга ишонаман.

Унинг ўтмиши Макканинг Сиздан аввалги ҳоли сингари зулмат ичди эди, Сизнинг нурингиз билан умидлари чараклаб кетди, Сизнинг нурингиз билан ёришди унинг кўнгли.

Ҳузурингизга келишини шунчалар истадики, аммо бетоблигидан кела олмади.

Биламан, Сиз барча етимларнинг бошини силайсиз. Мөҳмет Сизнинг шафоатингиздан умидвор, унинг ҳурматидан мен учун ҳам шафоатчи бўласизми?..

Менга ҳам «Кел, Фотима», дейсизми?..»

Фотима устоз тинмай йиғлар эди...

Мадинадан Маккага йўл олишди.

Макка...

Олмос билан кўмир, эгри билан тўғри, ҳақ билан ботил бир-биридан айрилган шаҳар...

Бошингга не кунлар тушди, қанчадан-қанча андуҳларга гувоҳ бўлдинг сен.

Тили бўлса айтсин, ана, Нур тоғи, Ҳиро ғори...

Фотима устоз Каъбани кўриши билан қайси дуони ўқишини йўл бўйи ўйлаб келган эди. Мана, тим қора ёпинчиғига ўранган Каъбанинг қаршисида турибди ҳозир.

Қараган қалби яшарган, вайронаси сайдоларга айланган лаҳзалар...

«Аллоҳум! Гуноҳкор бу бандангнинг таваллосини қабул эт!

Шубҳа йўқки, ҳар нега қодир Зотсан! Қалблари-мизга фараҳлик баҳш эт!

Аллоҳум! Зулматда қолган Юнус алайҳиссалом-дек ёлворяпман сенга!

«Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим...»²²

Умримни ҳабата қилдим, ҳо-ю ҳавасларнинг ортидан чопдим, дунёга берилдим...

Энди эса минг пушаймонлик ичра эшигингда бечораҳол бўлиб турибман...

Аллоҳум, марҳаматингга зорман! Мени кечиришингга, тўғри йўлдан юрадигалардан бўлиш учун

²² «Анбиё» сураси, 87-оят.

ёрдамингга мухтожман! Ёлвораман, мени бир он бўлса ҳам, нафсим билан ёлғиз қолдирма.

Аллоҳим, «Фақат Сенгагина ибодат қиласиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз»²³.

Раббим! Мен билан бу ерларга келган онамдан, уйда мени қўзи тўрт бўлиб кутаётган отамдан, «Устоз, мен учун ҳам дуо қилиб қўйинг», деб сўраган Мөхметдан ва шундай фарзандни вояга етказган онасидан рози бўл!...»



²³ «Фотиҳа» сураси, 4-оят.

Болалар уйидан касалхонага

Бир ҳафта давом этган текшир-текширдан кейин Эмре шифокор Мөхметни касалхонага ётқи-зиш керак деган хulosага келди. Эбру устоз буни кутмаганди, бироз саросимага тушди. Даволаниш узоқ давом этиши мумкинлигини эшигтан Мөхмет-нинг ўртоқлари ҳам хафа бўлди, чунки ҳамма уни дори-дармон билан тузалиб кетади деб ўйлаётган эди.

Мөхмет нарсаларини йиғиширилар экан, кўз ёшларини аранг тийиб турарди. У дардга ча-линганидан эмас, яхши қўрадиган дўстларидан айрилаётганидан сиқилаётганди. Нарсаларини олиб, ташқарига чиққанида кўзида қалқиб турган ёшлар барибир тўкилиб кетди: бутун болалар уйи уни кузатгани йиғилганди. Худди уларни қайтиб кўрмайдигандек, ичидагиларни айтиб олгиси келди.

– Севикли устозларим, дўстларим! Сизлардан бу ҳолатда айрилишни хоҳламаган бўлардим, ишончим комилки, сизлар ҳам истамайсизлар. Унутмайликки, қадаримизда не бўлса, бари хайрлидир, гўзалдир.

Маҳзун бўлманглар, зеро, зоҳирда дард каби кўринган нарсалар биз учун аслида шифо бўлиши ҳам мумкин. Қолаверса, Аллоҳ севган қулига дард беради, шундай эмасми? Акс ҳолда Аюб алайҳис-саломнинг баданини яралар билан қоплаб қўярмиди?..

Мен ҳам ҳозирги ҳолатим учун Аллоҳга исён қилишни эмас, балки Аюб алайҳиссалом сингари сабр қилишни маъқул кўрмоқдаман.

Инсон бу дунёга фақатгина гўзал яшаш, роҳат-фароғатда бўлиш учун эмас, доимий ҳаёти-нинг саодатига эришиш йўлида ҳаракат қилиш учун келган. Агар хасталик бўлмаса, сиҳат-саломатлик инсонни ғафлатда қолдиради, дунёни чиройли кўрсатади, охиратни, қабр ва ўлимни унуттиради. Касаллик эса инсоннинг кўзини очади, «Абадий эмассан, тизгинсиз эмассан, сенинг вазифанг бор. Фурурни бир четга суриб қўй ва сени яратган Зот ҳақида ўйла, қабрга киришингни унутма, мана шунга қараб тайёрлан», дейди.

Ҳа, дўстларим, агар бу дунё бокий бўлганида ва йўлнинг ниҳоясида ўлим бўлмаганида, мен ҳам бу дунё ҳаловатини ўйлаб, балки қасалликдан изтироб чеккан бўлардим. Биз бундай дардларни огоҳлантириш билиб, дунё бизни қувмасдан дуён муҳаббатидан воз кечишимиз, у бизни тарк этмасидан қалбан уни тарк этишга уринишими лозим.

Муаммолар ва қасалликлар меҳмонга ўхшайди, улар келади ва кетади. Муҳими, уларни Юборган-

нинг хурматидан меҳмонга сабр қилишдир. Раббим бизларни берилган неъматларнинг қадрини биладиганлардан қылсин. Сизларни қаттиқ соғинаман, касалхонага мени кўргани борарсизлар. Мен хафа эмасман, аксинча, Аллоҳ ожизлигимни, заифлигимни кўрсатиб, унга сиғинишими таъминлаб, жаннат эшикларини менга қия очгани учун севиняпман, сизлар ҳам хурсанд бўлинглар, ҳаммангизни қўпдан-кўп дуо қиласман. Аллоҳга омонат бўлинглар!..

Шу гаплардан сўнг Эбру устознинг ҳамроҳлигига касалхонага йўл олди. Йўлда Фотима устози билан гаплашишни истаб, унга қўнғироқ қилди.

- Мөхәмет! Кўнгилга яқинсан-да! Буни қара, Каъбанинг қаршисида сен учун дуо қилаётгандим.

- Жуда хурсандман, устоз! Яхшимисиз, кунларингиз яхши ўтятпими? Мен учун ҳам умра қилишингизни сўрамоқчи эдим.

- Албатта, Мөхәмет, албатта қиласман. Алҳамдулиллаҳ, мен жуда яхшиман, кунларим жуда сермазмун ўтятти, ҳар лаҳзадан унумли фойдаланишга уриняпмиз. Ўзинг яхшимисан? Машинадамисан, қаёқقا кетяпсан?

- Ҳа, машинадаман. Эбру устозим билан касалхонага кетяпмиз.

- Тинчликми ишқилиб?

- Тинчлик, устоз, хавотир олманг. Эмре оға бир муддат касалхонада бўлишим кераклигини айтди. Мен ҳам нарсаларимни олиб, дўстларим ва устоз-

ларим билан хайрлашдим. Шундай қилиб, касалхонага кетяпман.

Фотима устоз хавотирланган бўлса-да, сездирмасликка уринаётган эди.

- Айтганча, касалхонадаман деб сабоқларни қолдира кўрма, бир ҳафталарда ёнингга бораман. Борганимда ҳаммасини ўзим текшириб чиқаман!

- Хўп, устоз, қолдирмайман. Сиз олиб берган Куръон, дафтар-китобларим ёнимда, баскетбол формамни эса кийиб олганман. Хуллас, ҳамма нарсам тўкис...



Ёлғизлик

Кун ўтган сайин ҳорғинлик ва ҳолсизлик ортиб борар, кечаси тутиб қоладиган оғриқлардан ухлай олмас, ҳар тонгни қайт қилиш билан бошлар, энг яхши күрган овқатини ҳам ея олмайдиган ажволга келганди.

Дард уни қийноққа солаётган, диализ мұолажасини олаётган бўлса-да, сабр қиляпти.

Биладики, буларнинг бари ўткинчи, бу кунлар албатта ўтиб кетади.

Эбру устози гарчи тез-тез келиб туришга ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, болалар уйидаги бошқа ишлар сабабли кўпинча Мөхәмметни ёлғиз қолдиради. Бу ёлғизлик Мөхәммет учун узлатдек ўтаётган эди.

Бундай пайтларда «Ёлғизлик» шеърини ўқиши яхши кўради. Бу кеча ҳам шу шеърни ўқийдиган даражада ўзини ёлғиз ҳис қиляпти...

«Ўтмишга қайтиб, ўзимга бир нималарни айтши имкониятим бўлганида, мана шуларни айтган бўлардим...

Биламан, ҳар зарбада маъсум қалбинги янада кўпроқ яширдинг, янада кўпроқ оғиритишмасин дея.

Бирорлар кўрмасин дея атрофингни деворлар билан ўрадинг.

Ва тўплар билан сени яралашганида, мана шу деворлар ортига янада кўпроқ яшириндинг.

Ва яширинганинг сайин оломон ичидаги бўла туриб ёлғиз қолдинг.

Биламан!

Оиламнинг ёнига борайин дединг, аммо улар ҳам таскин беролмади.

Ўз қобигингга ўралиб олдинг ва ҳис қилганинг биргина ёлғизлик бўлди...

Дўстимга борайин, балки давоси ундалир дединг, лекин дўстингнинг парвойи палак.

Яраларинг баттар қонади. Энди қонатишмасин дединг ва яна қалбинг атрофига деворлар қурдинг.

Ўша деворларга биргина сўзни ёздинг:

«Ёлғизлик...»

**Ёлғизлик сен тополмаган севгини
доим бошқа эшиклардан излаш кабидир.**

Нима қилсанг-да, уни бу дунёдан тополмаслигингни биласан, бироқ уриниб кўриш фикридан воз кечмайсан, ўрнини нималар биландир тўлдиришга ҳаракат қиласан.

Натижса эса ўзгармайди: яна ёлғизсан.

Мөхметим!..

Ёлғиз қолганингда Аллоҳга яқинлашишинг учун У сени ҳаммадан узоклаштирганини ўйла.

Биламан!

Ҳамма нимадир дейди, аммо сен гапиролмайсан, чунки ёлғизсан.

Биргина кутаётганинг ўлим...

Эшиклар бирма-бир ёпилар экан, хаёллар уммонига шўнғийсан.

Бирдан кичкиналигинде онанг ёд олишинг учун қулогингга пичирланган оятни эслайсан.

«Раббинг сени тарк этмади, сендан хафа ҳам бўлмади...»

Мана шу онда бирдан куз фаслинг яна яшилликка бурканади.

Ой сендан узоқлашади, қуёш сени тарк этади.

Қалбингда коинот билан бирга сен айтган ўша зикр:

«Уни ўйқотган нимани топади ва Уни топган нимани ўйқотади?!»

Ва тушунасанки, Аллоҳ сени ёлғиз қолдирганида аслида эътиборингни фақатгина унга қаратишингни истаган.

Тушунасанки, Аллоҳ бандасига худди ошиқ мактуб ўйллаганидек мактуб ўйллаган.

Мәхметим!

Кўз ёшларингни ҳеч ким артмасин! Мени топ, ўрнингга булувларни йиғлатай...

Бу ярадор қалбинг билан бировга яқинлашма! Мени топ, ҳар заррангга шифо бўлай...

Сирларингни ҳеч кимга очма! Мени топ, Фотихни²⁴ пойтахтнинг нақўртасига юборайин...

Мени топ, кетма бошқа жойларга, Мәхметим, деганини тушунасан.

Сенга шоҳтомирингдан кўра яқинроқ бўлган Мен тургандা, бошқаларига боришинг, дармонни бошқа жойлардан излашингдан маъни не?

Тушун, Мәхметим, тушун...»

²⁴ Истанбулни фатҳ қилган Султон Мәхмет назарда тутил япти.

Касалхонага келганидан бери икки ҳафта ўтди.

Тезроқ тузалиб, бу тўрт девордан қутулишни истаса-да, ҳали-бери кетадиганга ўхшамаяпти. Ҳар куни иссиғи чиқяпти, қон босими ўйнаяпти. Ёғсиз ва тузсиз овқатларни ейишга, кунора чойшабларни алмаштириш учун хонасига кирадиган истара-сиз ходималарга чидашга мажбур...

Фотима устоз умрадан қайтиши билан касалхона-га югурди. Узундан-узун йўлақдан қандай ўтганини ўзи ҳам билмайди. Кўлида совғалар билан Мехмет ётган 417-хонага ошиқди. Эшикни тақиллатган эди, «Киринг» деган ингроқ товуш эшитилди.

– Оҳ, қадрдоним менинг! Устозининг ягонаси!
Сени қанчалар соғинибман!

Бу учрашув тап-тақир чўлнинг ёмғир билан учрашувига ўхшарди. Мехметга кувват кирган, сал олдин аранг овози чиқсан одамга ўхшамас, булбулдек сай-рарди.

– Хуш келибсиз, устоз! Мен ҳам сизни жуда соғин-дим! Бу ердалигимда йўқлигингиз жуда билинди.

– Мана, келдим, сенга Расулуллоҳ алайҳиссалом-нинг саломларини олиб келдим. Буларга қара, сен учун ўша ердан олдим, мушк билан мисвок. Салла ва яктак ҳам олдим!

**Ҳамма фақат ўзининг
дардга чалинганини ўйлай-
диган бу дунёда ҳамдардинг
бўлиши неъматdir.**

- Ҳар доимгидек совға олмасдан келмабсиз-да, устоз, Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Бундан кейин намозда олдин мана шу мушкдан сурман, намозларни салла ва яктак кийиб ўқийман, насиб қилса. Мен учун дуо қилдингизми деб сўраб ҳам ўтирумайман, чунки кўзларингиз қилган дуоларингизни бирма-бир айтиб турибди...

Улар анчагача сұхбатлашиб ўтиришди. Фотима устоз Мөхмәтга Макка ва Мадинада олган расмлар ва видеоларни кўрсатди.

- Раббим Каъбага бирга боришни насиб қилсин, Мөхмәт!..

Қанча сұхбатлашишмасин, барибир вақт етмай қолди. Фотима устознинг қайтадиган вақти бўлганди. Анчадан бери кечаларни бедор ўтказаётган Мөхмәт бугун мириқиб ухлади.

* * *

Бомдод намозидан кейин Фотима устоз кун ёришгунча Куръон ўқиди. Соат саккизларда ҳар куни маҳалладаги чорраҳага иссиқ тешиккулча олиб келадиган Ҳайдар амакининг ёнига бориб, тешиккулча ва учбурчак пишлок олди-да, тўғри касалхонага равона бўлди. Мөхмәт тешиккулчани жуда яхши кўради, бир хурсанд қилсин.

Эшик очилиб, устози кириб келганида Мөхмәт чиндан ҳам икки карра хурсанд бўлди. Дарров чой дамлади. Нонушта қилиб, сұхбатга берилиб кетишиди. Ҳамшира ҳар кунги текширув учун келганида гина вақт тушга яқинлашганини билиб қолишиди.

Ҳамшира ишини бажариб, керакли қайдларни ёзаётганида, эшик очилиб, Эбру устоз кўринди. Ҳар икки устозини ҳам кўриб турганидан Мехметнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Эбру устоз салом-алиқдан, ҳол-аҳвол сўрагандан кейин Фотима устозни олиб касалхона боғига чиқди.

– Устоз, Мехметнинг аҳволини кўриб турибсиз, – дея гап бошлади. – Ҳафтанинг тўрт кунида диализ жиҳозига боғланади, бу эса уни қаттиқ қийнаяпти. Албатта, унинг тузалиши ҳаммасидан муҳимроқ, аммо текшириш натижаларига қараладиган бўлса, унчалик ҳам ижобий ўзгариш бор деб айтиб бўлмайди. Битта буйраги тамоман ишдан чиққанди, энди эса иккинчиси ҳам ишдан чиқиш арафасида, бу мени қаттиқ ташвишга соляпти, бироқ қўлимдан ҳеч нарса келмаяпти. Мехметга керагича зътибор бера олмаганим учун эзилиб кетяпман. Дуо қиласайлик, Раббим тезроқ шифо берсин!

Фотима устоз дугонасининг бу аҳволини кўриб, унга тасалли беришга уринди:

– Машаққатларнинг ортидан енгилликларни берадиган Аллоҳ, албатта, касалликнинг шифосини ҳам беради, иншааллоҳ. Аллоҳдан нима келса хайрлидир, нима келса гўзалдир. Биз бошимизга тушганлардан кўпинча хулоса чиқармаймиз, лекин Мехметнинг шарофати билан кўп нарсани ўргандик. Биз унга васила бўлдикми ёки у бизга, буни биргина Аллоҳ билади. Мен ҳар доим Мехмет учун дуо қилдим, Мехмет учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиласман...

VIII БОБ

Сафар

Фотима устоз отасига қўнғироқ қилиб, машина олиши кераклигини айтди. Шукрки, отаси ўзига тўқ, дарров машина излашга тушиб кетди. Кечга яқин уйга қип-қизил машина билан қайтган Фотима устознинг бу ранг Мехметга ёқишига ишончи комил эди. Чунки муқоваси қизил тусли китоблар Мехметнинг ҳаётини ўзгартирган, шу сабабли бу рангни яхши кўриб қолганди.

Бошқалар «Феррари»дек қизил дейди, Мехметнинг «Феррари»си ўша қизил китоблар бўлди.

Машинани ҳал қилди, эндиғи гал Эмре шифокордан рухсат олишга. Фотима устоз Мехметни Мерсинга, ғойибона устозларининг олдига олиб бормоқчи.

– Эмре бей, Мехметнинг аҳволи жиддийлигини мен ҳам биламан, бироқ унинг баъзи орзуларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қиляпсан. Агар рухсат берсангиз, Мехмет йўлда юришни кўтара олади десангиз, уни бир кунга Мерсинга олиб бормоқчи-

ман. Бомдод намозидан кейин йўлга чиқиб, хуфтон вақтида қайтамиз.

– Майли, бир кунга бўлса, рухсат бераман. Лекин, сизга ҳам маълумки, Меҳмет касалликнинг сўнгги босқичида, унга мос буйракни иложи борича тезроқ топишимиш керак, акс ҳолда уни ҳар куни диализ жиҳозига улашимизга тўғри келади.

...Фотима устоз келганида Меҳмет хонасида ўйга чўмиб ўтирган эди. Кўзлари чақнаб, хурсанд ҳолда туришидан қандайдир хушхабар билан келгани аниқ. Меҳмет унга қизиқсиниб қаради.

– Нихоят, орзуларинг ушаладиганга ўхшаяпти,
– деди Фотима устоз ва уни куттиргиси келмай қўшиб қўйди: – Мерсин...

Бу сўзни эшитиши билан Меҳметнинг юраги ҳапқириб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

– Қани, бўл, таёrlан, кетдик...

Меҳмат устозининг машина олганига хурсанд бўлсинми, Мерсинга кетаётганигами, ўзи ҳам билмайди. Йўлга чиқишигандан бери хаёлида фақат бир нарса – оғаларим деб билган инсонларнинг олдига тезроқ етиб бориш. Тезроқ ўша шаҳарга етиб боришсайди, оғаларини маҳкам бағрига босади, кейин ҳамма мақтайдиган қалампирмунчоқ исли чойларидан ичади.

Меҳметнинг хурсандлигини кўрган Фотима устозининг кўнгли хотиржам бўлди. Унинг ҳаётдаги энг катта мақсадларида бири – мазлумнинг дуосини олиш. Мана, ҳозир ўша мазлумлардан бирининг орзусини рўёбга чиқариш учун Анқарадан

Мерсинга кетяпти. У ора-сира Мөхмәтдан «Қалай, ҳаяжонланяпсанми?» деб сүраётган эди. Аслида Мөхмәтнинг қанчалар шод эканлиги юз-кўзидан кўриниб турган бўлса-да, бу ҳақда ўз оғзидан эши-тишни истаётганди.

– Бу ҳаяжон бошқача, устоз, таърифлаб берол-майман, – дея жавоб қайтарарди Мөхмәт...

Ҳаяжон ичидаги манзилга қандай етиб боришганини сезмай ҳам қолишиди. Фотима устоз Мөхмәтни куттиришни истамасди.

– Қани, борақол, оғаларинг сени кутмоқда.

Машинадан тушган Мөхмәтнинг тиззалари қалтирас, йўл бўйи ўйлаган режалари хаёлидан бир-ма-бир учеб кетаётган эди. У аста-секин қадам ташлаб, эшикка яқинлашди ва қўнғироқни босди. Юрак уриши янада тезлашди, эшик очилиши билан уни қандай кутиб олишади ёки нима дейиша-ди, билмасди.

Ниҳоят, эшик очилиб, кулиб турган бир киши кўринди.

– Хуш келибсан, иним, – дея уни ичкарига таклиф қилди.

Самимий муомала Мөхмәтни бироз бўлса-да, хотиржам қилди, ҳаяжони босила бошлади. У ўзга бир оламга тушиб қолгандек ҳайрат билан атрофга қарабарди. Чап томондаги токчаларга китоблар тизиб қўйилган, энг юқорисига Куръони карим қўйилган. Болалар учун мўлжалланган, чиройли муқовали китоблар ҳам бор экан. Мөхмәт бир то-мондан кичиклигига мана шундай китобларни

үқий олмаганидан ўксинса, иккичи томондан, бу ерга келадиган, бу китоблардан фойдаланадиган болалар учун хурсанд эди.

Бу ерни Турпал оға бошқарап экан. Кўринишидан қаттиқўл одамга ўхшаса-да, ўта мулойимлик билар гапиракан.

– Хуш келибсан, дўстим, – деди у Мехметни кўриши билан. – Қани, кел, ўтири. Исминг нима?

– Мехмет.

– Қаерликсан деб сўрамоқчи эдим, аммо кўриниб турибдики, Онадўли фарзандисан. Шеванг сени сотиб қўйди, – деди кулимсираб.

– Худди шундай, анқараликман.

– Қайси шамол учирди сени бу ерларга?

– Ер билан битта бўлган ҳаётимни изга туширишга сабабчи бўлган бу жойни, мени умуман танимаганлари ҳолда мана шу хайр ишлар билан шуғулланаётган оғаларимни ўз кўзим билан кўришни истадим.

Бу сўзларнинг ортидан аллақанча изтироб борлигини фаҳамлаган Турпал оға эски дардларни кўзғатишни истамади ва Мехметга атрофни кўрсатишга киришди.

Учинчи қаватда «Зивар» деб аталувчи мутолаа хонаси бор экан. Турпал оға нима учун айнан шу номни танланганини изоҳлаб берди.

*Балки сен Аллоҳдан
гул япрогини
истаётгандирсан,
аслида Аллоҳ сен учун
гулзорларни тайёрлаб
қўйгандир.*

– Буюк ислом олимининг энг содиқ талабалиридан бирининг исми Зивар бўлган. Устози вафот этгандан кейин унинг ишини давом эттирган. Бундай фидойи инсонларнинг қадри улар дунёдан ўтгандан кейингина сезилади, улар саодат асрида «Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ!» деган саҳобаларнинг давримиздаги издошларири.

Гапирган сайин шавққа тўлиб бораётган Турпал оға Мөхмәтнинг кўзларига қаради.

– Бизнинг ҳаётимиз ҳам мана шунаقا инсонларнинг ҳаёти билан қиёсланганида ўхшашликлар кўринса, биз жуда баҳтиёр бўламиз. Агар терслик кўринса, унда нафсимизни жиловлаш вақти келган бўлади, Мөхмәт. Зеҳнимиз, айниқса, ўткинчи ҳою ҳавасларни ўйлашдан чарчаётган бўлса, ҳолимизга вой. Биз Зивар сингари фидойилардан ўrnак олишимиз зарур.

Турпал оғанинг сўзларини тинглар экан, Мөхмәт: «Ё Раб, мени ҳам ислом фидойилардан айла», деб дуо қилди.

Улар биринчи қаватга тушиб, ошхонага ўтишди ва чой олишди. Мөхмәт бу ерда дамланадиган чойнинг таърифини кўп эшитгани учун ақалли бир марта бўлса-да, ичиб кўришни жуда хоҳлаган эди.

– Хўш, қалай, чойимиз ёқдими? – сўради Турпал оға.

– Ҳар қанча таъриф камлик қиласи, оға. Дунёнинг саккизинчи мўъжизасими бу? Бунча ширин, бунча хушбўй бўлмаса?

Чойхұрлиқдан кейин Мәхмет ўзи учун китоблар орқали ғойибона яқын бўлиб қолган Мусъаб оға билан танишди.

– Ким билан келдинг бу ерга? – қизиқсиниб сўради Мусъаб оға.

– Мен учун жуда қадрли бўлган Фотима устозим билан келдим. Касалхонадан бир кунга рухсат олиб келдик. Буйракларим ишдан чиққан, қолаверса, ўпкам ҳам касалланган. Мен дуоларимни, устозим эса ҳаракатларини тўхтатмади, мана, кўриб турганигиздек, бугун бу ердамиз.

– Раббим сенга Шофий²⁵ сифати билан шифо берсин, мен ҳам сен учун дуо қиласман. Барибир шукр қилиш учун кўп сабабимиз бор, тўғрими, Мәхмет? Қара, Аллоҳ шундай устозни насиб қилибди, сенга ҳам оналик, ҳам оталик қилибди, шу ергача олиб келибди.

Унутмаслигимиз керакки, Аллоҳ қулига ҳеч қа-
чон зулм қилмайди. Бошимизга тушган ҳар ишда
бир хайр бордир, албатта, аммо баъзан хайрни
кўролмаймиз ва билолмаймиз, шунинг учун ҳам
бошимизга тушганларни ёмон деб ўйлаймиз. Ахир
бу дунё Расулуллоҳни ранжитган дунё эмасми?
Бизни хафа қилмайди деб ўйлайсанми? Расулул-
лоҳни эслаб кўргин-а, яқинлари бирма-бир вафот
этди, тошбўрон қилиндилар, ҳақоратларга уч-
радилар, бироқ Раббимизни рози қилиш учун ўз
йўлларидан қайтмадилар. Шундай экан, биз хай-
рли амаллардан қайтишимиз мумкинми? Қилган

²⁵ Шифо берувчи

гұноҳларимиз учун чин дилдан тавба қилиб, әзгу амалларни давом эттирмоғимиз лозим. Иншааллох, бу амалларнинг ажри оламиз.

Ҳар қишининг бир баҳори, ҳар кечанинг бир тонги бор дейишади-ку. Фараҳлик яқиндир, иним, фарахлик яқин.

Мөхмәтнинг күзларида ёш қалқан бўлса-да, жуда хотиржам тортганди.

– Мен учун дуо қилинг, оға, Аллоҳ мени сизлар билан бирга қылсин!

– Албатта, дуо қиласман, – деди Мусъаб оға ва уни бағрига босди.

Мөхмәт ҳамма билан хайрлашиб, ташқарига чиқди. Фотима устозига куни қандай ўтганини тезроқ гапириб бергиси келаётган эди. Энди оғиз очган эдики, уйғониб кетди...

Қараса, ўриндиқда ўтирганча ухлаб қолган экан.

Аввалига кўрганларининг бари туш эканига ишониши қийин бўлди.

– Тушимда бўлса ҳам, бу бахтни менга насиб қилгани учун Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, – деди ўзиға келгач.



Таассуф

Мехмет бир масалани анчадан бери ўйлаб юрган эди, нихоят бутун Фотима устозга ёрилди.

- Устоз, сизга бир нарсаны айтишим керак, - деди уялибгина.

- Эшитаман, Мехмет, қулоғым сенда.

- Ўрта мактабда ўқиб юрганимда ўртоғим билан Анақарадаги бир кийим дўконидан иккита кўйлак ўғирлаганмиз. Маҳалламиздаги дўкондан сақич, музқаймоқ, ширинлик ҳам ўғирлаганман. Мен бундай гуноҳлар билан охиратга боришни истамайман, бу хатоларимни тузатишни истайман, ўша дўконларга бориб, қарзларимни тўлай оласизми?

- Албатта. Сен учун розилик ҳам олиб келаман.

- Лекин қарзларимни ўзимнинг ёнимдан тўлайман, сиз тўлашингиизни истамайман. Биласиз, етим бўлганим учун давлатимиз ҳар ой менга нафақа ажратади, ўшанинг ҳисобидан бераман, - у ҳамёнидан пул чиқариб устозига узатди. - Ортиб қолганини Мерсинга юборишин-

Гаеба “Менга янги ҳаёт керак, эскисини расво қилдим”,
демакдир.

гизни сўрайман. Мен оғаларимдан кўп нарсани ўргандим, уларга ҳам ёрдамим тегсин. Улар менга қандай яхшилик қилган бўлса, ишончим комилки, бошқа етимлар ва кўнгли ўксикларга ҳам шундай яхшилик қилишади. Касалхонадан чиқа олганимда, бу ишларни ўзим қилган бўлардим, афсуски, ҳозир бунинг иложи йўқ. Шунинг учун менга ёрдам берсангиз, хурсанд бўламан, устоз.

– Албатта, ёрдам бераман, Мөхмет. Кўнглинг хотиржам бўлсин.

* * *

Фотима устоз Мөхметнинг илтимосларини бајариб, касалхонага қайтганида қош қорайиб қолганди.

Хонага кирганида, Эмре шифокор Мөхмет билан чақчақлашиб ўтирган экан.

Мөхметнинг охирги таҳлилларининг натижалари яхши чиқибди. Фурсатдан фойдаланиб, анчадан бери егиси келаётган қиймали юпқа учун рухсат сўради. Ахир қачондан бери парҳез таомлар еявенириб кўнгли озиб кетди.

– Майли, фақат бир дона ейсан, – дея рухсат берди шифокор.

Шифокорнинг сўzlари Фотима устозга умид бағишилади. Демак, Мөхметнинг муолажалари туғашига оз қолибди чоғи. Бу орада дўкончилар билан учрашганини, улар мингдан-минг рози бўлишганини айтди.

Мөхметнинг кайфияти янада кўтарилди.

Шифокор ва устози кетишгач, хаёлидан ўтганларни қофозга туширишни истади.

«Буларни сиз учун ёзяпман, она.

Дунё менсиз ҳам дунё, аммо мен сизсиз мен бўлолмайман.

Нимадир етишмайди.

Тугалланмаган сўз каби маъносизман...

Ўн етти йиллик умримга қанча гуноҳ сифиши мумкин бўлса, шунча сифидирдим, энди эса уларни бирма-бир тозалашга уриняпман.

Аммо на Раббимдан умид узяпман, на ўзимдан. Биламанки, унинг марҳамати менинг гуноҳларимдан буюк, шуни билганим учун ҳам Унга сиғиняпман.

Учрашув онлари яқин, ҳис қиляпман.

Кеча сассиз, мен сизсиз, ичимда соғинч...

Сизга етишадиган кунни сабрсизлик билан кутяпман, онажон...»

* * *

Ўтирган жойида қўлида қалам, бағрида дафтар билан ухлаб қолган экан, эрталаб фаррош хонани тозалаш учун эшикни очганида уйғониб кетди. Қизиғи, нуқул қош-қовоғи осилиб юрадиган фаррош бугун негадир у билан саломлашди, ҳол-аҳволини сўради.

Бундай муомалага ўрганмаган Мехмет эса ҳайрон.

Фаррошдан кейин амалиётчи талабаларни эргаштирганча навбатчи шифокор кириб келди. Мехметнинг қон босимини, тана ҳароратини ўлчаб, дафтарга ёзиб қўйишиди.



Точми дори тугай деганида қиймали юпқаны
күтариб Фотима устоз ҳам келиб қолди.

– Марҳамат, Мәхмәт бей, қиймали юпқангиз! –
деди у құвноқлик билан.

Мәхмәт юпқаны паққос туширди, яна бўлгани-
да, жон дерди, лекин Эмре шифокор фақат битта
ейишига ружсат берган, шунинг учун устози фақат
битта олиб келибди.



СОВУҚ ЙЎЛАК

Телефоннинг кўнғироғи одатдагидек янгра-са-да, номаълум рақамни кўрган Фотима устоз-нинг кўнгли негадир хижил бўлди.

– Алло, Фотима хоним билан гаплашяпманми?

– Ҳа.

– Фотима хоним мен ҳамшира Эдаман, сизга ка-салхонадан кўнғироқ қиляпман, зудлик билан бу ерга келишингиз керак.

– Меҳметга бирор нима бўлдими?!

– Аҳволи ёмонлашди...

Фотима устоз телефонни ўчиришни ҳам унугиб, уй кийимида машинасига ўтирди. Кечки пайт бўлгани учун йўллар тирбанд, машина ҳеч юрмаётган-дек эди. Олдиндаги машиналарга кетма-кет сигнал чалаётган бўлса-да, бу аслида ечим эмаслигини жуда яхши тушуниб турарди.

Ярим соатлик масофа ярим асрлик масофадек туюлиб кетди.

Касалхонага етиб келганида, Меҳметни реани-мация бўлимига олиб кириб кетишган экан. Атро-фда чорасизларча кутаётган бошқа инсонлар каби у ҳам кута бошлади. Бундай ҳолатга биринчи мар-

та тушиши. Кошки эшик очилса-ю, ичкарига кириб, Мөхмәтнинг аҳволини сўраса.

Бир маҳал ичкаридан бир шифокор чиқиб келди.

– Мөхмәтнинг яқинлари шу ердами?

– Ҳа, шу ерда! – деди Фотима устоз шоша-пиша.

– Киринг! – деди у ичкарига имлаб

Уни Эмре шифокор кутиб ўтирган экан. Энги-боши негадир жиққа хўл, бошини эса хам қилиб олган эди. Уни кўриши билан Фотима устознинг юраги шув этди.

– Доктор бей...

– Устоз... Биз қўлимииздан келганча ҳаракат қилдик, лекин Аллоҳнинг иродаси... Мөхмәтни сақлаб қололмадик... Аллоҳ сабр берсин...

– Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун,²⁶ – деди Фотима устоз оҳистагина.

Устоз Мөхмәтни охирги бор кўришни истаб, реанимация хонасига кирди. Ҳамшира марҳумнинг юзига ташлаб қўйилган оқ матони очди. Танаси буғдой каби сап-сариқ бўлиб кетган Мөхмәтнинг юзида гул ғунчасини ёдга солувчи бир табассум мухрланиб қолганди.

²⁶ “Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз” (“Бақара” сураси, 156-оят).

18.10.2019 / 11:00-12:00

Меҳмет вафот этганида телефонининг экранида ҳаётининг ўзгаришига сабаб бўлган оғаси ва унинг бир сўзи бор эди:

«Йиглама, гўзал инсон! Дарров ғамга ботма.

Қара, умид бор. Аллоҳ бор...»



Лицензия рақами: А1 № 252. 02.10.2014 да берилган.
Босишига 02.08.2021 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32.
Гарнитура «Cambria». Офсет қозози.
Босма табоги 11,0. Шартли босма табоги 18,48.
Адади 5000 (I завод 1000) нусха. Буюртма № 135.
Баҳоси келишилган нархда.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.
1000113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.
Мурожсаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.
Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.
Факс – (71) 273-00-14;
email: yangiasravlod@mail.ru

29000

Ҳаётининг баҳорида сўлиған навниҳол...

Маиший зўравонлик, қотиллик, кўча ҳаёти, гиёхвандлии
етимлик, афсус-надомат ва руҳий азобларни бошлан
кечирган ёшгина йигитча.

Бу ёшида бунча юкни кўтариш унга оғирлик қилди.

Ранж-аламга тўла ҳаётига маъно беришни истади, туби
йўқ қудукда келажаги учун бир тутам умид қидирди...

Ва йўлини йўқотганларга йўлбошчилик қилишни дилинга
туккан ёш ўқитувчи билан учрашиб қолди. Бу учрашув аслпо
тасодиф эмасди...

Мехмет Иилдизнинг реал воқеаларга асосланиб сизнини
ушбу асарида толеи кулмаган йигитчанинг ҳаёти қанчалир
ўзгариб кетганига гувоҳ бўласиз.

“Хеч ким ҳаётимизга бекордан-бекор кириб келмагани
Улар биз учун ё имтиҳон, ёки армуғондир”.

-  misbahkitoblar
-  misbahkitoblar
-  misbahkitoblar
-  misbahkitoblar

ISBN 978-9989-



9 789943 2091